Kitob dunyosi

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 6-7 (320-321)
2020 йил
13 май.
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Юнус ЭМРО

Бир ҳовуч тупроқ,
бироз сувман мен,

Нимамга керилай,
фақат шуман мен.



Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

Янгиланган жароҳат янги жароҳатдан ҳам кўпроқ азоб беради.

Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.

Жалолиддин РУМИЙ



ОМАД КЕТГАНИДА УНУТИЛГАН БАХТСИЗЛИКЛАР ҲАМ ЁДИНГГА ТУША БОШЛАЙДИ, ХУДДИ ЭСКИ ЯРАЛАРНИНГ ЎРНИ ЁМОН ОБ-ҲАВОДА БЕЗОВТА ҚИЛГАНИ КАБИ.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

ҲАЁТ БИЛАН МУЛОҚОТДА УНИНГ БИЗГА БЕРГАН САВОЛЛАРИ ЭМАС, БАЛКИ БИЗНИНГ УНГА ЖАВОБИМИЗ КЎПРОҚ МУҲИМ.

Марина ЦВЕТАЕВА

АЙРИМ ИНСОНЛАРГА ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗМОҚЧИ БЎЛГАНИНГДА, МИНГ АФСУСКИ, УЛАР ЁРДАМ БЕРУВЧИ ОДАМНИ ЭМАС, ЎЗИ БИЛАН ҚЎШИЛИБ ЙИҒЛАШНИ ИСТОВЧИ ОДАМНИ КУТАЁТГАНИГА АМИН БЎЛАСАН.

Фридрих НИЦШЕ

Бир иситмалик ҳолимиз бор экан!

Хосият РУСТАМОВА

Ҳеч эшитганмисиз, жуда озғин, заиф одамлар ҳақида «Бир иситмалик ҳоли бор», дейишади. Бу гапнинг маъносини энди тушундим, биз бугун заифлашиб кетгандик. Билимсизлигимиз билан Ҳаётга енгиллик қилдик! Мана шу енгиллигимиз билан оғирлик қилдик ҳаётга! Аслида, бир иситмалик ҳолимиз бор экан, кечроқ тушундик! Ҳеч кимга гап бермаётган эдик кеча... Атрофдагиларни танимай қўйгандик! Оёқларимиз остидаги ерга кўзларимиз остидан қарадик! Ўлишимизга ишонмадик... Бугун яна бир карра тушуниб турибмизки, дунё жуда кичкина, унда яшаётган одамларнинг эса бегонаси йўқ. Ҳамма бир-бирига қариндош! Бугун ҳамма нарса кафтларимиз ичидагидек аён бўлди-қолди!

Самир АББОСОВ

– Фурсатдан фойдаланиб, “Китоб дунёси” газетасига ташаккур айтаман. Бу газета нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Турк дунёсида, жаҳонда ҳам адабий алоқаларнинг ривожланишида хизмат қилаётган энг биринчи нашрлардан ҳисобланади.

5-бет

Наби ётган...
тошлар каби бўл,
Тангри билан
бўлган хилватда...
Деразангдан эниб келар гул...
Қушлар билан келар...
албатта!..
Сен ўзингни енгганинг замон,
Енгилади
ҳар қандайин дард!

Зебо МИРЗО

6-бет

Исажон СУЛТОН

СОМОН ПАРЧАСИДЕК ЕЛГА УЧМАЙЛИК

Не-не офатлару фалокатлардан соғ-омон чиққан халқимизнинг янада гуркираб ривожланишига йўл очган фазилат нима эди? Меҳру муҳаббат ва имон эди. Унинг моҳияти эса ўзгармас, ўша-ўша: “Ўзгаларга яхшилик қил!” Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” асарида шундай ёзади: “Эй карами кенг Парвардигор, караминг олдида гуноҳ тоғи бир дона пат ёки сомон парчасидек елга учгайдир. Сомон тоғ-тоғ қилиб уюлган бўлса ҳам, ел олдида қандай қилиб мақтана оларди?” Бизлар асрлар бўйи амал қилиб келган ушбу фазилат энди бутун дунё аҳлига ўрнак бўлиб турибди. Меҳру оқибат бугун давлат чақириғига ҳамоҳанг. Давлат ўз халқини асраш ниятида эзгу ишларни зиммасига олмоқда, улар негизида ҳам шу фазилат намоён.

Мурод Муҳаммад ДЎСТ

Дарвоза ёнидаги ит

Ҳикоя

Тонготарда итни уйқу элитди. У тушида онасини кўрди. Кейин уни хўжайин чакмонининг барига солиб, уйига опкелди. Унга сири кўчган сопол товоқчада сут беришди. Хўжайиннинг болалари суйиб эркалашди, унинг жажжи оқ-қора холдор панжаларини ўпиб, юзларига суркашди... Бирдан бу лаҳзалар ортга чекинди. Ит ўзининг кексалигини, гужум тагида уззукун қимирламай ётганини кўрди.

3-бет

Гекё МАРИНАЙ,
АҚШ шоири, фалсафа фанлари доктори

БАДИИЙ ТАРЖИМАДА НАЗАРИЯЧИЛИК: УЗЛУКСИЗ ТАҲСИЛ ЖАРАЁНИ

Эссе

Таржима назарияси билан боғлиқ аксарият муаммоларнинг илдизи мазкур санъатнинг қадимий даврларидаги саволларининг илдизларига бориб тақалади, яхши мутаржим ўтмишдаги таржимонлар дуч келган асосий қийинчиликлар ва уларни бартараф этишдаги ечимлар билан ҳам яқиндан таниш бўлиши керак.

9-бет

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

ОДАМ

Фалсафий ҳикоя

...Кампир икки йилча тинч, хотиржам яшади. Невараларини суяр, шулар билан овунар, эндиликда ўчоқбошига ҳам яқин бормас, рўзғор юмушлари ҳам Адолат опанинг қўлига ўтган эди.

Кейин-кейин Раҳима буви эсдан чиқарадиган одат пайдо қилди. Бир нарсани бир жойга қўйиб, кейин тополмай юрар, шунда кўнгли бўшаб йиғлаб ҳам оларди.

4-бет

БАХТ СЎЗИН АЙТАМАН, ЭЛДАН КЕЙИНРОҚ

БАХТИЁРМАН ДЕГАН БИРГИНА СЎЗНИ
АЙТИШ УЧУН КЕРАК ҚАНЧА КУЧ-ЧИДАМ,
ГАРЧИ БАХТ СЎЗЛАРНИНГ ЭНГ ЁҚИМЛИГИ,
ГАРЧИ ТУРСА ҲАМКИ ТИЛНИНГ УЧИДА.
ОҒИР БОТМАСМИКИН
БУ СЎЗ КИМГАДИР,
ТЕГИБ КЕТМАСМИКИН ОҲ-ВОҲЛАРИГА,
ҚАНДОҚ БАРДОШ БЕРИБ ЯШАЙМАН КЕЙИН
БАХТСИЗ КИМСАЛАРНИНГ НИГОҲЛАРИГА?
АВВАЛО, БУ СЎЗНИ ЎЗГАЛАР АЙТСИН,
АЙТСИНЛАР КЎЗЛАРИ СЕВИНЧГА ТЎЛИБ,
ЭЛНИНГ БАХТИ УЧУН УМРИНИ ТИККАН
ШОИРЛАР АЙТМАСИН БИРИНЧИ БЎЛИБ.
БУ СЎЗНИ БИР УМР АЙТМАЙ ЯШАДИМ,
ҲАР ШОДЛИК КЕЛГАНДА ЮРДИМ СЕКИНРОҚ.
ҒАМ СЎЗИН ЭЛИМДАН АВВАЛРОҚ АЙТДИМ,
БАХТ СЎЗИН АЙТАМАН,
ЭЛДАН КЕЙИНРОҚ.



Шавкат РАҲМОН

Эркин ВОҲИДОВ

НИДО

Достон

Бағишлов

Ҳайқираман,
Тоғлар бағридан
Гумбурлаган садо келади,
Она-Ернинг оташ қаъридан
«Ўғлим!» деган нидо келади.
«Ўғлим!»
Вужудимни чулғар аланга,
Бўғзимга тиқилар ҳаяжон.

– Мана мен, ўғлингиз,
Дардли оламга
Сиздан танҳо ёдгор,
Сўйланг, отажон!
Сўйланг, бир дақиқа қулоқ солайин,
Овозингиз тинглаб тўёлмаганман.
Бир марта йўқотиб тополмаганман,
Хаёлимда тиклаб олайин.
Отажон!
Мен ахир қутлуғ бу сўзни
Йигирма йил олмадим тилга,
Йигирма йил сақладим дилда.
Армонли ўғлингиз тинглайди сизни,
Сўйланг, эшитаман.
Вужудим тилка,
Юрагимни ёқар ўтли изтироб,
Аммо кўзларимда бир томчи ёш йўқ.
Бағрим ўйиб,
Бу кун менга бермоқда азоб,
Сизнинг кўксингизни тешган қора ўқ.
Силқиб оқаётир
Кўкрагимдан қон.
Қалбим ўртамоқда сўнгсиз армоним...
Юрак қоним билан битган достоним
Сизга бағишладим,
Отажон!

* * *

Хаёлнинг туманли пардаси аро
Йиллар кўз олдимда чарх ураётир.
Қишлоқ кўчасидан занжидай қаро
Олов болалигим югураётир.
Дунё қайғусига бўлмаган ошно,
Қаҳ-қаҳ ураётир,
Барқ ураётир.
Билмас, боши узра булутли само
Чақмоқ чақаётир,
Гулдураётир.
Билмас, яраланган бу мажруҳ дунё

3-бет

Кўчқор НОРҚОБИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

КЎКСИМДАГИ КАВКАЗИМ

Ҳикоя

Ичимдан бир иҳроқ отилади, аъзойи-баданим жимирлаб, кўзларим хира тортади, киприкларим ораси жиққа ёш, лабларим пирпирайди, бехосдан пичирлайман:

– Ё Оллоҳ қудратингдан айланай. Э-ҳ-ҳ, Худойим-а...

– Ҳа, Ўзбекистоннинг қовуни. Бизнинг бозорда сотишяптийкан. Келиним билан қизим олиб келишди, – дейди Замарта менинг ҳаяжонланганимни ўзича англаган бўлиб.

Мен ўрнимдан туриб кетаман. Аҳмар ҳам ўрнидан қалқади. Худди олис жангдан омон чиқиш пайтимиздаги каби мен уни бағримга босаман-да, кўз ёшларимни тиёлмайман...

– Сенга нима бўлди, қўй ўзингни бос, у кунларни эслама, – дейди Аҳмар.

Мен пичирлайман:

– Оллоҳим, Ўзингга шукр! Оллоҳ, Ўзингга шукр!

Ҳовлида эса Замарта қизи ва келини билан бизга меҳр билан қараб туришарди.

11-бет

Биплаб МАЖИ,
бангол шоири

СЎНГСЎЗНИ КИМ АЙТАДИ?!

Бу оламда сўнгсўзни ким айтар, билмам?
Ёки сен, ё ўзим, ё яна кимдир...
Балки ҳеч ким уни айтолмас – мулзам,
Балки ҳеч ким буни билмас ҳеч қачон,
Биз буюк хароба чеккаларида
Турибмиз вайрона, турибмиз нолон...
Оёқлар остида тубсиз қудуқ бор,
Унга қараган дам кўринар дунё:
Кўринмас қалбларда оташин зиё,
Кўринмас... кўринмас... ҳеч нима гўё.

Бир илоҳий лаҳзани яшаймиз кутиб,
Ҳамма нарса йўқлик ичра бўлар даф.
На-да олам қолар,
на-да одамзот,
Сокин қичқириқлар ичра руҳимиз,
Абадий қолажак, абадий, ҳаёт...

Гулрух ИСЛОМАЛИЕВА таржимаси

Ҳар бир одамда отамерос, онамерос феъл-атвор, қарашлар, тушунчалар мавжуд. Демакки, ҳар бир одамнинг авлодларга қолдиражаги бор. Табиийки, ҳар бир миллатнинг-да ўз фарзандларига асраганлари, атаганлари бор. Булардан энг улуғлари: бири озод Ватан бўлса, бири, шубҳасиз, она тилидир. Бугунги авлодлар маънавиятини бойитаётган илм-маърифат сарчашмалари мавжланиб турган экан, демак, бу ота-боболаримизнинг бизга қилган иноятидан нишона. Ва, шубҳасиз, бизнинг бурчимиз ҳам мана шу хазиналарни келажакка шикастсиз, керак бўлса, зиёда қилиб етказмоқликдир. Бунинг учун эса, аввало, тилимизга, миллатимизга, ватанимизга бўлган ҳурматни ўз ўрнига қўймоғимиз даркор. Шу кунларда давлат ҳужжатларини ўзбек тилида юритилиши ҳақидаги таклиф кўплаб фикрларни юзага чиқарди ва ўзини ҳурмат қилган миллат вакиллари борки, бу баҳслардан уялмасдан, ранжимасдан қолмади.

ОНА ТИЛИМИЗ ОРИМИЗ, ШАЪНИМИЗ, ШОНИМИЗДИР!

Адлия вазирлиги мутасаддилари тайёрлаган давлат тилида иш юритишни таъминламаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси билан танишиб чиқиб, кўнглим ёришди. Менингча, бошқа воситалар кутилган самарани бермади. То ҳануз ўз она тилини билмай, икки-уч тилни қориштириб сўзлаётганлар, ҳар икки жумланинг бирида "так, что", "значит", "короче" деб тил хазинасини пайҳонлаётганлар бор. Шундай экан, асосий мақсад кимнидир жазолаш эмас, ўзбек тилига ҳурмат-эҳтиром бўлишини таъминлашдир.

Абу Райҳон Беруний фикрича, тил – сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий тилни инсонни ҳайвондан ажратувчи "гавҳари шариф"га ўхшатади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзлари ҳам айни ҳақиқатдир: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти унинг тили ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур".

Она тилимиз, ундаги ноёб сўз ва иборалар, ҳикматлар, мақол ва маталлар асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба асосида шаклланган, тўпланган ва сайқал топган бўлиб, бу ноёб хазина, биз, биздан кейинги авлодлар учун бебаҳо мерос ҳисобланади. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи, орзу-умидлари, зулм ва истибдодга қарши курашлари, шу билан бирга, эзгу инсоний фазилатлари, бағрикенглиги, мард ва тантилиги, ҳақсўз ва меҳнатсеварлиги сон-саноқсиз мақол ва маталларда, ҳикматли ривоятларда ўз ифодасини топган, десак, муболаға бўлмайди. Шу боисдан ҳам, тилга эътибор бериш, уни миллий бойлик сифатида севиб-ардоқлаш, бойитиш, келажак наслларга бутун таровати, завқ-шавқи билан етказиш бизнинг аждодлар руҳи олдидаги маънавий бурчимиз ҳисобланади.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Jahon adabiyoti" журнали Бош муҳаррири

Тил мулоқот воситаси сифатида жуда кучли мафкуравий қуролдир. Эҳтимол, тўғридан-тўғри "Тил бу – мафкура", деганимиз аниқроқ бўлар. Чунки, масалан, ҳиндча билган одам ахборотни асосан шу тил воситасида олишга одатланади, ўз-ўзидан мазкур миллат муҳитига кўникиб боради. Ана энди она тилидан умуман бехабар, миясининг "еган-ичган"и ўзга иқлим мевалари бўлган тоифалар ҳақида нима дейиш мумкинлигини тасаввур қилиб олаверинг. Адлия вазирлигининг қонунчилик ташаббусидан жазавага тушганларнинг аксарияти "ўзимизнинг бегоналар" экани ҳайратланарли эмас, аслида.

Шу кеча-кундуздаги воқеаларни кузатиб, беихтиёр 1989 йилга қайтгандек бўляпмиз. Ўзбек тилини давлат мақомига кўтариш мақсади элимизни қандай бирлаштирган эди-я? Фарқи, ҳозирги саъй-ҳаракатлар замоннинг зайли билан интернетда, онлайн тарзда намоён бўлмоқда. Айтмоқчиманки, тарих такрорланиб, маъмурий жавобгарлик белгиланганидан сўнг ҳаммаси олдингидай эски ҳаммом, эски тослигича қолиб кетмаслиги керак.

Бошқа миллат вакиллари ёки юртимиз меҳмонларига ўзбек тилини беминнат ўргатиш амалиётини тизимли равишда йўлга қўйишни кечиктириб бўлмайди. Бу борада олий таълим муассасалари ва нодавлат ўқув марказлари ҳам ташаббус билан чиқишини кутамиз.

Шоир-ёзувчилар, таржимон, журналист ва олимлар, айниқса, тилшунослар ижтимоий масъулиятни чуқур ҳис этиб, жамият олдидаги вазифаларини сидқидилдан бажаришлари, ўзбек тили қудратини кучайтирадиган ва кўламини кенгайтирадиган амалий ҳаракатларга ўтишлари зарур. Халқимиз топиб айтганидек, ҳолва деган билан оғиз чучимайди, азизлар!

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Авар шоири Расул Ҳамзатовнинг "Менинг Догистоним" бадиасида узоқ йиллар Францияда яшаган рассом йигит ва унинг авар онаси ҳақида ҳикоя бор. Ҳар сафар ўқиганимда аллатовур бўлиб кетаман.

Муаллиф Париждан қайтгач, мусаввирнинг қондошларини қидириб топади. Бахтни қарангки, унинг онаси ҳали ҳаёт бўлади. Кампирнинг уйига йиғилган қариндошлари Ватанини ўзга ерларга алмашган ўғил ҳақидаги ғамгин ҳикояни тинглашди, адашган ўғилни кечиргандай бўлишди, тирик эканидан суюнишди. Она эса кутилмаганда сўраб қолади: "Сизлар аварча сўзлашдингларми?" Расул Ҳамзатов жавоб қайтаради: "Йўқ, биз таржимон ёрдамида гаплашдик. Мен русча гапирдим, у французча". Шунда кампир юзига қора чодрасини туширади, аварларда ўз ўғлининг ўлганини эшитган оналар шундай қилишар экан. Узоқ жимликдан кейин муштипар: "Расул, сен янглишибсан, менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар у ҳаёт бўлганида, авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди!" дея суҳбатга нуқта қўяди.

Мана, миллий ғурур, она тилига бўлган садоқат! Бу йўлда ҳатто ўғлидан ҳам воз кечган муштипар ва миллатсевар аёл. Уни, ҳеч иккиланмай, миллат онаси, миллат қаҳрамони, десак бўлади.

Ўзбекистонда ҳам шундай оналар кўпайсин. Бундай ғурур, аслида, миллатини яхши кўрган ҳар бир инсонда бўлмоғи лозим. Бизнинг ҳам ҳар бир онамиз фарзандлари қалбида ўзбек тилини яхши кўриши учун ўша аёлнинг юрагида ёниб турган оловдай ўт ёқа олсин!

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Раисининг матбуот котиби, ёзувчи

Ўзбек тили неча ўн йилдан бери сизу бизга жовдираганча, саҳрода оч-наҳор қолиб, бир қултум сувга зор, йўлдан адашган мусофир сингари қовжираган қўлларию сўлғин юзлари билан кўзимизга тик боқади, нажот сўрайди.

Ўз ота уйида, ўз она юртида бегонадек, ортиқчадек ҳис қилади ўзини, шўрлик. Ҳолига маймунлар йиғлаётганини аллақачонлар тушуниб етган бўлса-да, "Мени қутқаринг, ўз тилингизни асраб қолинг", деб фарёд чекади. Кутади.

Кутишнинг ниҳояси бормикан ўзи, деб ҳангу манг бўлади. Ҳар сонияда, бирон ўзбек бошқа тилни аралаштириб уни хўрлаганда, қаҳвахоналар, ресторанлар, гўзаллик салонлари, ташкилотлар, ўқув марказлари, ошхоналар ўз пештоқига оврўпача ном қўйиб уни топтаётганда бизларга мўлтираб, дийдираб, жовдирабгина қарайди.

Ўзимизни оқлашга ҳарчанд уринмайлик, баҳоналар ўйлаб топмайлик, барибир тилимизни эмас, бошқаларни эмас, ўзимизни ўзимиз алдаётганимизни ичичимиздан сезиб турамиз. Энг катта ёлғонлардан бири ўзини ўзи алдашдир. Бошқалар ишонди ҳам, дейлик, лекин ўзимиз ишонмаймиз-ку шу чўпчакларимизга.

Айрим ташвиқотчилар ёзаётганидек, биз Пушкин тилини тақиқ остига олмоқчи эмасмиз, аксинча, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз сўзлашган, ғазаллар битган жонажон тилимизни янада улуғламоқчимиз.

Яна такрор айтамиз, биз ҳеч қайси тилни камситиётганимиз йўқ, ҳеч қайси миллат вакилларини хафа қилмоқчи эмасмиз. Бу уларнинг ўзлари ўйлаб топган, ўзлари ҳам ишонишни истамаса-да, бошқаларни шунга ишонтиришга уринаётган бир тўда оломоннинг уйдирмалари, холос.

Бизнинг мақсадимиз фақат битта – ўз мамлакатимизда ўз она тилимизга бўлган ҳурматни, шу даржага етиб келибмизки, жарима қўллаб бўлса-да, қадрини оширмоқчимиз, қадрини кўкларга кўтармоқчимиз.

Қисқаси, бизга жовдираганча қулочини кенг ёйиб турган она тилимизнинг пешвосига қучоқ очиб борайлик. Уни қутқарайлик. Ҳеч кимга истиснолар берилмасин.

Жўрабек ЖАҲОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Бугун она тилимизнинг мавқеи ҳақида баҳслар оғриқли нуқтага айланди. Тил ҳақида бирор фикр билдирилаётганда ё қарор чиқарилаётганда миллатимиз шаъни, қадри ҳақида гап кетаётганини англолмайдиган «ўзбеклар»нинг борлиги бизнинг фожиамиздир. Биз қандай авлодмиз? Аждодларимиз турк халқини асраб қолиш, туркий тилни авлодларга бешикаст етказиш учун нималар қилмади-ю, биз нималар қиляпмиз?!

Ўттиз йил кўнглимизни кенг қилиб, давлатимизда ажнабий тилига ҳам «иккинчи давлат тили даражасида» ўрин бердик. Балки берилган имконият шу «мавқе»га олиб келгандир. Минг афсуски, бу она тилимиз илдизига болта уриш даражасига олиб келди.

Ўзбекистонда иш ҳужжатларининг ўзбек тилида юритилиши шарт ва зарур эканини биз ўттиз йил ўтиб энди англадик. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 42-моддасига киритилиши лозим бўлган янги банд жуда муҳим. Ўз ишини билмаган, масъулият билан бажармаган хизматчи доим жазоланган. Қадимда «дарра»дан фойдаланишган. Бугуннинг дарраси эса «жарима». Она тилимиз ҳурмати, қадри учун бу жуда муҳим. Буни англаб етмайдиганлар эса жазога муносибдирлар. Зеро, бизнинг вазифамиз ҳам Ватанимизни, Она тилимизни авдодларга бешикаст етказишдир. Лоқайдлик ва нотўғри қарор туфайли фожиали тарих такрорланмасин!

Шоира ШАМС,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими етакчи мутахассиси

Дарҳақиқат, бугун давлат тили ҳукумат аралашувига муҳтож. Негаки айнан давлат идораларида ҳали-ҳамон рус тилида иш юритилади. Табиийки, бу ҳол маънавий жиҳатдан тугал озод бўлолмаётганимизни кўрсатади. Зеро, тил миллий давлатчиликнинг асосий унсури бўлиб қолмай, халқнинг, миллатнинг ўзига бўлган ҳурмати миқдорини ҳам ифода этади. Шу ўринда маърифатпарвар бобомиз Алихонтўра Соғунийнинг қуйидаги фикри эътиборга молик: "Арабча, форсийчаларни ёзиш-сўзлашгина эмас, балки бу икки тилда китоб ёзиш, шеър айтиш қобилияти менда бўлса ҳам, ўз туркий она тилимни бошқа тиллардан ортиқроқ кўрдим. Чунки қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳожатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламай, инсоний туйғуларидан ажраган ҳолда, ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўлади". Бу ҳаётда ўз тасдиғини топган ҳақиқатдир.

Биз дунё тилларини билиш, ўрганиш яхши фазилат эканини қайд этган ҳолда, она тили ҳар бир миллат учун улуғ ва мўътабар эканини таъкидламоқчимиз. Демак, ҳар бир инсон унинг софлигини асраш ва янада бойитиш учун курашмоғи лозим.

Биз ўз тилимизда сўзлашдан истиҳола қиладиган даражага тушиб қолмаслигимиз керак. Шиддатли замон эса бизнинг бу майлимиз билан ҳисоблашиб ўтирмайди. Тил бобида жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни жўн ва беозор ҳодиса эмас. Етакчи тилларнинг гегемонлашуви нафақат ўзга тиллар ривожига, балки туб жой аҳолининг таълим, маданият ва маърифат борасидаги ислоҳотларига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Биз бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекча талаффуз бузилиб кетяпти. Телевидение ва радио бошловчилари ўзбекча талаффуз қоидаларига риоя этмайди. Улар тилимиздаги лутф, самимият ва латофат каби инжа санъат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Миллат тўлақонли бўлса, теваракатрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни идрок этиш, нотинч ва долғали замонда содир бўлаётган кулфат ва мислсиз фожиалар илдизига бориб етиш, ундан ибратли хулоса чиқариш бобида ҳам уйғунлик ва бир бутунлик ҳукм суради. Умумийлик асосини эса фикримизни баён этувчи она тили ташкил этади. Ҳар бир миллат ўз она тилида ўйлайди, воқеликни мушоҳада этади. Нуқтаи назар шундай шаклланади. Адабиёт ва санъат ҳам, илм-фан ҳам, давлат бошқаруви тизими такомили ҳам, умуман, тараққиёт мазкур умумийлик ва интилиш ҳосиласидир.

Ўрол СОДИҚ

Интернетда тилимиз тақдири билан боғлиқ баҳслар, тортишувлар, муҳокамалар кетяпти. Аслида, ҳеч қандай тортишувга ҳожат йўқ. Қолаверса, Қонунимиз ҳеч кимнинг арпасини хом ўраётгани йўқ. Бошқа давлатлар аниқ-тиниқ жарималар қўлласин-у, бизнинг Ўзбекистон жим турсинми? Шундоғам 30 йил ўзгаларни силаб-сийпаганимиз, авайлаганимиз етар, ахир. Ҳозир ҳам шундай: бошқа тиллар бизда камситилишига йўл қўйилгани йўқ.

Маиший ҳаётимиздаги тинчлигимиз, фаровонлигимизни таъмин этадиган қоидаларни бузганлик учун жарималарнинг турлари кўплигини барчамиз яхши биламиз. Экологияни асраш учун, йўл ҳаракатини тартибга солиш учун, кимнидир ҳақорат қилгани учун, газдан, электр токидан ўғринча фойдаланганлик учун... ва ҳоказо. Аммо ўзлигимизни, аниғи, тилимизни муҳофаза этадиган қатъий (!) қонун-қоидаларимиз шу пайтгача йўқ эди-ку. Санаб ўтганим мазкур жарималар бир томон, тилимизнинг барқарорлиги йўлидаги яратилган қонун моддаси бир томон бўлиб турибди. Сабаб, тарозининг бир палласида турган ушбу янги жариманинг олдида маиший жарималаримиз ҳеч қандай тош босмайди.

Бу жариманинг тоши оғир, бу жариманинг миллий ўзлигимизни, ғуруримизни, маънавий қиёфамизни кўрсатадиган оҳори бор, қуввати бор. Кеч бўлса-да, тил ҳақидаги қонун масаласига қатъий тўхталдикми, энди орқага қайтиш йўқ.

Яхшиям, ўзлигини унутмаган, ҳар қадамда ўзини тафтиш қилиб, жамиятдаги ўзгаришларга бефарқ бўлмаган юртдошларимиз бор. Улар тил масаласидаги ҳар қандай муҳокамада миллатимиз, давлатимиз фойдасига жон-жаҳди билан фикр билдирмоқдалар. Уларни кузатиб туриб яна бир бор тасанно дегим келди. Борингизга шукр, дўстлар.

Шоди ОТАМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Бизнинг халқ рус тилининг, рус маданиятининг ҳурматини ҳамиша жой-жойига қўйган. Ҳатто ўз она тилини унутиш эвазига! Шу маънода Адлия вазирлигининг мазкур лойиҳасида миллатлар ўртасида низо чиқарадиган ҳеч бир фитнани кўрмаяпман. У ерда фақат давлат идораларидаги масъул шахслар ҳужжат ишларини Давлат тилида олиб борсин, деган таклиф бор. Бу билан Давлат ўз тилининг мавқеини қонунан ҳимоя қиляпти, холос. Чунки бунга сабаблар бисёр. Шу тупроқда туғилдингиз, сувини ичяпсиз, илдиз отдингиз. Энди бегонасирамасдан озгина бўлса ҳам тилини ҳурмат қилинг. Қизиқ, кейинги пайтлар оғзингни очгудек бўлсанг, дарров пандемияни, дунё таҳлика устида турганини дўқ қилиб таъкидлашяпти. Бугун ҳам шунақа изоҳларга дуч келдим. Лекин ҳаёт давом этяпти... Одамзотни гугурт қутиси ичига солиб қўймайсизми, фикрлайдиган жон, барибир фикрлайверади. Кўз очиқ бўлганидан кейин кўради. Қолаверса, карантин – тарки дунё қилиб, чилла сақлаш дегани эмас-да.

Иқбол ҚЎШШАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Аслида, ўзбек халқидек бағрикенг ва соддадил халқ бўлмаса керак. Тасаввур қилинг, темир йўл чиптасини олмоқчи бўлиб сотувчига мурожаат қилган танти инсон, сотувчи унга ўзбек тилини билмаслиги айтиб қўрслик билан дарчани ёпиб қўйганда, хижолат билан "Ким ёрдам бераркин", деб мулзам боқиб туришини кузатиб туришнинг ўзи фожиа эмасми? Ўз юртида рус тилини билмагани учун камситилишининг ўзи фожиа эмасми? Бундай мисолларни сиз ҳам кўп бор кузатгансиз, албатта.

2019 йил 21 октябрда Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши ўзбек тилининг тарихий ғалабаси бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Унда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун – 21 октябр санасини "Ўзбек тили байрами куни" деб эълон қилиш, Давлат тилини ривожлантириш департаментини ташкил этиш, Атамалар комиссияси, 2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш каби вазифаларнинг белгиланиши ватанпарвар зиёлиларимиз орзуларининг рўёби сифатида эътироф этиш мумкин.

Демак, давлат тилида иш юритилмаганлик учун жавобгарлик белгиланиши масаласи бу кеча юзага келиб қолмаган. Бу узоқ ва пухта ўйланган стратегия. Бу мустақил давлатчилигимизнинг ривожланиш йўлидаги олдинга ташланган яна бир мустаҳкам қадамдир.

Бекзод НАРИМОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси

Давлат тили масаласида нега тортишув, овоз бериш кетяпти, тушунмайман. Худо уриб қўйган ақли ноқис ҳам билади-ку, давлат тили – мамлакатда яшовчи аҳоли сўзлашадиган тил бўлишини. Халқ Ўзбекистон давлатининг юқори идораларидан рус эмас, ўзбек тилидан фойдаланишларини ялиниб сўраши, таклиф бериши кулгили эмасми? Тескариси бўлганда ҳам майли эди. Ҳа, энди, ора-орада рус тилидан ҳам фойдаланиб туринг, десак. Ё номига мустақил-у, аслида, ҳамон мустамлакамизми?!

Одамга алам қилгани, давлат тили ҳақида қонун қабул қилинганига ўттиз йилдан зиёд вақт бўлса-ю, унга давлат идораларининг ўзлари амал қилишмайди? Бу – юқоридагилар истаганини қилади ё давлат қўлида бўлмаганларни эзади, деганими? Ўзбек ўзбекка қараб, ўзбекча гаплашайлик, деб турса. Мантиқни қаранг!

Ўнта тил биладими, юзта тил биладими, давлат тили ўзбек тили бўлганидан кейин, гадодан тортиб тўрагача ўзбекча гапириб, хат-ҳужжатиниям ўзбекча ёзишга мажбур! Амал қилмадими, жазога лойиқ. Қонун ижроси бузилмаслигини шафқатсиз жазолар таъминлайди. Жазоланмаяптими, демак, конституция темир қонунлар дафтари эмас, мактаб ўқувчисининг кундалигига айланиб қолганини кўрсатади.

Мана бу ҳақиқатан даҳшат...

ЖОНТЕМИР, шоир

№ 6-7 (320-321) 2020 йил 13 май
Kitob dunyosi

ТАРИХДА ЭНГ ҚОНЛИ ЖАҲОН УРУШИ ЖАНГГОҲЛАРИДА ЖОН ОЛИБ, ЖОН БЕРГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚАҲРАМОНЛАР

Жўра МАҲМУДОВ (1915–1987) – Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган.


Равшан МАҲМУДОВ (1925–1943) – Самарқанд вилояти, Самарқанд туманида таваллуд топган.

Виктор МАЛЯСОВ (1917–1944) – Тошкентда таваллуд топган.

Набижон МИНГБОЕВ (1918–1999) – Наманганда туғилган.

Тўхтасин МИРЗАЕВ (1913 – бедарак йўқолган) – Андижон вилояти, Марҳамат қишлоғида таваллуд топган.

Вали НАБИЕВ (1916–1999) – Бухоро вилояти, Ғиждувон туманида таваллуд топган.

Тўйчи НАЗАРОВ (1896–1974) – Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида туғилган.

Қасос сўраётир,
Бонг ураётир…

Қадамлар,
Қадамлар,
Оғир қадамлар…
Этиклар зарбидан титрайди тупроқ.
Қаерга кетмоқда шунча одамлар?
Наҳотки, йўллари шунчалар йироқ!
– Ана, кўряпсанми?
Менинг дадамлар!
Дада!!!
Овозим ҳеч чиқмайди бироқ.
Югураман – ортга кетар қадамлар,
Йиғлайман – кўзимга келмайди намлар,
Мурғак вужудимда фақат зўр титроқ!
Бўғзимда аламлар,
Аччиқ аламлар,
Йўлнинг ўртасида турибман.
Шу чоқ –
Поезд қичқиради,
Тўхтанг, одамлар!
Қайга кетмоқдасиз?
Қани дадамлар?!
Тепамда ёнади зангори чироқ…

Чўчиб уйғонаман,
Онам қошимда.
Меҳрибон қўллари
Оташ бошимда:
– Нега йиғлаяпсан,
Ёлғизим, қўзим?
Тун узоқ, ухлай қол,
Кўзларингни юм.
Ором ол, мен сенга
Аллалар айтай.
Тонгда пешонангдан
Ўпиб уйғотай.
Ана, деразангга
Қўнибди ҳилол.
Бошингга эгилиб
Сўрмоқчи савол.
Сенинг кипригингга
Сочмоқ бўлиб зар,
Ҳилол теграсида
Ўйнар юлдузлар.
Мен сенинг бахтингман
Дегандай гўё
Имлаб чорламоқда
Ёқут Сурайё.
Сеникидир булар,
Сеники бари.
Сеники осмоннинг
Зар қандиллари.
Сомончининг йўли –
Сенинг йўлларинг,

Мурод Муҳаммад ДЎСТ

Дарвоза ёнидаги ит

Ҳикоя

Олапар тун бўйи ухламади. Бошини салгина кўтарса бас, миясида мислсиз оғриқ уйғонар, «лўқ-лўқ» уриб, чаноғини ёриб чиқадигандай бўлар эди. У тумшуғини ерга қўйиб ётаркан, оғриққа чидолмай, ора-сира увлаб қўярди.

Саҳар пайти эди. Олапарни чап яғринидаги итчивин қаттиқ чақди. У кейинги оёғини узатиб, итчивин чаққан жойини қашлади. Ўрнидан қўзғалишга уринди, лекин биқини куйдиргудек бўлиб ачишди. У ёнбошига ағдарилиб, бир-икки силкинди-да, жимиб қолди. Шу вақт қаердандир ҳали думи кесилмаган итвачча югуриб келиб, Олапарнинг тумшуғини ялай бошлади. Унинг тили иссиққина эди… Олапар ҳузур қилиб ғингшиди… Кўп ўтмай, итвачча зерикди, шекилли, ингичка думини биланглатганча, ўйноқлаб-ўйноқлаб нари кетди. Кейин у ортига қайрилди. Олапарнинг пойида ётган суякни кўриб, яна қайтиб келди. Итвачча бурун парракларини кериб, ҳавони ботбот ҳидлади. Олапарга суқатойлик билан тикилди. Олапарнинг қорни оч эди, лекин у шўх кучукчани койишга эринди, суяк устида ётган оёқларини йиғиб олди. Итвачча беҳад севинди, миннатдорлик юзасидан Олапарнинг думини торткилаб ўйнади, сўнг суякка ташланди. Унинг тишлари нозик эди, қоқ суякни ғажишга кучи етмади. Итваччанинг ҳафсаласи пир бўлди, лекин суякни қолдиришга ҳам кўзи қиймади, уни кичкина жағлари орасига қистирди. Тезда жуфтакни ростлашдан ор қилди, шекилли, гўёки Олапарни менсимагандай хунук ириллаб қўйди-да, атайин чайқалиб-чайқалиб уйчасига равона бўлди. Шу аснода барглари сийраклашган гужум шохидаги хўрозлар устма-уст қуқулаб юборишди, сўнг ўзларидан мамнун бўлгандек, қанотларини осилтириб, «қу-ғуқ, қу-ғуқ», – дейишди. Итвачча аввалига қўрқди, жағидаги суяк «тап» этиб ерга тушди. У дарахт тагига келиб, кутилмаганда қичқирган беадаб махлуқларни кузата бошлади, уларнинг кўпам даҳшатли эмаслигини англаб, ярашиқсиз овозда акиллаб берди. Итвачча, ниҳоят, тинчланди-да, уйчасига кириб кетди.

Атрофга сукунат чўкди. Олапар қимирламай ётганича хаёл сурарди. У онасини – узун елини осилган ювош итни эслади. Она ит қишлоқ четидаги харобазорда болалаган эди. У одамларга яқинлашмас, нуқул даштга чиқиб, совуқда ҳаром қотган жониворларнинг калла-почасини ташиб келарди. Олапарнинг иккита акаси ва синглиси бор эди. Улар чирик хашак устида қунишиб ётишар, аёз кучайган пайтларда она итнинг пинжига тиқилишар, у бўлмаганида, яхлит қорамтир тепачага айланиб, бир-бирларини иситар эдилар. Ўша қиш жуда совуқ келди. Кейин яна баҳор қайтди, илиқ кунлар бошланди. Баҳорнинг охирроғида она ит болаларига семиз илон опкелди, сўнг ўзи ўт-ўланлар устига ётди-ю, бошқа ўрнидан турмади. Итваччалар қийналиб қолишди. Раҳмдил бир ўткинчи Олапарни уйига олиб кетди. Унга сут, ивитилган нон беришди…

Олапар ҳазин ғингшиди. Яна онасини, унинг мулойим нигоҳини хотирлади. Бундан таъсирланди, чоғи, қаншари ачишиб, бадани саноқсиз итчивинлар чаққандек қалтираб кетди.

Рўпарадаги сўрида нимадир шитирлади. Ит кўзларини очди. Устига намат ёпилган саватнинг бир томони кўтарилиб, оралиқдан каттакон қора мушук сирғалиб чиқди. У сўрининг четига келиб оҳиста керишди, сўнг сакраб ерга тушди. Унинг тумшуғи қаймоққа беланган эди. Мушук Олапарни писанд қилмай, хунук миёвлаб қўйди-да, тумшуғига илашган қаймоқни ялай бошлади. У илгарилари Олапардан қўрқар эди. Итни кўрганида ҳар туки игнадай тиккайиб, ўтакаси ёрилгудай бўлиб пихиллар, жонҳолатда гужум тепасига чиқиб кетарди. Энди бўлса… Олапарнинг хўрлиги келди, мушукнинг сур бетини кўрмаслик учун кўзларини қайтадан юмиб олди.

Тонготарда итни уйқу элитди. У тушида онасини кўрди. Кейин уни хўжайин чакмонининг барига солиб, уйига опкелди. Унга сири кўчган сопол товоқчада сут беришди. Хўжайиннинг болалари суйиб эркалашди, унинг жажжи оқ-қора холдор панжаларини ўпиб, юзларига суркашди… Бирдан бу лаҳзалар ортга чекинди. Ит ўзининг кексалигини, гужум тагида уззукун қимирламай ётганини кўрди. Хўжайиннинг кенжа ўғли бир парча гўшт келтириб, унинг ялоғига ташлади. Олапар сургалиб, идишга яқинлашди. У энди гўштни ҳидлаб турганида, уйдан хўжайиннинг хотини чиқди ва ўғлига бобиллаб берди:

– Нима, туянг қалъадан қатнаб ётибдими? Ҳу, гўшт сани кўр қилгур! Яшшамагур!

Олапар чўчиб уйғонди. Кун чошгоҳга яқинлашган, қуёш пастак девор устига минганди. Итнинг кўзлари қамашди. У қулоқларини диккайтириб, атрофга қулоқ солди. Хўжайиннинг хотини мўрча тарафдан жавраб келарди. Олапар сергакланди: аёлнинг жаҳли чиқса, аламини итдан оларди. Ҳозир у сербарг хашаки олмалар тагидан юриб келар, қўллари кир солинган тоғора билан банд эди. Ҳовлида болалар кўринмасди. Улар аллақачон мактабга жўнаган эдилар. Олапар гужум ёнидаги уйчага кўз ташлаб, кеча пешинда пайдо бўлган итваччани кўрди. Итвачча тунги ўлжаси – қоқ суякни зўр бериб кемирар, аҳён-аҳёнда Олапарга шубҳали қараб қўярди. Олапар ундан суякни тортиб олмоқчи бўлди. Энди жойидан қўзғалганида, итвачча суякни унутиб, уй томон отилди. Эшик оғзида кўзлари уйқудан шишинқираган хўжайин турарди. Итвачча югуриб келди-да, хўжайиннинг тиззасига ёпишди, унинг оппоқ иштонига сўлагини оқизиб, ўзича муҳаббат изҳор қилган бўлди. Унинг қилиғи Олапарга ёқмади, у хўжайинни дунёдаги ҳамма итлардан, ҳатто хотинлардан ҳам қизғанарди. Олапар тийиқсиз итваччани бўйнидан тишлаб, баланд супа устига ирғитиб юборишга хезланди. Кекса танига ғазабли куч қуйилди… Лекин шу топда кутилмаган ҳол рўй берди: итвачча хўжайиннинг тиззасини қўйиб юбориб, аламидан қалтираётган Олапарнинг бўйнига осилди, думини жилпанглатиб, унинг терисини тишлаб тортқилай бошлади. У ўзича: «Қўй, сен кўпам жаҳлланма… ахир, мен шунчаки…» – демоқчи бўларди. Олапар бир зумда ҳовридан тушди. Итваччани озроқ эркалатди, сўнг аста қулоғидан тишлаб йўлидан четлатди-да, хўжайинининг ёнига борди.

– Ҳа, Олапар! Оббо, сан-эй… – хўжайин итнинг бошини силади. – Фиғонинг чиқди-ёв… Ит деган мунақа жаҳлдор бўлмайди-да. Қўй, куюнма, ошна, у санга жўра бўлади.

Олапар унинг гапларини тушунган каби секин ғингшиди.

– Хотин! Ҳой, хотин! – чақирди хўжайин. – Бу Олапаринг оч қоптими дейман, қорни жа пучайиб кетибди. Кеча ялоққа қарамабмидинг?

– Худо урсин ўша гўрсўхтани! – аёл қўлидаги тоғорани тарс эткизиб сўрига қўйди. – Кўтара савлат, ит сиёғи йўқ! Кечасиминам бир марта вов демайди, гўрсўхта… Тунда сутни ичиб кетибди.

– Олапарми?! – хўжайин ёқасини ушлади. – Ёлғон айтасан-ов, хотин! Вой, санинг ёлғон ўргатган пирингни!.. Кўрсам, нақ пўстагини қоқаман-а… Қачондан бери Олапар ўғри бўпти?

– Нима, ман Олапар дедимми? Анави Ҳамид ғалчанинг мушуги-да… Оқ мушуги бор-у, ўша сутни ичади-да… Мелихол буви бекорга дод-вой қиладими? Бир балоси бордирки, додлайди.

– Ўзингнинг қора мушугингни айт. Уям фаришта эмасдир-ов… – эътироз билдирди хўжайин.

– Ўзимники уйда ётувди. Қулоғингиз кар бўлган, кўрпангиздаги мушукнинг хуррагини эшитмайсиз.

– Ҳаҳ! Санам роса оласан-да, хотин! Намунча мушугингни авайлаб қолдинг? Асли хотинминам мушукнинг мижози бир. Мани айтди дема, муни Маҳаммат пайғамбаримиз айтган.

– Ҳе, ўлсин, шу мушугингиз!.. Хотининггизам ўлсин. Ҳаммасига манави Олапар, гўрсўхта айбли. Тун бўйи чўзилиб ётади. Шуям итми? Маъраканинг зийнати, ошу ноннинг офати. Туркиям ҳалиги очофат Расулга ўхшайди. Ҳе, ўлсин!..

– Ҳов, итга тил тегизма, хотин! Ўнта Расулинг Олапарнинг тирноғига арзимас. Бунинг ёшлигида бўри олгани ёдингдан чиқдими? Билиб қўй, ит – вафо, хотин – жафо.

– Вой, мани туққан шўрлик энагинам! – хотин кутилмаганда ҳўнграб юборди. – Вой, ман ўлай! Ҳали сизга битта ҳаром итча бўлмадимми? Ман ўла-ай!..

Аёлнинг қаҳри келди. Қўлидаги кир совунни Олапарга отди. Ит ўзини четга олишга улгурди. Совун учиб келишда хўжайиннинг қоқ тиззасига тегди. Олапар сўри ортига ўтиб, асабий хотинга ачингандай хийла маънодор қараш қилди. Агар хўжайин ҳам анчайин босиқ бўлганида, эҳтимол, кейинги фалокатлар бўлмасди…

Эр-хотин мушук ичган сут жазасидан уришиб қолдилар. Улар ўзаро сўкишиб, уйга киришди. Ичкаридан сандиқ қопқоғининг тарақлаши, тахмондан олиниб, уй ўртасида отилган кўрпаларнинг гупиллагани эшитилди. Афтидан, улар рўзғорни ажрим қилишарди…

Орадан бир қумғон қайнагулик вақт ўтди. Жанжал ҳам тугади. Ора-сирада аёлнинг бурнини тортиб, ўксингани эшитиларди. Хўжайин уйдан хомуш бўлиб чиқди. У бошига эски кўк қийиқ боғлаган, эгнида қалин чакмон бор эди. Хўжайин қўлидаги қўшоғиз тасмасини елкасига соларкан, итни «маҳ-маҳ», деб чақирди. Олапар юрак бетламай унга яқинлашди. Хўжайиннинг ёғ босган кирза этигини, милтиқнинг совуқ қувурларини ҳидлаб кўрди-да, севинчдан вовиллаб қўйди. Милтиқдори ҳиди унга жудаям таниш эди… Ит тулкилар изғийдиган қирларни кўз олдига келтирди, димоғига бурганларнинг хуш бўйи урилгандай бўлди..

Хўжайин дарвозани очиб, итни чақирди, унинг бўйнига чилвир боғлаб, аста-секин етаклаб кетаверди. Олапарнинг кўнгли ғашланди. Илгари овга чиқишганда хўжайин итнинг бўйнига чилвир солмас, уни ўз ҳолига қўйиб юбориб, йўл-йўлакай «Қаро кўзим…»ни хиргойи қиларди. Энди у жим… мум тишлагандай жим кетяпти.

Ит ва хўжайин икки чеккасида жийда, тиканли буталар ўсиб ётган сертупроқ йўлдан боришарди. Пахса деворли ҳовлиларда жимлик ҳукм сурарди. Одамлар қишлоқ этагидаги полизга кетишган. Ҳосили йиғилган томорқаларда подадан қочган сигирлар макка илдизларини тортқилаб юришибди.

Улар йўлда почтачига дуч келишди. У мўйнаси тўкилган яғир телпагини қийшиқ кийган, қандайдир бир навони минғиллаб айтар, керакли ҳовлига тенглашганда эшагини бир зумгина тўхтатиб, хуржундаги газета, хат ва журналларни олар, уларни девор оша томорқа уватларига ирғитарди. Почтачи хўжайинга салом берди, лекин хўжайин чиндан эшитмадими ёки жўрттага ўзини меровликка солдими, ишқилиб, саломга жавоб қайтармади. Почтачининг жаҳли чиқди. Палағда товушда қуртдаккина сўкиниб, ирғай халачўп билан эшагининг сағрисига туширди. Бечора эшак зарбдан чапга майишди, «тап-тап» юрган кўйи йўл четидаги лойхандаққа яқинлашди. Почтачи узангидан оёқларини чиқариб сакрашга шайланди, лекин эшак охирги сонияда ғаройиб бир чапдастлик билан яна ўнгланиб олди ва жон аччиғида тупроқни тўзғитиб йўрғалай кетди.

Олапар ва хўжайин қишлоқ ўртасидаги сойликдан ўтиб, заранг йўлга тушдилар. Бу йўлнинг учи кафтдек сайҳонликка туртиб чиққан қирларга бориб тақалар, ўша жойда сўқмоқларга бўлиниб, қир ёнбағирлари, сойликлар бўйлаб, узоқда кўкариб турган ясси тоғликлар томон югуриб кетар эдилар. Хўжайин сойликка элтадиган сўқмоқни танлади, шу сўқмоқдан ярим чақирим юрилгач, ўнгдаги янтоқзорни оралаб, жар лабига келдилар. Итнинг бўйнидаги чилвир анча узун эди. У жар деворига қияланиб кирган ним даҳанасимон чуқурга тушиб, у ердаги инларни бирма-бир ҳидлаб чиқди. Сўнг пастга қаради. Жар тубида сел оқизиб келган тошлардан бошқа нарса кўринмасди. Олапар атрофни итлик идроки етгунича, хийла синчиклаб текширди, кейин «мени нега опкелдинг» дегандек, хўжасига боқди. Хўжайин ҳамон тунд эди. У итни ёнига чақириб, бошини силади. Олапар хўжасининг совуқ бармоқлари титраганини пайқади. Хўжайин чилвирни жар лабидаги бурган тупига боғлади. Сўнг йигирма қадамча нарига бориб, ортига қайрилди. Олапар хўжасининг ғалати қилиғини тушунолмади, олдинга талпинди. Лекин бурган пояси мустаҳкам эди, чилвир таранглашиб, итнинг томоғини бўғиб қўйди.

– Тек тур, Олапар!..

Олапар хўжасининг амрига бўйсунди. Чилвир салқи тортди, итнинг тани ҳам бўшашди. Хўжайин елкасидаги қўшоғизни олиб, унга тўғрилади. Олапар буни ҳам тушунмади, бир жарнинг нариги қирғоғига, бир хўжасига қизиқсиниб тикилди. Хўжайин тепкига бармоқ тегизди, лекин босишга журъат қилмади, чуқур уҳ тортиб, милтиқ қўндоғини ерга қўйди, дағал чакмонининг барини кўтариб, пешонасини артди. Сўнг яна итни мўлжалга олди. Энди бу ўйин Олапарни буткул маҳлиё этди; у хўжасининг тез-тез кўтарилиб тушаётган кекирдагидан кўзларини узолмай қолди.

Милтиқ отилди… Ит жар тубига учиб тушди. Олддаги чап оёғи қиррадор тошга тегиб, қирсиллаб синди. Узилган чилвирнинг бир қулочи бўйнига илондай ўралди. У оғриққа чидолмай, овози борича вангиллади, боши чирпирак бўлиб айланиб кетди…

…Олапар тумшуғига тушган илиқ томчилардан ҳушига келди. Тепасида хўжайин чўккалаб ўтирарди. У итнинг мажруҳ оёғини авайлаб қўлларига олди. Олапар ғингшимади, жағларини маҳкам қисиб, хўжасига қаради. Хўжайин юм-юм йиғларди.

– Тегмабди…

У афсусланиб бош чайқади. Ўқ итга лат етказмаган, табиий муҳофаза туйғуси ҳали милтиқ қувури олов пуркамай туриб, Олапарни жарга улоқтирган эди.

– Мани кечир, ошна… – хўжайин энгашди, юзини итнинг бошига тегизди. – Сани сиғдирмаса, нима қилай?.. Биласан, ўша тунда бегона одамни тишлаганингдан бери ёмон кўради. Шунгаям беш йил бўпти. Иложим қанча, ошнам… Ўртада болалар бор, ажралиб кетолмасам… Мангаям алам қилади… Осон деб ўйлайсанми? Эҳ, одам бўлганингда ҳаммасини билардинг… Лекин бўлмаганинг маъқулроқ. Сан бир итсан, ўлишинг ҳам осонроқ… Энди кексайиб қолдинг… Ма, гўштни егин, – у белбоғини ечиб, бир парча гўшт олиб ташлади. – Санга деб ўғирлаб чиқдим… Энди шу ерда ўлақол, Олапар… Эртага ўзим кўмиб қўяман. Ахир, уйга бориб нимаям қиласан?.. Сани хўрлашади…

Ит яна ҳушини йўқотди. Хўжайин уни ўлган фаҳмлаб, тепасида бир неча дақиқа мунғайиб турди, сўнг жарнинг қияроқ жойидан тирмашиб юқорига чиқди. Уст-бошини қоқиб, букчайган кўйи, тез-тез юриб, жар лабидан узоқлашди.

Олапар вақт пешиндан оққунча гоҳ ҳушёр, гоҳ беҳуш бўлиб ётди. Ташналикдан жағлари қуриб, карахтланди. У кўзларини очиб, жар лабига қўнган иккита зоғни кўрди. Тепада кўринган осмон парчасида тасқаралар тўдаси оҳиста сузиб юрарди. Ит куни битаётганини сезди, гўёки шу туйғуни қувламоқчи бўлгандек, чўзиб-чўзиб улиди. Зоғларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, кунботарга учиб кетишди. Олапар бир амаллаб жойидан қўзғалди-да, жар деворига тирмашди. Мажруҳ оёғи зирқираб кетди, кўзларида ўт чақнади. У оғриқни писанд қилмай, тирноқларини созтупроққа ботирди. Лекин жар деворининг ярмига етмасдан дармони қуриди, пайлари бўшашди, пастга гурс этиб қулади-ю, бошдан-оёқ сарғиш чангга беланди. Ит аламидан аччиқ ғингшиди, сўнг тақдирга тан бергандек, бошини қуйи солиб, жар тубидан ҳаккалаб кета бошлади. Жарликдаги тошлар, тиканли буталар жунларини юлиб, баданини қонатиб юборди. Ниҳоят, оёқ остида нам кўринди. Олапар юришини тезлатди. Жарнинг қуйи тарафи кенгайиб, олдинда кичик ботқоқлик пайдо бўлди. Ит ботқоқни қоплаган бесўнақай ялпиз поялари орасидан ўта туриб, беҳосдан булоқ ҳавзасига тушиб кетди. Булоқда сув мўл эди. Лекин ит чанқоғини босолмади, сувдан қон ва жуннинг қўнғирсиқ ҳиди келарди. Олапар ҳавзадан чиққан жилғани кечиб, тегирмон харобасигача борди. Бу пайтда қуёш уфқ ғуборига чўмган, қип-қизил шафақ хароба тегирмоннинг қолган-қутган деворларида, боғдаги дарахтлар либосида ял-ял ёнарди. Ит чошгоҳда келган йўлига тушиб олди.

Пода қайтмоқда эди. Сигирлар ҳаккалаб келаётган Олапарни кўриб, таҳдид билан пишқирдилар. Кичик бир новвос пода ортида қолиб, итнинг йўлини тўсди. Кўзларини олайтириб, сузишга шайланди. Ит унга парво қилмади, сал чапроқдан юриб, ўз йўлига кетаверди. У уйга етгунча узоқ юрди. Илиққан итлар галасини, кўчага супуринди чиқариб ташлаётган кампирни учратди. Итлар унга даҳл қилишмади, кампир бўлса ҳокандознинг узун дастига суяниб турганича ғалати бош чайқади.

Олапар хўжайиннинг уйига келганида атроф қоронғи эди. Итнинг димоғига қовурдоқ ҳиди урилди. Ўчоқда ёнаётган олов шуъласи тамбаланган дарвоза ёриқларидан ерга тарам-тарам бўлиб тушарди. Олапар дарвозадан берироққа ғужанак бўлиб ётди. Бироздан сўнг ичкаридан болаларнинг чуғур-чуғури эшитилди. Ит қулоқларини динг қилди.

– Ойи, ойижон! Борайлиик… – ялинчоқлик қилишарди болалар.

– Бор, боравер!.. Ўша итминам қўшмазор бўлинглар! – ўшқирди аёл. – Эртага отанг келсин, нақ гўштларингни ўйдираман!

Олапар сесканиб тушди. Яна ўша жарликка, яланг тошларга қайтиб боргиси келди. У энди ўрнидан турганида, дарвоза тамбаси шарақлаб, ҳовлидан хўжайиннинг ўғилчаси чиқди.

– Келавер, Банно, келавер… – у синглисини чақирди.

Болалар дарвозани ёпиб, қоронғилик бағрига қўрқа-писа тиқилишди.

– Вуй, ака! Қая, Олапай! – қизча севинчидан қичқириб юборди.

Улар Олапарга яқин келишди. Бола итнинг бўйнидан қучоқлаб олди. Қизалоқ бўлса унинг тумшуғини силар, ҳадеб «Олапай, Олапай…» – деб чулдирарди. Ит мажруҳ оёғини осилтириб тураверди.

Болалар унинг ярадор эканини пайқашмади ҳам.

– Банно, ман совқотдим, – деди бола озроқ ўтгач. – Қара, Олапаринг ҳўл экан… Ман кетаман.

– Кетма, ака. Озёқ туяйлик…

– Ман кетаман, ўзинг қолавер.

– Бий ўзим қўйқаман.

Болалар салқиндан дийдирашиб, ҳовли томон юришди. Қизалоқ дарвоза ёнида туриб, чақирди:

– Кий, Олапай, қияқол…

Олапар дарвозага яқинлашди, лекин болалар ҳарчанд тавалло қилишмасин, ичкарига оёқ босмади.

Атроф жимжит бўлиб қолди. Олапар зах ерга чўзилди. Жароҳатдан анчагача азоб чекди, сўнг карахтланиб уйқуга кетди. Тушида хўжаси билан ов қилиб юрганмиш… Улар тоғ этакларига боришди. Янтоқ тупи ортидан товушқон чиқди ва ўнги-сўлига қарамай қоча бошлади. Хўжайин: «Чоп, Олапар! Чоп, ошнам, у саники бўлади!» – деб қичқирди. Олапар товушқонни қувлай бошлади. Кутилмаганда товушқон бели ингичка қора мушукка айланди. Итнинг чандон ғазаби ошди, кучига куч қўшилди. Энди мушукка етай деганда, рўпарада чуқур жарлик пайдо бўлди. Мушук камалакдай эгилиб, нариги тарафга сапчиди. Олапар ҳам сакради, лекин у жардан ўтолмади, пастга тошдек қулади. Ит жар тубига урилиб, чилпарчин бўлишини кутаркан, вужуди борган сайин кичраяверди. Бирдан Олапар пар сингари енгил бўлиб қолди, сўнг тушдай шаффоф, беозор фазо қўйнида қайлаRгадир оҳиста сузиб кетди…

Сотим НУРМЕТОВ (1924–1994) – Хивада таваллуд топган.

Пиримқул НУРМОНОВ (1911–1978) – Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги Оққўрғон қишлоғида таваллуд топган.

Плис НУРПЕИСОВ (1919–1945) – Қорақалпоғистон Республикаси, Тахтакўпир туманида туғилган.

Илёс ЎРОЗОВ (1922–1945) – Тошкент вилояти, Янгийўл туманида таваллуд топган.

Анвар ҚАЛЛИЕВ (1921–1998) – Тюмен вилояти Ярково туманидаги Тархани қишлоғида туғилган. Урушдан сўнг Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги Қўрғонча шаҳарчасида яшаб, узоқ йиллар меҳнат қилган.

Қўчқор ҚАРШИЕВ (1923–1945) – Самарқанд вилояти, Иштихон туманида таваллуд топган.

Очил ҚОДИРОВ (1910–1945) – Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги Себистон қишлоғида туғилган.

Жўмағали ҚОЛДИҚОРАЕВ (1922–1944) – Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманида таваллуд топган.

Элбой ҚОРАБОЕВ (1917–1989) – Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги Баҳрин қишлоғида туғилган.

Жуман ҚОРАҚУЛОВ (1921–1944) – Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманида таваллуд топган.

Саидусмон ҚОСИМХЎЖАЕВ (1915–1994) – Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида туғилган.

Абдулла ҚУРБОНОВ (1925–2004) – Тошкент вилояти, Янгийўл туманида туғилган.

Аҳмаджон ҚУРБОНОВ (1921–1945) – Самарқанд вилояти, Жомбой туманида таваллуд топган.

Абдусаттор РАҲИМОВ (1920–1992) – Наманганда таваллуд топган.

Узатсанг Зуҳрога,
Етар қўлларинг
Улғай, болажоним,
Улғайгин тезроқ,
Сенинг йўлларингга
Юлдузлар муштоқ.
Ҳозирча ором ол,

Ёлғизим, қўзим.
Тун узоқ, ухлайқол,
Кўзларингни юм.

Олис соҳилларда,
Уфқдан нари
Ўлим сочмоқдадир

Ёв кузғунлари.
Ўлим сочмоқдадир
Элга беаёв.
Шаҳар, қишлоқларни
Ютмоқда олов.
Ўша олис юртда
Қон кечиб ҳозир

Отанг ҳаёт учун
Жанг қилаётир.
Эпларнинг эрк деган
Соф тилаги деб,
Жаҳоннинг нурафшон
Келажаги деб,
Офат солмасин деб

Оламга қотил,
Отанг узоқ юртда
Жанг қилаётир.
Сен учун, мен учун,
Ўз учун эмас,
Фақат ўзбек ва ё
Рус учун эмас,

Бутун Ер – ундаги
Бор авлод учун,
Дунёда энг кутлуғ
Эътиқод учун
Узоқ ўлкаларда
Қон кечиб ҳозир
Отанг ҳаёт учун

Жанг қилаётир.
Сен ухла, ёлғизим.
Сен ухла, қўзим,
Бир нафас ором ол,
Кўзларингни юм.

Бу кунлар, албатта,

Ўтиб кетади.
Башар жароҳати
Битиб кетади.
Она-Ер қайтадан
Яшарар бир кун.
Олам нур қўйнида
Яшнар лолагун.

Жангу жадалларга
Келур интиҳо,
Бизнинг дунё бўлур
Урушсиз дунё.
Бу кунлардан қолур
Фақат хотира.
Аммо халқ жафони

Унутмас сира.
Бу кунлар кетар-у,
Ғам, доғи қолур.
Юракларга солган
Фироғи қолур.
Авлод-авлодларга
Замон-замонга

Ҳатто гул очилар тошлар бағрида

Шоира, Россия Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўрол Ёзувчилар ассоциацияси аъзоси, Евросиё халқлари Ассамблеяси Адабиёт Кенгашининг ҳамраиси бўлмиш Екатерина Владимировна Володина 1973 йил 15 ноябрда Тюмень вилояти шимолидаги Кондинск қишлоғида таваллуд топган. Санкт-Петербург шаҳридаги Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Шимоли-Ғарбий Давлат хизматлари академиясини тамомлаган.

Асарлари Россиянинг етакчи газета ва журналларида, шунингдек, Австралия, Австрия, Германия, Канада, Сербия, Непал, Албания, Бельгия, Озарбойжон, Тожикистон, Молдова, Белорусь давлатлари нашрларида чоп этилган.

Екатерина Володина кўплаб минтақавий ва халқаро адабий танловларнинг ғолиби саналади. 2015 йилда Россия маданияти ва санъатининг таниқли арбоблари учун таъсис этилган давлат стипендияси стипендиати бўлган.

Шоиранинг шеърларида табиат, инсонлар тақдири, она ватан тараннум этилади. Екатерина Володинанинг асарлари дунёнинг кўплаб тилига таржима қилинган.

Екатерина ВОЛОДИНА, рус шоираси

***

Кимдир ёт манзилда, майли, тўқ яшар,
Одамлари турфа, кўчаси кенгроқ.
Ҳатто ҳовуч-ҳовуч бахтни улашар,
Мен Ватан дардидан бедорман бироқ.

Яхшироқ куйлашар, бизда қўшиқ мўл,
Ўрмонлар яшилроқ, ўтлар авжида.
Бизда далаларнинг сахийлигин кўр,
Ҳатто гул очилар тошлар бағрида.

***

Тиниқ тонг ёйилар
ёз айвонида,
Қиёфаси кўпдир дунёнинг
Азалдан яралган... Нигоҳда қувонч,
Ажиб оҳанглик бор қушлар куйида.
Ва ўйлагим келмас
Қачондир не савдо бўлишини ҳам.
У ҳар он ҳозиру нозир,
Қалбимнинг малҳами... ва мангу олам.
Қуёшдан нур олар тобора маҳкам.
Унинг тез оқиши –
Тонг шафағи билан
Тўлган умримизнинг жўшқинлигидир.
Дўстим, нурга тўлган қуёш тафтида
Олтин ёзнинг нурлари билан
Оламни чулғаган янги кун сари
Ўз ортидан эргаштириб у,
Олға бошлар сен билан мени.

***

Шафақ! Ақлимни лол айлаган шафақ!
Тушларимга уйғун хуш хотиралар.
Ёритгич қаҳрабо рангига кирди
Ва кейинга қолди қораламалар.

Ҳақиқат бўлолмас хаёл ва тимсол,
Ҳаётни ҳис қилиб бошланади кун.
Санчилар руҳу қалб, қонга нур мисол,
Қайтмас бўлиб кирар тасаввурга у.
Ёш авлод истаги фақат бахтдадир.

Ёшлар севги билан – шубҳа йўқ бунга,
Сирларга кўмилиб қолади тунлар.
Ҳаётни севади – бир қаранг тонгга,
Борлиғини қамраб олади нурлар.

***

Тонг неъматдир, унга ҳар кун кираман,
Худо эҳромига киргандек чунон.
Атрофга назар сол, шунда биласан,
Зулматни енган тонг – боқий бегумон.

Дарвозангдан хабар оламан ҳар кун,
Янги сатр билан шеърларим ёркин.
Худойимга шукур ёзганим учун,
Эшитганим учун қушлар сайроғин.

Рус тилидан Шоди ОТАМУРОД таржимаси

ОДАМ

Фалсафий ҳикоя

Раҳима энди челагини сувга ботирган эди, орқасидан биров чақирди.

Раҳима челагини сув бўйига қўйиб, ўтов олдида турган Хосият опанинг ёнига борди.

– Бу ёққа кир, бир нимани кўрсатаман. Шаҳардан опчиқишипти!

Раҳима унинг ортидан ўтовга кирди-ю, тахмон қошида тик турган йигитни кўриб, кетига тисланди. Хосият опа унинг йўлини тўсди:

– Сатилингни опқўяман, бермайман!

– Қочинг!

Раҳима уни итариб юбориб, ташқарига отилди. Челагининг сувини ярим қилиб, соҳилга чиқиб олди ва сой бўйидаги ўтовга нафрат билан қаради.

Шу кеча унинг онаси қазо қилди, ўлим олдида невара-чеварасигача ёнига чақириб, улардан рози-ризолик олди. «Мендан яхшилик ўтган бўлса, унутманглар. Ёмонлик ўтган бўлса, эсдан чиқаринглар. Ростгўй, мард, ҳалол бўлинглар!» деди. Сўнг Раҳимага тикилиб:

– Болам, Шодмон шаҳардан келган, – дея энтикди. – Сени деб келган. Хосият опангнинг уйига қўнган. Ота-онасиз етим бола. Ўзимиздан. Сени ўшанга бермоқчийдим.

Кейин, Раҳимани Шодмон полвонга узатишни катта қизларига тайинлаб, кўз юмди.

...Йил ўтиб, Раҳима Шодмон полвонга хотин бўлди, уни шаҳарга тушириб кетдилар.

Шодмон шўх, чармгарнинг бева келини билан борди-келдиси бор экан. Раҳима буни қўшни аёлдан эшитиб, бир оқшом пойлади ва эри девордан ошаётганда, оёғидан тортиб йиқитди. Полвон уни бир уриб, шайтонлатиб қўйди. Шунда Раҳиманинг чап қўли синди. Лекин кейин Шодмон ҳам бу юришларини бас қилди.

Орадан тўрт йил ўтди. «Инқилоб бўлармиш, бек-бекзодалар йўқ бўлармиш», деган хабарлар тарқала бошлади. Шодмон ўшанда юртдош полвонлар билан Афғонистонга кетган эди. Бир ҳафтадан кейин у ёқда йиқитган полвонлари ҳақи – бир туя мол билан қайтиб келди ва уч кун ётиб, тирноқлари кўкарди, тоғдай одам муштдек бўлиб тиришиб қолди, ўлди.

Раҳима келин... бева қолди.

Икки йилдан кейин бозорнинг фарроши унга одам қўйди. Раҳима: «Полвон мени қулфлаб кетган, калити ўзида», деб совчиларни қайтарди. Улар тағин келишган эди, ариқ ичида ётган калтакни олиб бошига кўтарди: «Тинч қўясанларми, йўқми? Қўй, учта етимчани боқай!»

Шодмон полвондан учта фарзанд қолган, каттаси билан кенжаси қиз, ўртанчаси ўғил эди.

Бир куни гузарда «Қизиллар келяпти», деган овоза тарқалиб, одамлар тоғларга қоча бошлашди. Раҳима ҳам болаларини олиб, йўлга тушди: хуржуннинг бир кўзида нон, сапча, тут майиз, толқон. Иккинчи кўзида кенжа қизи Турсуной.

Тоғда қочқинликда бир йил яшади, ўша йили қиш қаттиқ келиб, чап оёғини совуққа олдирди – шишиб кетди. Баҳорда яна шаҳардан янги хабарлар кела бошлади: «Қизиллар» ҳам ўзимизникилар экан. Мусулмонободлик бўпти... Омонлик-омонлик!»

Раҳима жонидан тўйиб юрган эди, шаҳарга жўнаган биринчилар қаторида йўлга чиқди.

...Шаҳар вайрон бўлган, чет-четдаги гумбазлар йиқилган, деворлар қулаган, лекин тинч, сокин эди. Бодомлар гуллаб турарди.

Уч ой ўтиб, колхоз тузилди.

Раҳима эл қатори колхозга кирди ва унинг фаол аъзосига айланди. Ғалла ўрими маҳалларида Адолат билан Абдураҳимни ҳам олиб чиқар, улар машоқ теришар эди.

Кенжаси тоғда... очликдан ўлиб кетган.

Бу вақтда Адолат мактабга қатнар, Абдураҳим ҳам дастёр бўлиб қолган эди.

Йиллар ўтди... Раҳима энди ўтган кунларини, қизлиги, шаҳарга тушгани, эри, уни пойлаганларини тушдагидек эслар, энди ўша кунлар ҳам унга қизиқ, ажиб кўринар эди.

Уруш! Уруш!..

Адолатни райкомга ишга олишди, Абдураҳим фронтга кетди. Унинг аёли билан икки фарзанди қолди.

Бир йил ўтиб Абдураҳимдан қорахат келди, салдан сўнг унинг ёш хотини икки боласини ҳам Раҳима опага ташлаб, турмушга чиқиб кетди. Энди Адолат ҳам битта ўғлини уйда қолдириб, дашт-дашт юрар, эркакларнинг ишини қиларди.

Уруш тугади, яна тинчлик, омонлик бўлди.

Энди Раҳима буви уруш йилларидаги кунларни хотирлар, у кунлар кўз олдидан тушдек ўтар экан, келинини олти ой ўтирмай эр қилиб кетгани учун ҳамон кечиролмас, ўшанда кунларига яраган ола сигирни ўкинч билан эсларди, сигир сутдан қолгач, сўйишганди.

Тағин йиллар ўтди. Уч неварадан бири институтни битириб, агроном бўлиб қайтди. Бири новвой, бири олис шаҳарда уйланиб қолди.

Раҳима кампир энди невараларига қарар, уларга ўтмишидан эртаклар айтиб берар, унинг бутун ҳаёти ҳам ғалати бир эртакка ўхшар эди.

Раҳима буви тўқсонга яқинлашиб қолди. Адолат опа ҳам давлат пенсиясига чиқди. Унинг эри Қурбон бобо – колхоз боғбони. Чорбоғ торлик қилгани учун агроном невара бошқа жойдан уй солиб чиқиб кетди.

...Кампир икки йилча тинч, хотиржам яшади. Невараларини суяр, шулар билан овунар, эндиликда ўчоқбошига ҳам яқин бормас, рўзғор юмушлари ҳам Адолат опанинг қўлига ўтган эди.

Кейин-кейин Раҳима буви эсдан чиқарадиган одат пайдо қилди. Бир нарсани бир жойга қўйиб, кейин тополмай юрар, шунда кўнгли бўшаб йиғлаб ҳам оларди. Кейинчалик чеваралари билан жиқиллашадиган, тортишадиган бўлди.

Эзмалик... Раҳима бувида ана шу хислат ҳам пайдо бўлди. Катталар унинг гапини эшитмаса, гўдакларни ёнига ўтқазиб қўйиб гапирар, нуқул тарихдан тушар ва шундай аниқ қилиб сўзлардики, ўша воқеаларни ҳозир кўриб тургандек таассурот қолдирарди кишида.

Бу ҳол бир неча ой давом этди.

Агар унинг гапини диққат билан эшитиб, ўзича таҳлил қиладиган киши бўлса, антиқа бир ҳолни сезарди: у дастлаб кечаги тарихдан сўзларди – урушдан кейинги йиллар, ўзининг чопиб-чопқиллаб рўзғор ишларида юргани. Сўнг нуқул уруш даврида бошидан кечирганларини ҳикоя қиладиган бўлди. Сўнг урушдан аввалги йилларга ўтиб олди: колхоз тузилиши, қулоқлар, кечаси биттасининг: «Колхозга ишга чиқма, сўйиласан!» – деб қўрқитгани, ўзининг: «Етимларимни боқ бўлмаса!» дея фарёд қилгани... Кейин, бир-икки кун ўзига совчи бўлиб келганларни қарғади-ю, эри Шодмон полвон тилидан тушмай қолди: «Тоғдек йигит эди. Тиришма дегани вабоми? Афғонда бор экан...»

Бир куни Раҳима кампир ёш қизалоқдек қувониб, уй атрофида тимирскиланиб юрди. Сўнг нарвонга тирмашиб, томга чиқиб олди ва пастга тушолмай, йиғлаб ўтирди. Куёви келиб, бир амаллаб пастга туширди.

Шунда қизиқ иш бўлди, кампир куёвига бирдан ёт назар билан қараб қаёққадир қочмоқчи бўлди ва ҳассасини қам ташлаб, эмаклаб уйга кирди. Эшикни зичлаб ёпди.

У дағ-дағ титрар эди. Хонанинг шифтларига ҳайрат билан боқди, эшикка яқин борганди, эшик бирдан тортилди. Раҳима буви: «Вой!» дея чекинди. Остонада қизи Адолат опа турарди.

– Хосият? Хосият опа! – пичирлади кампир. – Қўйвор мени... Нимага уйга қамаб қўйдинг? Барибир қочиб кетаман. Сатилимни бер!

Адолат опа бир қадам ичкарига босди:

– Энажон, сизга нима бўлди? Жоним энам?

– Ҳалиги эркак қани, йўқ-ку?

Шу куни кечгача Раҳима кампир мана шундай, бамисоли ўн беш яшар қизлик даври билан яшади: онасини эслади, сойни. Онанинг васиятларини.

Адолат опа билан Қурбон бобо унинг хонасида ўтиришарди. Улар чиқиб кетгач, Раҳима буви бирдан хаёлга толиб қолди ва... кўз олдидан аллақандай баланд миноралар, паранжи ёпинган аёллар ўтди. Кейин ўзини аллақандай ариқ лабида кўрди: биров деворга тирмашяпти. Ким у? Эри-ку? Оёғидан торт!.. Сўнг кампир ўзича илжайиб, хонада кеза бошлади, шипдан осилган лампочка тагида таққа тўхтади. Боши айланиб, кўзи тинди, сўнг кўзи юмуқ бўлса-да, аниқ кўра бошлади: дара, катта гулхан ёняпти. Атрофида отлар, эшаклар. Шошилиб у ёқдан бу ёққа ўтаётган одамлар... Шунда у худди совқотаётгандек жунжикиб кетди. Беихтиёр ерга ўтириб, чап оёғини уқалади. Сўнг кўз олдига лоп этиб кирза ботинка ва фуфайка кийган ўғли Абдураҳим келди. «О, болам, душманга қирон келсин!» – шивирлади у... Кейин чайқалиб ўтираркан, сап-сариқ буғдойзорда юргандек ҳис этди ўзини. Шунда Раҳима буви бирдан ҳушёр тортиб кетди ва невараларининг номини тутиб чақира бошлади, кейин ўз-ўзидан хижолат тортди: нега невараларини чақиряпти у? Улар бу атрофда йўқ-ку? Чеваралари чақирмоқчийди, шекилли.

...Адолат қани? Қизи? Ҳалигина шу ерда эди, чоғи? Кимлар чиқиб кетди боя?

Раҳима кампир эртаси куни бир неча одамга ўхшаб, ҳар хил қиёфада яшади: гоҳ Раҳима қиз бўлади, гоҳ Раҳима келин. Бирдан Раҳима онага айланади. Кейин Раҳима бувига... Сўнг яна Раҳима қизга.

– Энажон, бизни қўрқитманг, энажон, – деди Адолат опа кечқурун тағин унинг уйига кириб. – Бу овқатни енг... Мана, чой! Кеча мени ёмон қўрқитдингиз.

– Нима? Нима дедим? – сўради у паришон бўлиб.

– Ахир, мени танимай қолдингиз-ку? Сизни уйга қамаб қўйганмишман. Мени Хосият дединг из... Бунақа қилманг, энажон? Сиз ёш боламассиз-ку? Эшитяпсизми? Ёш боламассиз... Сочларингиз қайта қорая бошлади, тишларингиз қайтадан чиқяпти. Пири бадавлатсиз, энажон!

– Менинг энам қани?.. У кутиб қолди-ку? Нималар деяпсан?

– Жон эна...

– Сатилимни опқўйдингми?

– Уф...

– Энам касал эди, ўладиган бўлиб ётипти... У ўлади! Кетаман уйимизга.

Адолат опа йиғлади. Чиқиб эрига ёлворди:

– Чолжон, қандай кунга қолдим? Энам ёш бола бўлиб қопти. Чолжон... наҳотки, одам охир-оқибатда шундай бўлиб қолса-я? Бу даҳшатмасми?.. Боёқиш энам! Ёмон аёлмас эди. Бизни деб яшади, умри ўтди. Энди ҳеч нарсани билмай, эслолмай ўтирипти. Билгани, эслагани – болалиги!.. Мен қўрқиб кетяпман, чолжон? Менга қаранг, нимани ўйлаяпсиз?

– Кампир... одам бола бўлиб ўлмайди.

– Йўқ, йўқ! Бунда бир сир бор... Хўп денг. Мен нақдиниям эшитганман. Топишмоқ бор-ку: тўрт оёқли бўлиб туғиларкан, кейин уч оёқли бўлармиш...

– Кейин икки оёқли.

– Тўғри-да, одам туғилганда эмалаб юради, кейин бир нимага суяниб юра бошлайди, уч оёқли бўлади. Кейин икки оёқли, а?

– Сўнг қўлига ҳасса олади, тағин уч оёқли бўлади. Кейин...

– Яна тўрт оёқли бола... Бола! Чолжон, ҳақиқатан ҳам энам бола бўлиб қолди-ку? Эрта-индин ҳассага таяниб ҳам юролмай қолади. Ростакамига бола бўлади... Нимага ишонмайсиз?

– Кампир... одамзод бола бўлиб ўлмайди. Унда яшашида маъно бўлмасди.

– Мен ана шундан қўрқяпман-да?

– Ҳовлиқма, кампир... Сабр қил.

* * *

Уч кундан кейин Раҳима кампир бирдан ўзига келди. Унга қараган, гапини эшитган киши куни кеча қилган ишларига сира ишонмас эди.

Момо қизини чақирди, унга маъюс тикилиб, йиғлади:

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ (1940–2005)

– Консерт кўрсатдимми? Нималар дедим... Эслолмайман.

– Ҳозир тузукмисиз, энажон?

– Худога шукур... Болам, тараддудингни кўр, мен кетаман энди.

– Энажон?

– Хўп, де, ёлғизим. Сезиб турибман... Қил устида турганга ўхшайман... Болага ўхшаб қолдимми?

– Сал...

– Салмас. Раҳматли энам ҳам шунақа бўлганди. Кейин ўлар чоғида айтгандики...

– Нима дегандилар?

– Одамзод ҳаёти охирида... сўниш олдидаги шамга ўхшармиш. Одам ўлим остонасида бирдан куч йиғади экан. Шам ҳам сўниш олдида бирдан аланга олиб ёнади-ку? Кейин сўнади...

– Энажон...

– Мен хийла алжиб қолдим-а? Эсим бор... Кейин жуда бўшашиб кетдим, жин урди-қўйди. Хайрият, ҳозир эс-ҳушим жойида, болаларни чақир, васият қилай.

* * *

– Болаларим, мендан рози бўлинглар. Яхшилигим ўтган бўлса, унутманглар. Ёмонлигим ўтган бўлса... эсдан чиқаринглар. Мен ҳаётимдан розиман, сизлардан розиман. Мендан ҳам рози бўлинглар.

1975

Азим РАҲИМОВ (1925–1997) – Бухорода таваллуд топган.

Нарзи РАЖАБОВ (1924–1944) – Бухоро вилояти, Жондор туманида туғилган.

Амирали САИДБЕКОВ (1920–1945) – Фарғона вилояти, Риштон туманида таваллуд топган.

Шоди ШОИМОВ (1925–1944) – Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида туғилган.

Остонақул ШОКИРОВ (1922–1945) – Андижон шаҳрида туғилган.

Аҳмаджон ШУКУРОВ (1909–1990) – Фарғона вилояти, Шаварди қишлоғида таваллуд топган.

Лутфулла СИБАГАТУЛЛИН (1912–1978) – Пермь вилояти, Уинское туманида туғилган. Урушдан сўнг Ўзбекистонда яшаб, зиё тарқатувчи соҳаларда меҳнат қилган.

№ 6-7 (320-321) 2020 йил 13 май
Kitob dunyosi

Қўчқор ТУРДИЕВ (1917–1992) – Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги Дардоқ қишлоғида таваллуд топган.

Шодмон УМАРОВ (1918–1984) – Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги Урус қишлоғида туғилган.

Солиҳ УМАРОВ (1921–1995) – Тошкентда таваллуд топган.

Муҳиддин УМРДИНОВ (1912–1981) – Фарғона вилояти, Қува туманидаги Бойистон қишлоғида туғилган.

Жўрахон УСМОНОВ (1923–1945) – Сирдарё вилояти, Ховос туманидаги Совот қишлоғида таваллуд топган.

Облоқул УЗОҚОВ (1922–1955) – Ургут шаҳрида туғилган.

Эрнафас ХЎЖАЕВ (1916–1944) – Ромитан шаҳрида таваллуд топган.

Абадий, абадий
Сабоғи қолур.
Сен ҳам унутмассан,
Юрагим, қўзим.
Ҳозирча тинч ухла,
Кўзларингни юм.

Вақт келар, улғайиб,
Одам бўларсан.
Илм олиб соҳиби
Олам бўларсан.
Сен бизлар кўрганни
Кўрмагайсан ҳеч,
Ғурбат йўлларидан ‘

Юрмагайсан ҳеч.
Олам тўла қуёш,
Қалбинг тўла нур,
Ойдин бир замонда
Яшайсан масрур.

Бизлар ҳам ўтамиз

Вакт келиб бир кун.
Сизларга қолади
Муқаддас замин.
Сиз уни авайлаб
Кафтда тутасиз,
Шараф йўлларидан
Олиб ўтасиз.

Оташ алангага
Тутмайсиз уни,
Даҳшат уммонига
Отмайсиз уни.
Замин теграсига
Олтин камалак
Ўрайди етти хил

Нурдан чамбарак.
Сиз унинг бағрини
Пора қилмайсиз,
Оталар хокини
Сақлаб муборак.
Сен шундай давронда
Яшайсан, қўзим.

Ҳозирча ором ол,
Кўзларингни юм…

Бошимизда оташин фалак,
Пойимизда оташин тупроқ,
Қўлимизда ёғоч камалак,
Остимизда ёғоч арғумоқ,

Оппоқ чангдир эгну бошимиз,
Оппоқ чангдир кўзу қошимиз.
Кўру кармиз,
Бешдан олтига
Эндигина ўтган ёшимиз,
Кўча-кўйда кўтариб сурон
Югурамиз саҳардан то кеч,

Олам узра кезар зўр бўрон,
Биз бу ҳақда ўйламаймиз ҳеч.

«Уруш-уруш» ўйин бўлса бас,
Титратамиз кўку заминни.
Ким ўйлабди дейсиз у нафас
Бу урушнинг ростакамини.

Озарбойжон маданиятини Марказий Осиёда, қолаверса, Ўзбекистонда ҳам кенг тарғиб қилаётган Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон Маданият маркази раҳбари, Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Самир Аббосов билан суҳбатлашар эканмиз, икки миллат бирлашиб олиб бораётган ишлардан кўнглимиз хушнуд бўлди.

ИШЛАРИМИЗ МАДАНИЯТЛАРИМИЗ КАБИ ГЎЗАЛ БЎЛСИН

– Хуш келибсиз, Самир оға! Айтинг-чи, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Озарбойжон Маданият маркази қачон ташкил қилинган ва асосий вазифаси нималардан иборат?

– 2010 йилнинг 27 сентябрида ташкил қилинган Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон Маданият маркази давлатларимиз орасидаги маданият, илм-фан, таълим-тарбия, туризм каби бир қатор соҳаларидаги ҳамкорлик қилишда асосий роль ўйнайди.

Сўнгги йилларда халқларимиз бир ёқадан бош чиқариб кўп хайрли ишларни амалга оширдилар. Жумладан, ўтган йилда Озарбойжон Маданият марказининг лойиҳаси ўлароқ, ўзбек тилида Ўзбекистонда Озарбойжон давлатчилиги, тарихи, маданияти, адабиёти, туризми акс этган “Ўзбекистон-Озарбойжон”, “Тоғли Қорабоғ” туркумида 70 дан зиёд китоб чоп қилинди, дисклар яратилди. Бундай китобларнинг чоп этилиши ва дисклар тайёрланишидан кўзланган асосий мақсад ўзбекистонлик қардошларимизни озарлар ҳаёти, яшаш тарзи, анъаналаридан бохабар қилишдир. Чунончи, шу туркумда яратилган туризм ва тарихга оид китоб ҳамда дискларда Озарбойжондаги қадимий тарихиё ёлгорликлар ва зиёратгоҳлар ҳақида тўлиқ маълумот берилган бўлиб, улар саёҳатсеварлар учун амалий қўлланма вазифасини ҳам ўтайди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида Озарбойжон маданияти, санъати, адабиёти кунлари ташкил этилди. Бу тадбирларда ҳар икки ўлка олимлари, маданият ходимлари, кўплаб журналистлар иштирок этишди. Вилоятларда семинар, конференция ва тақдимотлар ўтказилди.

2019 йил Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Озарбойжон маданияти ҳафталиги ҳамкорликдаги ишларимизнинг ёрқин тимсоли бўлди, десак, асло муболаға бўлмайди. Ҳафталик доирасида 2017 йили Самарқанд Давлат университетида ўз ишини бошлаган Саййид Ризо Ализода номидаги “Озарбойжон – Ўзбекистон дўстлик маркази”нинг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Албатта, бу каби ишларимизнинг кўп бўлиши бизнинг истагимиз эди, дуоларимизда ҳамиша бор эди: “Икки миллат дўстлиги, қардошлиги бузилмасин!” Комил ишонч билан айта оламанки, шундай хайрли ишларимиз сабаб бу ришталар сира узилмайди, мангу ва барқарор бўлади.

– Тарихдан маълумки, қадим-қадимдан маданий алоқаларимиз давом этиб келмоқда. Бугунги кунда у янада ривожланиши учун Озарбойжон Маданият маркази яна қандай ишлар олиб бормоқда ва яна қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган?

– Тилимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз бир-бирига жуда яқин. Халқларимизнинг дўстлиги, алоқаларнинг янада яқинлашуви ўрта асрлардаёқ мустаҳкамланганини кўпчилигимиз яхши биламиз. Бу дўстликни Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий каби улуғлар тимсолида кўриш мумкин. Улар адабиёт орқали бир-биридан куч олган, бир-бирини қўллаб-қувватлаган, айнан шеърият улар ўртасидаги алоқа кўприги вазифасини бажарган. Масалан, ҳазрат Навоий ўзидан кейинги Озарбойжон шоирларининг – Кишварий, Хатоий, Фузулий ва бошқаларнинг ижодига таъсир кўрсатган. Ўрта асрларнинг озар ва ўзбек халқлари орасидаги алоқалари юксак савияда бўлишининг асосий сабаби, улар айни урф-одатларга, тилга эга бўлиши саналади.

Галдаги режаларимизга тўхталадиган бўлсам, бугунги кунда Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган озарбойжонликларнинг ишларини кенг тарғиб қилишни, ўтганларининг эса хотирасини абадийлаштиришни мақсад қилганмиз.

Ҳозирда ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар учун адабиёт анжуманлари, рассомларнинг алоҳида тасвирий санъат галереяларини, хонанда ва сўз усталарининг концертларини ташкил этиш орқали уларнинг ижодини кенг тарғиб қилишни режамизга киритганмиз. Бу ишларни амалга оширишни ҳам инсонийлик жиҳатидан, ҳам икки миллат ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун ваколатли шахслар сифатида ўз бурчимиз деб биламиз. Чунки айнан адабиёт одамлари, санъат одамлари худди “олтин кўприк”дек халқларимизни бир-бирига яқин бўлишига хизмат қиладилар.

Яна бир нарсани айтишни истардимки, Маданият марказимизда яқин йилларда “Озарбойжон – Ўзбекистон дўстлик музейи” ташкил қилинади, музейдан жой олган аксар экспонатлар адабиёт ва санъатга ҳам дахлдор бўлади, албатта.

– Ташкилотингиз фаолияти ҳақида ёритиб борадиган Интернет сайтларингиз борми, умуман олганда, Маданият маркази фаолиятига қизиқаётган ўқувчилар қаердан маълумот олишлари мумкин?

– Марказимиз фаолиятини асосий ёритиб борувчи ягона ахборот манбаси http://azculture.uz сайти ҳисобланади. Унда мунтазам равишда кундалик фаолиятимиз, амалга ошираётган лойиҳаларимиз, ўтказилаётган тадбирларимиз ҳақидаги ахборотлар мунтазам ёритиб борилади. Озарбойжон – Ўзбекистон ўртасидаги маданий-адабий алоқаларга қизиқувчилар сайтимиздан истаган маълумотларини олишлари мумкин. Шу билан бирга, фаолиятимиз борасида маълумотларни “facebook” ва “twitter” саҳифаларимизда ҳам ўқисангиз бўлади.

Жорий йилдан дунёнинг энг катта кузатувга эга видео платформаларидан бўлмиш “Youtube”да ҳам Марказимизнинг видео канали яратилган бўлиб, энг мароқли воқеалар, янгиликлар қўйиб борилади.

Фаолиятимизни ёритиш бўйича алоҳида гуруҳ ташкил этилган бўлиб, ҳозирда маълумотлар 4 тилда (озар, ўзбек, рус ва инглиз) тақдим этилмоқда.

– Самир муаллим, сиз кўп йиллардан буён маданият соҳасида фаолият юритиб келмоқдасиз. Ўзбекистон ва Озарбойжон маданияти, маданий алоқалари айнан нималарда акс этмоғи керак, деб ўйлайсиз?

– Ўзбекистон Турк халқлари дунёсида етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Олис тарихдан ҳам маълумки, ўзбеклар ҳамиша Турк дунёси учун, эрк ва озодлик учун курашиб яшаган миллатдир. Бу миллатни бутун жаҳон халқлари алоҳида ҳурмат қиладилар.

Ўзбек миллати ҳар доим меҳнаткашлиги билан кўп элларга ўрнак бўлиб келган ва келмоқда. Уларнинг оддийгина қўл меҳнати ёрдамида қилган ишларининг ўзи дунёда эътироф этилган. Бугунги кунда ўзбек маданияти Шарқнинг энг танилган, энг кўзга кўринганларидан ҳисобланади. Уларнинг алоҳида меъморчилик ва нақшинкорлик ишлари, миллий либослари инсониятга асл гўзаллик нима эканини яққол кўрсатиб беради.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда тарихий шахсларни, буюк аждодларни шарафлаш тарғиботи юксак даражада йўлга қўйилган. Ибн Сино, Термизий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди ва шу каби бир қатор шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг меросларини келажак авлодга етказиш учун ҳар йили янги-янги лойиҳалар жорий қилинади. Чиндан ҳам, бизнинг гўзал маданиятларимиз шу каби ишларда яққол намоён бўлади.

– Мароқли суҳбатингиз учун миннатдормиз. Ўқувчиларимизга тилакларингиз бўлса, марҳамат.

– Фурсатдан фойдаланиб “Китоб дунёси” газетасига ташаккур айтаман. Бу газета нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Турк дунёсида, жаҳонда ҳам адабий алоқаларнинг ривожланишида хизмат қилаётган энг биринчи нашрлардан ҳисобланади. Айни ҳозирги қийин бир даврдан халқларимиз омон чиқишини тилайман, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, ҳеч қандай ёв ҳам, вабо ҳам бизни енголмагай. Дўстлигимиз ва қардошлигимиз абадий бўлсин. Худойим Ўзбекистон ва Озарбойжонни ўз паноҳида асрасин!

Раҳмат БОБОЖОН суҳбатлашди

Ҳар сафар Рабоса бобонинг неваралари Кампанара кўчалари ёки Уэрта йўлларида бева Каспорранинг ўғилларига дуч келганда, бутун қишлоқ шовшув кўтарарди:

– Мунчаям ўқрайишмаса? Қўйиб берса, бир-бирларига ташланиб қолишади-я!

– Йўқ, бу иш хайрли тугайдиганга ўхшамайди. Бир кун бутун қишлоққа фалокат ёғдиришмасайди.

Оқсоқол боборў ҳамқишлоқларни ёнига олиб, уришқоқ йигитчаларни яраштиргани келарди, кекса руҳоний, Худойи таоло гина-кудуратни унутмоқни буюрган, дея уқтираверарди, уқтираверарди, бироқ бари бефойда эди!

Икки оила ўртасида давом этиб келаётган душманлик ўттиз йилдан бери Кампанара аҳолисига тинчлик бермасди. Валенсия яқинида, дарёнинг нариги соҳилида, думалоқ деразали қўнғироқхонасининг ўткир учли томи осмонга қадалган фаровон бу қишлоқнинг осойишталигини мана шу жангари, кекчи йигитчалар бузишарди. Улар ўрта аср аслзода итальян авлодларининг қонли интиқом солномаларини такрорлашарди. Ваҳоланки, қачонлардир улар ажралмас дўст бўлишган! Эшиклари бошқа-бошқа кўчаларга қараган бўлса-да, ҳовлилари бир-бирига туташ, ўртадаги пастак лой девор билангина ажралган эди!

Бир куни, экинларга сув очиш пайти жанжаллашиб қолиб, Каспорралардан бири милтиққа ёпишди-ю, Рабосанинг ўғлини отиб қўйди. Мақтулнинг кенжа укаси оилаларида эркак зоти тирик эканини исботлашга қарор қилди: бир ой пойлаб, ниҳоят, қотилнинг пешонасидан отди. Шундан бери икки хонадон фақат бир-бирига қирон келтириш учунгина яшайдигандек, ўй-фикри дала, экин-тикин билан эмас, қасос олиш билан банд. Бирови куппа-кундуз куни кўчада ўққа учраса, бошқасини ғаними қалин қамишлар орасига ёки зовур ичига яшириниб кутар, ғира-шира қоронғиликда изига тушиб жонини олар эди. Хуллас, Рабоса ёки Каспорра оиласидан ҳали у, ҳали бу киши қўрғошинга тўйиб қабристонга равона бўларди. Қасос ўти сўнмас, билъакс, ҳар авлод янгиланган сайин баттарроқ ёнарди. Қишлоқдагилар, иккала уйда ўғил туғилиши биланоқ, қўли қуролга чўзилади, дейишарди.

Орадан ўттиз йил ўтгач, оилаларнинг бирида бева қолган Каспорранинг хотини барваста йигит бўлиб етишган уч ўғли, иккинчисида эса саксонга кириб, фалаж бўлиб, ажин босган, қасос маъбуди каби қотган Рабоса балоғатга етган икки невараси билан қолди. Турган гап, иккала оила йигитлари ҳам оталаридан қолган “мерос”га содиқ. Лекин энди давр бошқа, оталари қилган ишни такрорлаб, якшанба ибодатидан кейин черков майдонида отишиб бўлмайди. Жандармлар душман оилалардан кўз узишмайди, қўшнилар ҳам ҳушёр, йигитлардан бири бир дақиқага бўлсин уй бурчида ёки ёлғизоёқ сўқмоқда ушланиб қолсами, дарров қайдандир одамлар етиб келиб, ўраб олишади, жанжал чиқарма, дея насиҳат қила кетишади. Бу назорат бора-бора таъқибга айланди-ю, ёвлашиб юрганларнинг жонига тегиб, бир-бирларига дуч келмасликка, ҳатто тасодифан қарши келганда, терс бурилиб кетишга интила бошлашди.

Бир-бирларининг кўзларига кўринмаслик, аниқроғи, душманини кўрмаслик истаги шу даражага етдики, ўртадаги лой девор жуда паст туюлиб кетди. Чунки иккала ҳовлининг товуқлари девор ёнида ётган шох-шаббалардан сақраб, деворга чиқишар ва жон қўшниларга айланиб, қақағлашар эди. Бу вақтда эса иккала уйнинг бекалари анъанага риоя этган ҳолда деразаларидан бир-бирларига мушт ўқталишарди. Ниҳоят, Каспорранинг бева хотини ўғилларига буюриб, деворни бир поғона кўтартирди. Қўшнилар ҳам ўз нафратини тош ва оҳак ёрдамида кўрсатишди – деворнинг баландлиги яна ошди. Девор шу тариқа, яширин душманликнинг сўзсиз рамзи сифатида кўтарилаверди. Энди бояқиш қушлар осмоннинг ярмини тўсиб қўйган душманлик девори соясида кунни кеч қилишар, бир-бирларига зорланган-дек маъюс қақағлашар эди.

Иккала оила вакиллари энди очиқчасига бир-бирларига ҳужум қилишмасди, аммо эски гиналарни унутишмаган, гўё ўз нафратлари қобиғида қотиб қолишганди.

Бироқ бир куни, тушдан кейин, қўнғироқхонада бонг чалинган паллада Рабоса бобонинг уйида ёнғин чиқди. Неваралар далада, катта неваранинг хотини кир чайқагани дарёга кетган эди. Дераза ва эшик тирқишларидан қуюқ қора тутун кўриниб, жаҳаннам олови тор уйдан чиқишга интилиб ўкира бошлади.

Ичкарида эса ўзининг тўкима курсисига михланган чол қолган. Дарёдан югуриб келган келин сочларини юлиб

додлар, ўзини айбдор билиб, саннар эди. Уй ёнида тўпланган оломон қасирлаётган алангага қўрқинч билан тикиларди. Бир-иккита довюрак эшикни тортиб кўрди, лекин ичкаридан ёпирилиб чиққан қора тутуну чарсиллаган учқунлардан чўчиб ортга қочишди.

– Бобожон! Бечора бобом! – дея додларди аёл оломон орасидан нажоткорни кўзлари билан излар экан.

Қўрқиб кетган қўшнилар худди устларига қишлоқ қўнғироқхонаси бостириб келгандек, даҳшат ичра тисланишди.

Худди шу пайтда аланга олган уй ичига уч нафар йигит – Каспорранинг ўғиллари отилиб кириб кетишди. Йигитлар бир зум бир-бирларига қарашди-ю, самандар янглиғ ўт ичига ташланишди. Улар курсида қотиб қолган чолни худди тахтида ўтирган авлиёдек бошлари узра кўтариб остонада пайдо бўлишганда, оломон ҳаяжондан гувиллаб кетди. Ака-укалар курсини ерга қўйишди-ю, яна тутун ичра кўздан йўқолишди.

– Тўхтанглар! Қаёққа? – дея қичқиришди қўшнилар.

Йигитлар жавоб ўрнида илжайишди, холос. Улар ўзлари билан ёвлашиб юрганларнинг жонига бирон нарса бўлса ҳам қутқаришмоқчи эди. Агар Рабосанинг неваралари шу ерда бўлганда, бу йигитлар ёнаётган уйга келишармиди? Аммо кекса, хаста чолни қутқариш керак эди, ҳимоясиз кишига ёрдам бериш – эркак кишининг бурчи-ку!

Йигитлар дўзах олови сингари ёнаётган уйга қайта-қайта киришар, қақир-қуқурларни олиб чиқишар, аланга тили кўтарилган жойга қўрқмасдан шўнғишиб, уст-бошларига қўнган чўпларни қоққанча ташқарига югуриб чиқишарди.

Мана, улар яна кўринишди. Оҳ, бу нимаси? Иккита ака кенжа укаларини қўлда кўтариб келишяпти! Шифтдан тушган хода йигитнинг оёғини босиб қолган экан.

– Курси келтиринг! Тез!

Эсдан оғган оломон чолнинг тагидаги курсини тортиб олиб, унга ярадорни ўтқазди.

Йигитчанинг сочлари куйиб, юзлари қурумдан қорайибди, аммо у жони оғриётганини атрофдагилардан яшириш учун кучаниб илжаяди. Кимнингдир титраган дағал қўллари йигитчага ёпишади:

– Ўғлим! Ўғилгинам! – дея инграйди Рабоса бобо нажоткори томон эмаклар экан.

Хижолат тортган йигитча ўзини ўнглашга улгурмай, чол ҳўнграганча ўзининг кемшик оғзи билан унинг бармоқларини ўпди.

Рабоса бобонинг уйи ёниб кул бўлди. Уйни янгидан қуриш учун келган тош теручилар пойдевор ўрнини шағалу қуюк ёғочлардан тозалашга киришганлари чоғ чолнинг неваралари уларни тўхтатишди. Энг аввало, лаънати деворни йўқотиш керак, дейишди-да, қўлларига кирка олиб, деворга биринчи зарбани ўзлари беришди.

Рус тилидан
Рисолат ҲАЙДАРОВА таржимаси



Висенте Бласко ИБАНЬЕС (1867–1928), испан адиби

XX аср испан адабиётининг улуғ намояндаларидан бири – Висенте Бласко Ибаньес 1867 йили Валенсияда туғилган. Юридик факультетни тугатиб, Мадридга кўчиб келган ва журналистика билан шуғулланган. «Апельсин боғларида» номли ҳикоялар туркуми (1900), «Ёввойи ўрдак» (1906), «Қон ва қум» (1908), «Бизнинг денгиз» (1918) каби романлари машҳур.

Павел СКОПИН (1902–1967) – Киров вилояти, Оричи туманидаги Савичи қишлоғида таваллуд топган. Урушдан сўнг Фарғонада яшаб, хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борган.

Елена СТЕМПКОВСКАЯ (1921–1942) – Минск вилоятидаги Мазуршчина қишлоғида туғилган. Урушгача Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги Боёвут қишлоғида яшаб, меҳнат қилган.

Қудрат СУЮНОВ (1919–1943) – Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги Ингичка қишлоғида таваллуд топган.

Қанилбой ТАСҚУЛОВ (1922–1989) – Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги Оқсоқота қишлоғида туғилган.

Мамадали ТОПИВОЛДИЕВ (1919–1969) – Фарғона вилояти, Риштон туманидаги Пандигон қишлоғида таваллуд топган.

Жўракул ТЎРАЕВ (1922–1998) – Жиззах вилояти, Жиззах туманида туғилган.

Александр ТРОШКОВ (1904–1946) – Беруний шаҳрида туғилган.

Сапар ХУШНАЗАРОВ (1906–1943) – Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридаги Ингичка қўрғонида туғилган.

Осмон ЁҚУБОВ (1911–1944) – Андижон вилояти, Шаҳрихон туманида таваллуд топган.

Қосим ЁҚУБОВ (1911–1954) – Қўқон шаҳрида туғилган.

Файзулла ЙЎЛДОШЕВ (1912–1991) – Қозоғистон Республикаси, Туркистон шаҳрида таваллуд топган. Урушдан кейин Наманган вилоятининг Ирвадан қишлоғида яшаб, халқ таълими соҳасида фаолият олиб борган.

Муҳамед ЗИАНГИРОВ (1923–1943) – Тошкент вилояти, Янгийўл туманида туғилган.

Ўринбой АБДУЛЛАЕВ (1912–1989) – Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида туғилган.

Самиғ АБДУЛЛАЕВ (1917–1998) – Тошкент шаҳрида туғилган.

Бурчаклардан бир-биримизни
Ёғоч милтиқ билан отамиз,
Биз билмаймиз:
Қай биримизнинг
Ўққа учди бу вақт отамиз.
Кўксимизни ушлаганча жим
Йиқиламиз,

Ўлган бўламиз,
Биз дунёда ростакам ўлим
Борлигини қайдан биламиз?!
Даҳшат солиб кезаркан у дам
Узоқларда жанг гулдуроси,
Бизнинг қишлоқ кўчасида ҳам
Янграр эди

Акси садоси.

* * *

Қуёш ботар,
Оқшом чўкар кўча-кўйга,
Тарқаламиз уй-уйга-ю, тепа тўйга,
Тун бошланар,
Менга чарчоқ билинмайди,

Кипригимга уйқу сира илинмайди.
Мурғак фикрим етаклайди хаёлларга,
Онам қўйнин тўлдираман саволларга.
«Айтинг, ая, менинг дадам қаҳрамонми?
Тоғларни ҳам қулатувчи паҳлавонми?
Тўппончаси борми унинг чўнтагида?
Орденлари жуда кўпми кўкрагида?

Менинг дадам самолётда учадими?
Осмонлардан парашютда тушадими?
Ўткир пўлат қиличини қўлга олиб,
Душманларнинг юрагига қўрқув солиб,
Катта жангга кирадими ёлғиз ўзи?
Елкасида ёнадими беш юлдузи?
Айтинг, дадам мени яхши кўрадими?

Келганида тойча олиб берадими?
Кўчаларда тойчоғимни етаклатиб,
Қўлларимдан ушлаб олиб юрадими?
Ўша кунлар тезроққина бўла қолсин,
Айтинг, дадам ҳаялламай кела қолсин».

44-йил.

Сентябрь тонги отди.
Мени чексиз қувонч билан бахт уйғотди.
Кўк жилдимда алифбе ва бир бурда нон,
Биринчи бор қадам қўйдим мактаб томон.
Ўйинлардан анча эрта тўйган эдим,
Китобларга барвақт ҳавас қўйган эдим.
Ёд билардим алифбенинг ҳарфларини,

Дунё қаро терга тушди... Дунё таҳликада... Бир қаро кунларни, коронғу кунларни яшаб ўтмоқда... Лекин тонг қанча яқин бўлса, тун янада коронғуроқ бўлишини эслатиб кетган бизга донишлар...

Инсон ўз нафси балоси қаршисига чиқди... оқибатлари қошига чиқди... ўз қалби ҳузурига бориб... ўзи билан юзлашмоқ... сўзлашмоқ куни келди...

Синовли кунлар... Лекин Худо қаршисида турган инсон учун ҳар дақиқа синов, ҳар нафас ғаниматдир... Унинг ҳикмати шу машаққат ичида яширинганини билади... Юртда қилинаётган барча ҳаракатлар, қатъий талаб ва интизом замирида инсон ва халқ, миллат ва мамлакат, умуман, курраи замин тақдири турганини балки ҳали ҳам ҳис қилмаётгандирмиз... Кўнглимдан дунё ўтиб кетиб боряпти... Ўзимни кўтаролмаяпман... Юрагим юкини... Дунёни-ку, инчунин... Тилимда бир сўз... бир дуо... Илоҳим, дардлар кетиб, Бахтлар келсин!..

Зебо МИРЗО

БАХТНИ ЧАҚИР...

Бахтни чақир!
Етса нафасинг...
Етмаса ҳам чин дилдан чақир!
Бу дунёда фақат "ҳозир" бор,
Бу дунёда "лаҳза" бор... ахир!
Шу лаҳзани яшаб ўтмоқлик,
Бизга, ахир, насиба – ҳаёт!
Ё абадга айлантирамиз,
Ё мангуга қиламиз барбод!
Ким айтади зулмат деб,
хор деб,
Ким айтади ёруғ дунёни?
Еру Кўкни "Ишқ!" деб биларди –
Ким
Мажнундай севса Лайлони!
Яратганнинг яралмиши – у,

Фақат унга қарама қасддан!
Бир қатим нур,
Бир қатла қайғу,
Қизғон уни балои нафсдан!
Сен ўзингни асра ҳазардан
Ва оламни ўзингдан асра!
Арши Курси,
Лавҳул Маҳфузни
Топтагувчи изингдан асра!

Ўз ўқидан
чиқиб кетмасдан,
Шу Заминни ўз ҳолига қўй!
Интиҳога келиб етмасдан,
Янграб турсин
Ҳаёт деган куй!

Битмасидан уммонлар буткул,
Балиқларин
чиритмай заҳар,
Ўрмонзорлар бўлмасидан кул,
Жонворларин қийратмай башар!..
Осмон томи –
Улуғ тоғларнинг
Тортқиланмай дафиналари,
Кўк асраган жаннат боғларин
Тугаб битмай хазиналари,
Бир-бирин еб
Одамзот насли,

Бир-бирини қириб битмасдан
Ва қалб деган Илоҳий чашма
Нафс комида қуриб битмасдан...
Қутқар!
Ичингдаги Руҳингни,
Руҳ нимадир – ичингдаги Ҳур!
Қутқар!
Ичингдаги Нуҳингни,
Қутқаради ичингдаги Нур!..
Қара!
Қандай бу шодиёна;
Кўклам ял-ял қўйлагин кийди!

О,Табиат – раҳмдил Она!
Фарзандларин ғамини ейди!..
Тонг.
Шуълалар оқади оппоқ,
Паривашдай
ўтар дарахтлар...
Борлиқнинг бор рангларига боқ!
Сачраб кетар дунёга бахтлар!..
Наби ётган...
тошлар каби бўл,
Тангри билан
бўлгин хилватда...

Деразангдан эниб келар гул...
Қушлар билан келар...
албатта!..
Сен ўзингни енганинг замон,
Енгилади
ҳар қандайин дард!
Дунё сенинг қўлингда ҳамон,
Дунёга сен
кераксан – Пок... Мард!
Қуёш кулиб чиқди кўксингдан,
Қўрқма!
Синдир – Зулмат қафасин!
Ишон!
Вақтни Абадиятга
Қайтаради Сенинг нафасинг!..
...Бахтни чақир!

2020 йил, 1 апрель

1

Момохолнинг тўйи бўладиган бўлиб қолди.

Ай, Момохолнинг кўнгли Эшимқулда эди-да.

2

Қош қорайганда аммасиникига борди Момохол.

Аммасининг боғи Эшимқулларнинг боғи билан туташ бўлди.

Аммасини ухлатиб боққа чиқди Момохол.

Аллақачон боғда бўлди Эшимқул.

Каримберди ТЎРАМУРОД

3

– Энди нима қиламиз, Момохол?

– Билмайман, Эшимқул, билмайман.

– Энангга айтмадингми, Момохол?

– Қайси тил билан айтаман, Эшимқул? Ўзинг-чи?

– «Шу пайтгача қайси гўрда эдинг?» деди энам. «Энди борганимиз ўлганимиз», деди. «Икки қишлоқди қонга ботирганинг қолади, Жўра қассоб қизини сенга барибир бермайди», деди энам. «Отангга айтмай қўя қолай, сен ҳам энди Момохолди унут, ичингдаги ичингда қолсин, бировга оғзингдан чиқарма», деди.

– Ҳа, отам мени сенга бермайди. Мендан кечар, энамдан кечар, аммо отам Тилов жўрасидан кечмас.

4

Жим-жим сўзлашдилар иккиси. Бир сўз демай сўзлашдилар.

– Наҳотки, бу кеча энг сўнгги кеча бўлса? – сўради Эшимқулнинг кўзлари.

– Қараб қолинг, менга тўйиб қолинг, – деди Момохолнинг кўзлари. – Мени эслаб қолинг. Ҳа, бу сўнгги кеча.

– Муҳаббатимиз тугайдими шу билан? – сўради Эшимқулнинг кўзлари.

– Муҳаббатимиз ўлсак тугайди, – деди Момохолнинг кўзлари.

– Унда қачон бирга бўламиз? – сўради Эшимқулнинг кўзлари.

– Қиёматда бирга бўламиз! – деди Момохолнинг кўзлари.

– Қўйиб юбормайман сени, – деди Эшимқулнинг қўллари.

– Алвидо! Энди сизнинг тафтингизда исиниш бизга ёт, – деди Момохолнинг қўллари.

– Қўйиб юбормайман сени, – деди Эшимқулнинг қўллари.

– Энди биз бегона бўлдик, – деди Момохолнинг сочлари. – Бу дунёда армон энди сизнинг силаб-сийпашларингиз.

5

Қуёш деганлари бунча шошқалоқ.

Бирпасда дунёни бир айланиб келди-қўйди.

Кетар бўлди Момохол.

Икки томчи ёш бўлди Момохолнинг кўзида.

– Мен нима қилай, Момохол?

– Тўйга борма, Эшимқул!

– Яна нима қилай, Момохол?

– Мени яхши кўрганингни бировга айтма, Эшимқул!

– Яна нима қилай, Момохол?

– Мени унутма, Эшимқул!

– Сени унутмайман, Момохол!

– Мен ҳам сени унутмайман, Эшимқул!

– Сени яхши кўрганимни бировга айтмайман, Момохол!

– Сени яхши кўрганимни мен ҳам бировга айтмайман, Эшимқул!

6

Момохолнинг тўйига бормади Эшимқул.

Момохолни яхши кўрганини бировга айтмади Эшимқул.

Эшимқулнинг Момохолни яхши кўрганини бировга айтмай дунёдан ўтиб кетди Эшимқулнинг энаси.

Эшимқулни яхши кўрганини бировга айтмади Момохол.

Момохол билан Эшимқулнинг сирини билган одам қолмади бу дунёда.

7

Эшимқулни яхши кўрганини бировга айтмай бешта туғди Момохол.

Эшимқулни яхши кўрганини бировга айтмай беш боласини уйли-жойли қилди Момохол.

Момохолни яхши кўрганини бировга айтмай уч ўғил уйлантирди Эшимқул.

Момохолни яхши кўрганини бировга айтмай уч қиз чиқарди Эшимқул.

Момохол бўлар жойларга бормади Эшимқул.

Эшимқул бўлар жойларга бормади Момохол.

Тасодиф учраштирган кезлари Момохолга бир сўз демади Эшимқул.

Тасодиф учраштирган кезлари Эшимқулнинг юзига боқмади Момохол.

Жим-жим сўзлашдилар ушмундай чоғларда.

Нигоҳлар пинҳона-пинҳона сўзлашдилар ушмундай чоғларда.

– Яхши юрибсанми, Момохол? – бўлди сўрови нигоҳларнинг.

– Шукур, бир нави, – бўлди жавоби нигоҳларнинг. – Ўзинг эсон-омонмисан, Эшимқул?

– Юрибман, тупроқни босиб. Тупроқ мени босиб қолмагунча сени ўйлайман, Момохол.

– Айб бўлади, Эшимқул, айб бўлади. Энди мундай дема-да.

– Ўзинг мени ўйламай қўйдингми, Момохол!

– Кўрадиган тушларимдан ўзим уяламан, Эшимқул. Нуқул тушимга аммамнинг боғи киради, Эшимқул.

– Аммангнинг боғига бор-да, бўлмаса, Момохол!

– Гапирма, Эшимқул, айнибсан. Энди бора қол, анави Гулсаранг кутиб кўзи тўрт бўлгандир?

– Рашк қилма-да, энди, Момохол.

– Нимасига рашк қиламан, Эшимқул? Сен уни яхши кўрмайсан-ку?

– Сени мен рашк қиламан, Момохол.

– Уят бўлди-ей, Эшимқул.

– Майли-да, Момохол.

Шунча гапни айтган Эшимқулнинг нигоҳлари Момохол томонга боқмайди.

Шунча гапни айтган Момохолнинг нигоҳлари ердан узилмайди.

Номаҳрам-да, энди Момохол.

Номаҳрам-да, энди Эшимқул.

8

Эшимқулни яхши кўрганини бировга айтмай чолини ерга топширди Момохол.

Момохолни яхши кўрганини бировга айтмай кампирини ерга қўйди Эшимқул.

– Кексайганда ёлғиз қолди, шўрлик, – деди ўзига ўзи Эшимқул.

– Ёши бир жойга борганда танмаҳрамсиз қолди, бечора, – деди ўзига ўзи Момохол.

Момохолдан ҳол сўрашга тил бўлмади Эшимқулда.

Эшимқулдан ҳол сўрашга бет бўлмади Момохолда.

Номаҳрам эди-да, энди Момохол.

Номаҳрам эди-да, энди Эшимқул.

9

Давлат кексаларнинг нафақасини оширди.

Икки баравар ошиб кетди Момохол момонинг нафақаси.

МАНГУ ДАРД

Ҳикоя

Сўради.

– Биров билан нима ишлариз бор? Борига шукур қилиб, давлат бергани олиб еявермайсизларми? – деди Дилмурод. – Сизлар олган нафақани олий маълумотли муаллимлар мактабда эртадан кечгача ишлаб ҳам ололмаяпти-ку!

Шукур қилишди. Жим бўлишди.

Момохол момо ҳам бир сўраган эди, Дилмурод терсроқ жавоб берди:

– Узумини енг-у, боғини сўраманг-да, момо!

Қайтиб сўрамади Момохол момо.

10

– Эшимқул бобонинг мазаси қочиб қолибди!

Бу гапни эшитгунча том босса бўлмасмиди Момохол момонинг қулоқларини?!

Ҳаловат қолдими Момохол момода? Ором қолдими Момохол момода?

– Бизларники ярим баравар ошди, – деди Розия ошпаз. – Момохол момоники икки баравар ошибди.

– Бундай бўлиши мумкинмас, – деди Ҳалима аттор. – Буни бир текшириб кўриш керак.

– Сизларга ўхшаб бир умр енгил иш қилмадим, – деди Момохол момо. – Эркаклар билан баб-баравар деққончилик қилдим. Бешта бола туғдим. Ҳаммасини ҳисобга олади-да давлат.

Етти йил оширилган нафақани олиб юрди Момохол момо.

Етти йил Ҳалима аттор билан Розия ошпазга ўхшаган момоларни «куйдириб юрди» Момохол момо.

Текшириб ҳам келди Ҳалима аттор.

– Бизларники билан бир хил экан, сал кўп-у, икки баравар эмаскан, – деди Ҳалима аттор.

– Бўлмаса, Дилмурод пўшта нимага Момохол момога бунча кўп пул беради? – сўради Розия ошпаз.

– Энди муни Дилмуроддан сўра!

– Сўрайманам!

Қани, бир бориб ҳол сўрашга журъати етса Момохол момонинг.

Қани, бирровгина кириб, «Мендан рози бўл, Эшимқул!» дейишга ўзида куч тополса Момохол момо.

Ҳалима аттор билан Розия ошпазга ўхшаган момолар бориб рози-ризочилик сўраб келишди Эшимқул бободан, аммо биргина Момохол момо боролмади у ерга.

Момохол момода бет бўлмади Эшимқул бобонинг уйига биргина киришга.

Тинчи йўқолди Момохол момонинг.

Борганлардан сўрайди Эшимқул бобонинг ҳолини.

– Аҳволи тузукмикан?

– Овқат еб турибдимикан?

– Болалари хабардор бўлиб туришибдимикан?

11

Бир ҳафта туз тотмади Эшимқул бобо.

Бир ҳафта кўзи эшикда бўлди Эшимқул бобонинг.

Бир ҳафта келган-кетганнинг ичидан бировни қидирди Эшимқул бобонинг кўзлари.

– Бировга ичиккан кўринади, – деди мулла Сафар бобо. – Келолмаган бирорта қариндошларингиз бўлса, чақиринглар!

Ҳамма қариндош келди ҳамки, кўзлари жойига тушмади Эшимқул бобонинг.

«Кампирини ахтарди», – дейишди момолар.

Эшикка термулиб жони узилди Эшимқул бобонинг.

Кўзида икки томчи ёш билан кетди Эшимқул бобо.

Кимни ахтарганини бировга айтмай дунёдан ўтди Эшимқул бобо.

Келинлари кўк кийди Эшимқул бобонинг.

Қизлари кўк кийди Эшимқул бобонинг.

12

Ҳеч кимга билдирмай қора кийди Момохол момо.

Ҳеч кимга билдирмай аза тутди Момохол момо.

Эшимқул бобонинг уйи тарафга қараб-қараб йиғлади Момохол момо.

Аммасининг боғига қараб-қараб йиғлади Момохол момо.

Кимга йиғлаганини бировга айтмади Момохол момо.

Кимга қора кийганини бировга айтмади Момохол момо.

13

– Момохол момонинг нафақасини камайтиришибди, – деди Ҳалима аттор.

– Нимага ундай қилишибди, биздан ортиқча олсаям, майлийди, ким камайтирибди? – сўради Розия ошпаз.

– Бунисини энди Дилмурод пўштадан сўрайсан.

Сўрашди.

– Биров билан нима ишларингиз бор-а? – деди Дилмурод. – Шу момойларни тушунмадим-да, бировга кўп берсанг ҳам кўнмайди, кам берсанг ҳам кўнмайди.

Сўрамас эди-ю, шу Розия ошпазнинг қистови билан сўради Момохол момо ҳам.

– Энди оширилган нафақанинг манбаси узилди, – деди Дилмурод. – Сиз ҳам борига шукур қилиб, эл қатори олаверасиз энди, момой.

– Сал тушунтириб гапир-да, болам? Манбаси деганинг қаер?

– Манбаси деганим сизга оширилган нафақани бериб турадиган одам эди. Ана шу одам кетди, момой.

– Яна топишмоқ қилиб гапирасан-а, болам. Ким эди у, айт-да, мундай!

– Бу давлат сири, айтиб бўлмайди, Момохол момо.

– Мениям сафарим қариган, болам, – кўзи ёшланди Момохол момонинг. – Айт, билиб кетай, менга ким шунча йил меҳрибонлик қилган экан.

Ўйда қолди Дилмурод.

Охири ёрилди Дилмурод.

– Бировга айтмайсан, деганди-ю, аммо анави гапингиз бошқача бўлди, момой, айтсам айтай. Етти йил давомида бир киши ўзининг нафақасини олмай, сизнинг нафақангизга қўшиб беришимни тайинлар эди. Етти йил икки кишининг нафақасини олиб юрдингиз. Ўзингиз ўйлаб топинг-чи, ким бўлиши мумкин шу одам? Аммо мен ҳали бундай мард одамни кўрмаганман. Бировга билдирмади. Менинг ҳам «Оғзимдан чиқармайман», деган ваъдамни олган эди.

Изиллаб йиғлайверди Момохол момо.

– Билдингиз-а, момо, кимлигини?

– Илоҳи, жойи жаннатда бўлсин! – дуо қилди Момохол момо. – Жойгинаси жаннатда бўлсин!

– Жойлари жаннатда бўлсин Эшимқул бобонинг, – деди Дилмурод.

14

Ай, муҳаббат ёшларда бўлади, деманг-да, ошна.

Муҳаббат кинода бўлади, деманг-да.

Муҳаббат китобда бўлади, деманг-да, энди.

Бобойларда муҳаббат нима қилади, деманг-да.

Момойларда муҳаббат нима қилади, деманг-да.

Ундай деманг-да, ошнажон, ҳеч ундай деманг!

Ундай десангиз, Эшимқул бобонинг руҳи чирқиллайди-я.

Ундай десангиз, ҳеч кимга билдирмай Жаласойнинг қабристонидаги Эшимқул бобонинг мозорига етти йилдан бери гул қўйиб келадиган Момохол момомиз иккимиздан ҳам хафа бўлади-да, ошна.

Йўқ, ундай деманг!

Тўхтасин БОБОЕВ (1923–2000) – Фарғона вилоятидаги Жонкетмон қишлоғида туғилган.

Махаш БОЛМАҲАМБЕТОВ (1914–1977) – Нукус шаҳарда туғилган.

Боис ЭРГАШЕВ (1921–2000) – Самарқанд шаҳрида туғилган.

Шариф ЭРГАШЕВ (1916–1978) – Бухоро вилояти, Пешку туманида туғилган.

Абдусаттор ЭШОНҚУЛОВ (1916–1997) – Тошкент шаҳрида туғилган.

Неъматжон ҲАКИМОВ (1924–1944) – Андижон шаҳрида туғилган.

Олим ҲАКИМОВ (1919–2003) – Бўстонлиқ туманидаги Бурчмулла қишлоғида туғилган.

Рем АБЗАЛОВ (1914–1983) – Тошкент шаҳрида туғилган.

Соли АДАШЕВ (1923–1984) – Наманган шаҳрида туғилган.

Турғун АҲМЕДОВ (1925–1944) – Мирзачўл шаҳарчаси (ҳозирги Гулистон шаҳри)да туғилган.

Ҳаллок АМИНОВ (1915–1994) – Бухоро вилояти, Шофиркон туманида туғилган.

Тўхтасин АҲМЕДОВ (1915–2000) – Фарғона вилояти, Риштон туманида туғилган.

Юрий БИКОВ (1923–1945.) – Бухоро вилоятидаги Қоракўл қишлоғида туғилган.

Тожиали БОБОЕВ (1908–1984) – Марғилон шаҳрида туғилган.

Ўқир эдим информбюро хабарини.
Жуман «почта» дадамдан хат келтирган кун
Катта байрам бўлар эди менинг учун.
Ўқир эдим юз ҳижжалаб, юз тутилиб,
Такрорлардим йиртилгунча хат титилиб.
Яйрар эдим маъносини уқарканман,
Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман.

Бу кун яна хат олганмиз,
Ажойиб хат,
Госпиталдан чиққан эмиш соғ-саломат,
Бошидаги жароҳати битган эмиш,
Ҳатто ўрни билинмасдан кетган эмиш.
Берлин томон тушар энди йўлим, дебди.

Хат сўнгида яхши ўқи, ўғлим, дебди.
Шу кун тунда уч чизиқли дафтаримга,
Оро бериб катта-катта ҳарфларимга,
Хира чироқ ёруғида кўз ишқалаб –
Дадамга хат ёзмоқ учун сурдим қалам:

«Дадажон!

Мен сизни жуда соғиндим.
Соғиндим иккала кўзим билан тенг.
Келиб қолармишсиз эртами-индин,
Аям шундай деди,
Ростми шу, айтинг?!
Дада,
У кун сизни тушимда кўрдим.

Оқ отда келдингиз,
Сўрадингиз сув.
Мен буни аямга гапириб бердим.
Даданг келади, деб айтди,
Ростми шу?..

Рустамнинг акаси урушдан қайтди,

Қўлтиқтаёғи бор,
Бир оёғи йўқ,
Рустам айтиб берди:
Атака пайти
Тиззасидан олиб кетган эмиш ўқ...
Хол ака қайтганди уйга тўсатдан,
Ўғли, дадажон, деб чопиб келибди.

Элужа ОТАЛИ,
озар адибаси

“КЕЧИККАН ЎЙИНЧОҚ”

Ҳикоялар
Муаллиф: *Элужа Отали*
“Лессон пресс” нашриёти
Тошкент – 2019

Болалар улғаяди. Ёшликдан эса фақатгина гўзал эсдаликлар қолади. Ана ўша хотиралар инсон қалбига беғуборлик ва бахтни такрор ва такрор ҳадя қилади. Ўзбекистонда ҳам ўз мухлисларига эга Озарбойжон адибаси Элужа Отали ушбу китобида болалар ўю кечинмаларини қаламга оларкан, уларгагина хос эркинлик, шўхчанлик, соддалик туйғулари ила китобхонларни-да сийлайди.

Озар адибасининг ушбу китоби ҳар бир катта инсоннинг кичиклар билан муносабатидаги ҳафсаласизликларини ҳам ўқувчиларга билдириб ўтади. Боланинг бегонаси бўлмагани каби, болалар ҳақида битилган неки сатр бор, ҳеч бир кишини тўлқинлантирмай қолмайди.

Элужа Отали ўз ҳикояларида “жажжи файласуфлар” билан ўзгача суҳбат қурар экан, ўзликни англашнинг катта сўқмоғиданги “йўловчи”ни ибтидога қайтишга ундайверади.

МУРҒАК ИЗТИРОБ

Ҳикоя

Отанур тонгда уйғонди. Май ойи қуёшининг заррин нурлари бирин-кетин деразадан ичкари кирарди. Отанур, одатда, бунчалик тез уйғонмасди. Кўзларига рухсатсиз кириб олган бу қуёш нурлари уни тезда уйғотиб юборди. Аввал кўрпачасини устидан олди, сўнгра ўрнидан туриб, бир ўнгга, бир чапга юра бошлади. Кўзларига ишонмади, ҳайратдан турган жойида бир зум қотиб қолди.

– Мен ёлғиз ўзим қолдимми?.. Ҳеч ким йўқку! Энди йиғлайман…

У қовоқларини солди. Ўзини йиғлаётгандек кўрсатишга ҳаракат қилдики, ростдан йиғлаяпти, деб ўйлаган холаси унинг овозини эшитиб ёнига келсин. Холаси келмаганидан сўнг овозини яна-да баландлатди.

– Жаҳлим чиқяпти, кўряпсизми, жаҳлим чиқяпти?

Овозига жавобан бошқа садо бўлмагани ва ёнига ҳеч ким келмагач, қизалоқ хоналардан холасини излашга киришди. Шкафни очиб қаради, китоб жавонининг эшигини ҳам очиб кўрди, стол устидаги дастурхонни олиб, унинг остини кўздан кечирди, ювиниш хонасининг олдидаги шкафни ҳам текширди. Ҳеч ким йўқ!

– Балки чиқиб соатнинг эшигини очишим керакдир. Э, йўқ, у баландда-ку.

Отанур атрофга қаради, кўзи курсига тушди.

– Ана, курсининг устига чиқиб қарайман.

Лекин тез фикридан қайтди.

– Йўқ, холам у ерга сиғмайди, ахир, у катта-ку.

Пастдан туриб юқоридаги эшикчаси бор соатни бир кўздан кечирди. Унга шундай тушлики, ҳар дақиқада соатнинг қопқоғи очилиши ва ундан “қидирув”да бўлган холаси чиқиб келиши мумкин. Кўзлари толиқиб кетган пайт соатнинг ёнидан нари кетди. Энди ростдан ҳам йиғлай бошлади. У энди кимнингдир эътиборини тортиш учун эмас, балки чиндан ёлғиз қолганини тушунганидан ўз ҳолига ачиниб йиғларди. Кўз ёш тўка-тўка келиб ҳовлидаги олма дарахтига суяниб қолди. Бутун вужуди билан қичқиришни бошлади. Олма дарахтидан эса йиғи овози эшитилмасди, у танасини бир титратди, илдизларига урилган сув уни уйқудан уйғотди.

– Бу нима ўзи? Уларнинг ёдига тушиб қолибманми? Тонг олисда бўлган, боғ уйғонмаган пайтда тоза ҳаводан нафас олганча мени келиб суғоришган кўринишади.

Олма дарахти сувнинг гавдасига оҳиста-оҳиста тегиб турганини кўриб сўзида давом этди:

– Ахир, бу ерда у қадар сахий дарё йўқ эди-ку!..

Такрор-такрор сув ичган олма дарахти ҳеч нарсага тушунмасдан яна гапира кетди:

– Вой, совуқдан музлаяпман! Қанчалар марҳаматлисиз! Бутун сувни менга ичиряпсиз!

Унга жавоб бўлмаганини кўргач, бирпас жим қолди ва бош чайқади. Шунда танасига суяниб турган қизчани кўриб бақира кетди:

– Сен қанақа боғбон бўлдинг? Ҳой, боғбон!

Тепадан келаётган овозларни эшитган қизча юқорига қаради. Уни чақирган олма дарахтига тикилиб қолди:

– Мен боғбонмасман!

– Ҳўш, унда кимсан?

– Мен Отанурман!

– Яхши, боғбонмассан, Отанурсан. Нима сен боғбон бўлмаганинг учун йиғлаяпсанми?

– Йўқ, боғбон ким ўзи?

– Қандай ғаройиб қизсан? Сабабини айтишниям истамайсан, фақат йиғлайсан. Ўзи нимага йиғлаяпсан?

– Холам кетди, мен эса бир ўзим қолдим.

– Ҳи-ҳи, одамлар жуда ғалати. Нимандир йўқотишлари билан йиғлашга тушишади. Мен йилига минглаб олма меваларимни йўқотаман, лекин ҳеч йиғламайман.

– Сизнинг холангиз борми?

– Йўқ!

– Лекин менинг холам бор эди…

Олма дарахти ўйлай бошлади. Қиз юқорига қараганча дарахтга маъсум-маъсум боқарди.

– Айт-чи, холанг қандай рангда эди? – сўради олма дарахти бирдан.

– Нимаси бу, қанақа ранг? – қиз ўзи маъносини тушунмаган саволдан ҳайрон бўлди.

– Сариқ, қирмизи… Ёки оқ… Нега оқ бўлмасин?

– Сиз ҳеч нарсани тушунмаяпсиз!

– Майли, майли, – олма дарахти уни юпатишга ҳаракат қилди.

– Сиз нега рангларни санаяпсиз?

– Масалан, олмалар қирмизи бўлади, баъзида сариқ, баъзан эса оқ… Топдим…

– Нимани топдингиз? – Отанур севиниб дарахтдан сўради.

– Балки холанг яшилдир.

– Сиз ҳеч нарсани тушунмаяпсиз, тушунмаяпсииз…

– Майли, майли. Қичқириб бутун дунёни бошингга кўтарма.

– Менинг холам олмамас!

– Унда нима?

– Одам, менинг холам ооо-дам.

– Яхши, одам. Унда одамларнинг ранги бўлмайдими?

Қиз бош чайқади.

– Агар холангнинг ранги бўлмаса, унда уни қандай қидирасан?

Қиз елкаларини бир силкиб қўйди. Ростдан ҳам нега бу ҳақида ҳозиргача ҳеч ўйлаб кўрмаган экан?

– Мисол учун, менинг шохларимдан бирор мевам йўқолгудек бўлса, мен уни топиш учун қушларга мурожаат қиламан ва уларга унинг рангини айтаман…

Қиз ўйлай бошлади.

– Менинг холам ранглимасди, лекин у бор эди.

– Шошма!

Отанур йиғидан тўхтади.

– Сен холам бор эди, деяпсан…

– Ҳа!

– Қачон?

– Кечқурун бор эди, бирга ухладик. Тонгда уйғонганда билдим, ғойиб бўлибди.

– Балки кимдир уни еб қўйгандир?

– Сиз ниманидир биласизми ўзи, тушунасизми? – Отанур бор овози билан бақирди.

– Нимаси ғалати?

– Холам олмамас-ку, кимдир еб қўйса. У инсон, одам, ахир.

– Ҳаа… Кимдир емаган бўлса, топилади.

– Сиз буни тушунмайсиз, мен холамсиз яшаёлмайман, – яна йиғлашга тушди Отанур.

Қиз қўллари билан кўзларини ишқалай-ишқалай йиғлар ва олма дарахтига савол берарди:

– Сиз холасиз қолиш қандай бўлишини биласизми?

– Йўқ, билмайман.

– Ёлғиз қолиш, ҳеч киминг йўқ бўлса…

– Биласанми, менинг ҳам ҳеч кимим йўқ.

– Биламан, – Отанур йиғини бас қилиб унга диққат билан қаради.

Олма дарахти марҳаматли, мулойим бир товушда қизчага таклиф билдирди:

– Сен ҳар доим менинг ёнимда қолишинг мумкин.

– Бу ердами? – Отанур бармоғи билан оёғининг остини кўрсатди.

– Ҳа, шу ерда, – олма дарахти жавоб қайтарди.

Қизалоқ оёқларини билан ерни бир икки депсалади.

– Шу ердами?

– Тўхта, сен менинг нозик илдизларимга зарар беряпсан.

– Илдизлар? Мен ҳеч нарсани кўрмаяпман.

– Тупроқнинг остида улар, кўзга кўринмайдилар.

– Вой, кечирасиз.

– Унда чиқиб шохимда ўтирасан.

– Йўқ, истамайман.

– Яхши, яхши. Фақат йиғламагин. Кел, ўйлаймиз. Сенга қандай ёрдам бера оламан? – дея олма дарахти жим қолди.

Ҳар доим эркалик қилишга ўрганиб қолган қизалоқ олма дарахтининг унга кўрсатаётган марҳаматидан фойдаланиб қолишга қарор қилди. Олма дарахтига юзланганча сўради:

– Топдингизми?

– Ҳали эмас.

– Тезроқ бўлинг, холамни топиш учун бирор нарса ўйлаб топинг. Агар топмасангиз, тополмасангиз, унда мен йиғлайман! – шундай деб оёқлари билан ерни калтаклади қизалоқ.

– Секинроқ, нега илдизларимга озор беряпсан? Мана, топдим…

Олма дарахти ўзининг шохларига уя қурган қушчаларни чақира бошлади:

– Қора қўйлакли, оқ холли чуғурчуқлар! – деб уларни аввалига мақтаб қўйди, лекин ҳеч қандай жавоб келмагач: “Бу ерда кимдир борми?” – деб сўради.

– Ҳа, нима бўлди, топдингизми? – қизча қайтадан сўради.

– Ҳеч ким жавоб қайтармади.

– Баландроқ чақиринг, сизни яхшироқ эшитсинлар.

Олма дарахти бор овози билан чақирди:

– Эҳе-ҳееей, бу ерда кимдир борми?

Уч-тўрт марта чақиргандан кейин уяларидан қушчалар бошларини аста чиқардилар.

– Сенинг шохларингга уя қуриб, гуноҳ қилган кўринамиз, – қушлар бирин-кетин эътироз билдира бошлашди.

– Нега уйқумизни бузасан?

– Куннинг бу вақтида қайси қуш уйғоқ бўлар экан?

Улар уяларидан бир-бир чиқиб бутоқларда ўтиришди. Қанотларини кенг очиб эснаб қўйишди.

– Жимгина ухлайдиган вақтмас ҳозир, бизга сизнинг ёрдамингиз керак.

– Сенга ёрдам берайликми?

– Менгамас, мана шу қизалоқ ёрдамга муҳтож.

– Қандай ёрдам бера оламиз қизалоққа? – ҳали ҳам уйқусираётган қушлар чинқира бошлашди.

– Бу қиз холасини йўқотиб қўйди. Сиз учинг, баландлаб учинг ва билинг, унинг холаси ҳозир қаерда экан? Топиб, олиб ҳам келинг. Ёрдамингиз эвазига мен сизларга жуда кўп олма бераман.

Чуғурчуқлар бошларини ерга эгишди. Қиз қушчаларнинг уяси томон боқди. Унинг толеи, яна холаси қайта кўриш орзусининг рўёби, яна бирга яшашлари энди тамоман шу уяларда яшайдиган қушчаларга боғлиқ. Чуғурчуқлар ҳам қизчага боққанча сўз қотдилар:

– Эй, олма дарахти. Биз бундай иш қилмаймиз, албатта. Қизалоқ, қўрқма, холангни-ку топамиз. Аммо бунинг эвазига ҳеч нарса истамаймиз.

– Унда шошилинг, қанотчалар! – уларни олқишлаб қўйди олма дарахти.

– Агар шошилмасангиз, яна йиғлайман… – қизча қушларни ўзича қўрқитган бўлди.

Бу гал у қушчаларнинг мурувватидан фойдаланиб эрталабдан буён йиғилиб қолган эркаликларини уларга қилмоқчи эди. Ахир, ҳар тонг уйғонганда холасига роса харҳаша қиларди. Қушчалар эса ўзлари илк марта кўриб турган қизалоқнинг эркаликлари на ерга, на кўкка сиғмаслигини изоҳлаёлмай сўзлай бошладилар:

– Сен кўп йиғлаганинг учун холанг қочиб кетгандир балки. Холангнинг қочиб кетишига ўзинг айбдордирсан.

– Яхши, яхши, қизни кўп хафа қилманг. Сиздан мен илтимос қиламан, боринг ва унинг холасини топинг! – буюрди олма дарахти.

Қушлар қанотларини кенг ёзиб, учиб кетишди. Улар боғнинг кенг осмонини бир марта тўлиқ айланиб чиқишди. Дарё бўйида, боғдаги толлар яқинидаги панжаралар ёнида бир аёл кетиб борарди. У ўз саватига фақат оппоқ гулларни йиққан эди. Она чуғурчуқ бор кучини тўплаб, аёлга яқин бўлган тол дарахтининг пастроқ шохига қўнди.

– Вой-вой, – дея ўзига келди қушча.

Аёл гулларга эгилган бошини аста юқори кўтарди.

– Сиз Отанурнинг холасимисиз? – сўради чуғурчуқ.

– Ҳа!

– У ҳуув анов ерда – олма дарахтининг ёнида турибди.

– Олма дарахтининг? У ерда нима қиляпти?

Чуғурчуқлар бир овоздан дейишди:

– Йиғлаяпти, холамни топмагунингизча йиғлайвераман, деяпти.

– Йиғлаяпти?

Сўзини тугатган она чуғурчуқ бу ерда узоқ қолмай олма дарахтидан суюнчи олишга шошди. Бошига оппоқ мойчечаклардан гулчамбар таққан хола олма дарахтининг ёнига кўп ўтмай етиб келди. Жингалак сочлари гулчамбардан унчалик ҳам қолишмайдиган қизалоқ холасини қучоқлаб олди. У бармоғи билан кўрсатиб:

– Олма дарахтини кўряпсизми? – дея савол берди.

Холаси аста бош иргади.

– Унинг холаси йўқ экан.

Отанурнинг холаси кулимсираб жавоб берди:

– Дарахтларнинг холаси бўлмайди-да…

– Сиз энди унинг ҳам холаси бўласиз-а?

– Йўқ, унга хола бўлолмайман.

– Нега? Сиздан жаҳлим чиқди. Кўрмаяпсизми, ахир, у ўзи ёлғиз?!

– Агар мен унинг ҳам холаси бўлсам, унда доим шу ерда яшашим керак, – хола қўлини дарахтнинг танасига текизди.

– Йўўўқ,– қиз бор овози билан бақириб яна унинг бўйнига осилди: – энди сизни ҳеч қаерга қўйиб юбормайман!

Озар тилидан
Моҳидил АБДУЛЛАЕВА таржимаси

Мўйидин ҲАСАНОВ (1917–1947) – Фарғона вилояти, Қува туманида туғилган.



Эшонқул ИСМОИЛОВ (1902–1990) – Жиззах қилояти, Ғаллаорол туманида туғилган.

Егор ИВАНИН (1918–1979) – Тюмень вилоятида туғилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Жиззах шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

Юрий ИВЛИЕВ (1923–1945) – Тошкент шаҳрида туғилган.

Камол ЖАМОЛОВ (1920–1977) – Бухоро вилояти, Бухоро туманида туғилган.

Ўрозбой ЖУМАНИЁЗОВ (1924–1943 йилда бедарак йўқолган) – Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида туғилган.

Виктор КАНАРЁВ (1907–1965) – Қўқон шаҳрида туғилган.

Иван ГНИЛОМЁДОВ (1919–1987) – Бузулук шаҳрида таваллуд топган. Урушгача Тошкент шаҳрида истиқомат қилган.

Ота қучай деса қўли йўқ экан,
Тик турган жойида йиғлайверибди.
Дарсга келмай қолди
Тунов кун Талъат,
Муаллим уришса, тураверди жим.
Дадасидан келган экан қорахат.
Ҳаммамиз йиғладик,

Семён ГЕЛЬФЕРГ (1924–1943) – Одесса шаҳрида таваллуд топган. Урушгача Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

Ҳатто муаллим...
Дадажон!
Сизга ўқ тегмасин ҳечам,
Мен учун ҳам тезроқ қайтинг саломат,
Бувим айтган,
Агар мен тилак қилсам,
Тилагим бўлармиш доим ижобат.

Ефим ВОИНШЕН (1920–1982) – Киев вилояти, Черкас шаҳарчасида таваллуд топган. Урушгача Тошкент шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

Рост айтаман,
Сизни жуда соғиндим,
Соғиндим иккала кўзим билан тенг,
Келиб қоласизми, эртами-индин?
Кутаман,
Дадажон,
албатта, келинг».

Вольфас ВИЛЕНСКИС (1919–1992) – Каунас шаҳрида таваллуд топган. Урушдан олдин Тошкент темир йўллари Урсатьев станциясида меҳнат қилган.

Ҳижрон кечалари ғоятда узун,
Айрилиқ йўллари олис ниҳоят.
Кўчага чиқаман юз бора ҳар кун,
Кўзларим нигорон,
Келармикан хат?
Тонгда турганда ҳам,

Николай ВОЛКОВ (1913–1944) – Владимирь вилояти, Меленковск туманида таваллуд топган. Урушгача Самарқанд шаҳрида яшаб, муҳандислар-механика заводида ишлаган.

Кун ботганда ҳам,
Ҳатто кечалари қилолмай тоқат,
Эшикка қарайман,
Чекаман алам.
Интизор бўламан,
Келармикан хат?
Мен қайдан билибман,

Дмитрий ВАСИЛЬЕВ (1904–1944) – Челябинск вилояти, Қизил туманида таваллуд топган. 1932 йилдан Самарқанд вилояти, Пахтакор туманида яшаб, меҳнат қилган.

Йўл босар экан
Менинг мурғак хатим бекатма-бекат.

У ёқдан,
Худди у борар манзилдан
Йўлга чиққан эди машъум қорахат.

Ғулом КАРИМОВ (1918– 2014) – Тошкент вилоятидаги Ёнариқ қишлоғида туғилган.

Қош, кўзларинг отанга ўхшар,
Дейишади билганлар доим.
Сўнг хўрсиниб қўшиб қўйишар:
Ўхшамасин умринг, илойим.
Отам тутган машъални ушлаб,
Ўша йўлдан бораман мен ҳам.

Шоир, публицист, таржимон, шифокор Офоқ Шихли 1969 йил 25 июнда Озарбойжоннинг Боқу шаҳрида зиёли оилада туғилган. 1990 йилда Н.Нариманов номидаги Озарбойжон Тиббиёт институтини, 2018 йилда М.Горький номидаги Москва Адабиёт институтининг Олий Адабиёт курсини тамомлаган.

Евросиё (2012) ва Озарбойжон (2014) Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси. "Нижат" – Озарбойжон меросини қайта тиклаш жамиятининг асосчиси ва ҳамраҳбари (2015), Озарбойжон Ёзувчилар Уюшмасининг Москва бўлими котиби (2018).

Офоқ Шихлининг асарлари дунёнинг бир қатор тилларига таржима қилинган. Шеърлари, ҳикоялари, таржималари Озарбойжон, Туркия, Россия, Япония, Олмония, Латвия, Қозоғистон каби давлатларнинг, шу билан бирга, юртимизнинг қатор етакчи нашрларида эълон қилинган.

"Қалбимнинг айтганлари", "Мендан узоқда", "Умримнинг фасли", "Еттидан бири. Бадиий таржималар", "Ғурбат шамоллари", "Апрелдаги қор" каби кўплаб китоблари нашр этилган.

Мовий рангдир, мовий рангдир, мовий рангдир...

***

Мовий кеча,
мовий осмон,
мовий дарё...
Мовийланган япроқлардан тушар шивир
Ва нафаси сиқилмайди ҳаволарнинг.
Соҳил бўйи денгизларда уйғоқ долға –
тўлқин-тўлқин.
Самоларнинг
ташна қолган лабларига лаб босади –
мовий ёлқин...

Бутун олам ва бу оқшом,
Қанча гўзал, қанча сулув,
дилим – тангдир.
Сокин эсган шамоллар ҳам,
Тун ишқига ҳамоҳангдир.
Дилимдаги орзу эса
дунё каби
мовий рангдир,
мовий рангдир,
мовий рангдир...

***

Қўрқаман,
Ёлғонлар мени парчалар,
Истамам, ҳеч нега ишонмоқликни.
Қўрқаман,
Тушларда – бахт бор бўлса гар,
Хоҳламай яшайман уйғонмоқликни...

Қўрқаман,
Совуқ қиш. Азоблар битган –
Офтобни қидириб, балки толарман.
Қўрқаман,
Ҳақсизлик – ҳаёт бўлса гар,
Ўлим ҳақ бўлса ҳам унда қоларман...

Қўрқаман,
Йиғлашни билмаган онам,
Қабрим қучиб тўкса ул икки кўзни.
Қўрқаман,
Кўксимда кўкармай Ватан,
Гар жонсиз топширсам Худога ўзни...

ОТАМГА

Худди аввалгидайин
Истайдирман яна мен,
Сенга сурат жўнатмоқ
Ё кўнғироқ қилмоқни.
Ёки сендан бир хабар,
Ё шунчаки бирон сўз –
Кўрмоқни, эшитмоқни...

Афсус...
Энди хат ёзиб,
Жавоб кўзламоқлик йўқ.
Телефон гўшагига –
"Отажон" демоқлик йўқ...

Минглаб овоз ичидан,
Топмадим, қидирмай минг,
Отам овози қани?
Қайга қилай қўнғироқ,
Айтгин, ахир, Худойим?
Борми?
Бўлса нечадир
У дунёнинг рақами?!

***

Мен
кўзи зор бир денгизнинг авлодиман,
Селга тўлиб қайтадирман ҳали бир кун.
Шундай кунлар келар албат пок ва гўзал,
Гулга тўлиб қайтадирман ҳали бир кун...

Мен
офтоби минг чечакка мадор берган,
Ташрифидан тор этаман аёзларни,
"Эрта-индин" дея ўзин оқлаб юрган –
Ватан деган паст ва ҳорғин овозларни.

Бир он бўлсин тинч қўймаган хаёлимни,
Юрагимнинг оғриқ номли юлдузи бор.
Тўлқин-тўлқин мавжлар урган денгизимнинг,
Кўксим узра "ҳасрат" деган чўнг изи бор...

Асрайдирман,
Куйлаб мангу муҳаббатни,
Дилимдаги ифори хуш гулимдайин.
Меҳримдан тор бу дунёни айландим минг –
Эл кездиму эл топмадим элимдайин.

Бир билганим,
сочларимни силаган ел,
балки қолиб кетганмикан тузоқларда.
Ҳаёт бордир,
кулиш бордир,
шодлик бордир,
Фақат мендан олисларда, узоқларда.

Бир билганим,
менга мангу вафо истар,
соҳилида қолиб кетган ҳур изим бор.
Эй, аёзлар,
эй, бўронлар,
тоғлар, қочинг,
йўлдан қўйманг, мени кутар денгизим бор...

***

Ўзини ўзимга ўхшатганим рост,
Қош-қулоқ, сочлари узунлигидан.
Сўзини сўзимга ўхшатганим рост,
Ёзган мисралари ҳузнлигидан.
Ўйлайман,
Менга ҳам ўхшаган бордир,
У – эркак, мен эса аёл бўлсам-да.
У ватанда Қорабоғсиз яшайди,
Мен ғурбатда юртсиз ожиз қолсам-да.
Хаёлпараст эдик,
Мен ҳамда
У ҳам.
Бир гўзал сўз учун ёнаётган дам...
Бизни сўйсалар-да Насимий каби,
Айтдик ҳақиқатнинг мангу сўзини.

Фақат фарқимиз:
Мен
кўниб яшайман,
У эса ўтларда ёқиб ўзини...

"ВАТАН" СИМФОНИЯСИ

Эй, авлоди дарбадар,
тупроқлари ямоқ-ямоқ,
Орзулари парча-парча бўлган ватан.
Кўзи йўлда
умидлари манзил излаб
сўлган ватан!

Оғриқларинг бунча ҳадсиз,
Яраларинг бунча теран,
Қайда қолди эр йигитлар –
Паҳлавонлар?
Кўзёшларда унган дарди,
Юзларида оққан маъдан,
Қайда қолди ҳур қизларинг –
Хаста жонлар?

Онам менинг –
Эй, диёрим!
Тақдирсизим,
Сенинг улкан юрагингда
Ҳар бир шаҳид авлодининг минг фиғони бор,
Тўкилади титраб-титраб...

Озарбойжон –
Онасини асрамасдан ўғилларни туғган ватан,
Азоблари аримасдан бўғзини ҳам бўғган ватан!
Озарбойжон –
эй, авлоди дарбадар,
тупроқлари ямоқ-ямоқ,
орзулари парча-парча бўлган ватан...

***

Дийдорингга етмоқ истайман, менинг Бокуйим,
Гўзал шаҳар,
Ёшлигимнинг чин ёдгори.
Бир истагим: қайтсам қани айни саҳар,
Тарк қилсайдим қор-бўронли бу диёрни...

Ёлғиз ўзинг –
Илк севинчим,
Илк азобим!
Бир сўз ёздим, чиндан қўрқмас андиша,
Бағрингдаги унут эмас сирли хобим –
Мен бир сени ўйлаганман ишон ҳамиша:
Ғурбат, дилим минг жойидан бўлганда ҳам,
Ҳасратларим қучоғимга тўланда ҳам.
Сени йўқлаб боражакман,
Сўнгги дамда –
Сўнгги истак бўлажаксан ўланда ҳам...

***

Баъзи пайтлар
Ё пайтларнинг баъзисида
Зерикишдан қилганча ҳазар,
Сукунатни Худо деб билган
Тўрт деворга соласан назар...
Баъзи пайтлар,
Қани, бир жой бўлса, олиб кетсанг бош,
Ичингда жимликдан тугаса бардош.
Баъзи пайтлар
Кетасан кесак ё тош чиқмаса ҳам,
Йиқилишинг мумкин тўғри йўлда ҳам.
Ҳақсизликлар чарчатмас сени,
Чарчатганча исёнли ўйлар,
Чиқмайдирсан уйдан ташқари...
Биров сени елкаламоқ истар, балки
Умидларинг бари пучдир
Ва кимнидир соғинарсан...
Аммо яна
Қайта-қайта умидларга сиғинарсан...
Ҳаёт сенга қучоқ очиб чорлар токи,
Тинч яшатмас қисмат, бироқ
Сен ҳам ёниб-ёқиларсан...

Озар тилидан
Раҳмат БОБОЖОН таржимаси

ГАЗЕТЧИ ГАБО

Роберто БОЛАНЬО,
Чили ёзувчиси ва шоири

Агар Маркеснинг тасаввури ҳамон тирик бўлганидайди, у анча сиқилган, бизнинг тор дунёмизга сиғмай қийналган бўларди. Тубсиз ноғоралардек шишган, пўртахол исли сўзларга тўла, ҳаволарни кесиб, шамолларни эркалаб учган хаёлни кўз олдингизга келтиринг. Ва яна тўрт томони денгиз билан ўралган оролнинг хотирасини йўқотган халқини ҳам. Энди ўша халққа ижтимоий тармоқда ўзига "фолловер" йиғиш илинжидаги капитаннинг ўтказган зуғумларини ҳам тасаввур қилиб кўринг... Ҳа, бу ўта зерикарли ҳолат...

Маркес романларида қадим асотирларга, реалликни тасаввур кучига қўшиб ғаройиб полотно, тўғрироғи, гилам тўқийди ва бу сўз гиламида мўъжизалар мамлакати бўлмиш Колумбияни рамзлар орқали тасвирлаган ҳолда модернизм билан бирлашган оммавий воқеликни тасвирлайди. Дарҳақиқат, бу доҳиёна маҳорат меваси эди. У шу гилами билан сиёсий талотўпларга қарши чиқади, Лотин Америкаси шахсиятини топишга уринган ҳикоятлари сабаб эса унга 1982 йилда Адабиёт соҳасида Нобель мукофоти топширилади. Албатта, булар кўп тақрорланган гаплар, аммо ўзингиз айтинг, бизнинг Габо бунга арзимайдими?

Нобель олгач ҳам ўз беғуборлигини сақлаб қолган руҳият... Узр, хато қилдим. Маркес даҳоси олдида ҳар қандай мукофот арзимас туюлади. Ахир, биз кундалик ҳаётимизда ўлгудек исроф қиладиганимиз сўзлардан дурдона яратмоқ ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. У эса ана шундай танланганлардан эди.

Маркес ўзи туғилиб ўсган шаҳарча Аркатакадаги илк газета бўлмиш "El Comprimido"ни чиқарганда ўн икки ёшли ўспирин эди. Газета фақат олти кун чиқди, холос, аммо Маркеснинг газетчилик фаолияти яна ўн йилларга чўзилди. Адиб журналистик фаолиятини 1950 йиллар бошида мухбир ўлароқ бошлади ва унинг илк иш жойи Колумбиянинг энг оммабоп нашрларидан саналмиш "Шиддат" газетаси эди. Қизиғи, бу пайтларда мамлакатни фуқаролар уруши ўз домига тортганди.

Ҳарбий давлат тўнтарилишлари, диктаторлар, бетизгин қўзғолонлар ва уюштирилган этник жанглар... Бу қитъанинг манглайидаги шўр битикларни ёзиш ёзувчи учун оғир эди, бироқ ижодкорни қайғу тарбиялайди, деган гап Маркес ижодида ўз исботини топди. У ҳаммасини қайтадан ёзишга киришди.

Колумбияда кенг томир ёйган оммавий ахборот воситаларига аралашмай туриб ўзини тиклаб олган кўплаб хабар агентликларидан бири бўлмиш "La Silla Vacia"да раҳбар бўлиб бўлиб ишлаган Хуанита Леоннинг айтишича, Маркес журналист дегани бир жойда қотиб ўтириши эмас, асаларидек, керак бўлса, чивиндек тиним билмай ишлаши, айланиб, ҳар қандай воқеадан ҳам янгилик, ҳам даъват, ҳам яхшилик топишга интилиши керак, дея кўп таъкидларкан.

Леон Маркес асос солган Журналистика олий мактабида таҳсил олган ва у ёзувчининг шахсан ўзи ўқиган репортёрликка оид маърузаларида қатнашган камдан кам журналистлардан бири саналади. Негаки Маркес ўзи қурган олий мактабда дарс ўтишга кўп ҳам вақт тополмасди. У ўрганиши, фикрлаши, саёҳат қилиши ва охирида, энг қийини – ёзиши керак эди.

Бугунгача журналистикада Маркес яратиб кетган ҳиндулар солномаси услуби Лотин Америкаси газетчилари орасида энг оммабоп услуб саналади. Бунда репортёр ишга камдан кам келади, расмиятчиликдан воз кечади, ўзига кўча одами кўринишини бериб профессионал изланишга тушади, бироқ халқдан ҳеч қачон узилмайди. Ёзган мақолаларида бадииятни сақлаб қолгани ҳолда ёлғон аралаштирмай, қизиқарли қилиб ёза олиш қобилиятига эга бўлади. Ҳиндулар солномаси – америкаликларга Американинг қандай мамлакат эканини кўрсатолган ноёб манбалардан саналарди. Ҳозиргача шундай.

Мазкур солномалар ғаройиб қочиримлар, турмуш тарзининг оддий, бироқ сирли тарафларини очиб бера олиш ва кашф этиш қудратига эгалиги билан ажралиб турар, уларнинг ичида, масалан, сиёсий жараёнлар, сайловлар ҳақида гап кета туриб, халқ оғзаки ижодидан латифалар ҳам шундоққина қўшилиб кетиши мумкин эди. Маркес шу йўл билан халқ ва оломон, давлат ва ватан ўртасидаги нозик фарқни моҳирлик билан фош қилган.

Колумбиялик журналист Мариа Химена Дузан солнома шаклидаги репортажларнинг аслида хроникага яқинлигини айтади ва гапига шундай қўшимча қилади: "Америкаликлар тор ва собит анъаналарга чидаб яшайдиган англосаксонларга ўхшашмайди. Солномаларнинг ранги бор, ўз ҳиди бор, туйғуси бор! Улар, аслида, шунчаки мақола эмас, балки пардозланган ҳикоялар саналади. Ва бизнинг газетчи Габо бу ишни, ҳинду солномаларини яратишни жуда яхши биларди."

Ҳақиқатнинг нархи ахборот бозорида мисли кўрилмаган даражада тушиб кетган давр... Бундай пайтда ҳам ёлғонсиз, ҳам таркибида тўқималар қоришиб кетган мақолалар жамиятга сув ва ҳаводек керак эди. Шунинг учун бўлса керак, америкалик журналист ва газетхонлар Маркес мақолаларига доим мурожаат қилишади, кўзларига суртиб ўқиб-ўрганишади. Маркес ўз репортёрлик фаолияти ҳақида шундай дейди: "Янгилик ҳеч қачон янги бўлмайди. Ҳар қандай ҳодиса аввалдан, балки минг йиллар аввалдан ривожланиб келган бўлади. Ҳатто оддий кўча жангининг тарихи уч аср аввалга бориб тақалиши мумкин. Дейлик, жанг қилаётганларнинг оталари душмандир, бири қул авлоди, бири бой хонадон боласи... Булар ҳақида шунчаки нимадир ёзиб қўйиш жиноят. Тарих доим ҳақ, гарчи уни ёлғончи ва ғирромчилар булғаган бўлишса-да. Илдизсиз масала бўлмайди. Илдиз эса халқ афсоналарида, асотирларида яширин. Мен шуни тушуниб қолдим, холос."

"Маркеснинг репортёрлиги унинг ҳаётга некбин қараши, воқелик ва хаёлий борлиқни бирдек тадқиқ қилиши ва мислсиз истеъдоддан сув ичиб юксалди, бироқ Устод баъзида ўзлигини газета саҳифаларига бой бериб қўяётганидан ўксинарди", – дейди Леон. "Бир марта Маркеснинг олий мактаби томонидан Мехикога жўнатилдим ва менга ўша ердаги меҳмонхонадан жой қилиб беришди. Журналист Ричард Капучинский ҳам ўша ерда, Маркес билан бирга экан. Уларнинг суҳбатига қулоқ тутдим. Ишонасизми, икки репортёр қадимги ҳикоятлар ҳақида худди мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳақида мулоҳаза юритаётгандек жиддий гурунглашишарди."

Ҳа, чиндан шундай бўлганди ва Маркес суҳбатни шундай якунлайди: " Агар ҳақиқатни тасвирлаётган бўлсангиз, унга бир томчи кўзёш қўшинг. Бунинг қийин жойи йўқ. Ҳақиқатни айта туриб, албатта, нималардир тўқишга мажбурмиз, бироқ журналист услубни бошқа журналистдан эмас, яхшиси, эртакларни севувчи ёзувчидан ўрганиши керак".

Мирзоҳид МУЗАФФАР
таржимаси

Кирилл ГРИШКО (1909–1945) – Запорожец вилоятидаги Водяное қишлоғида таваллуд топган. 30-йилларда Тошкент шаҳрида истиқомат қилган.

Иван ГРИНЬКО (1922–1989) – Молдавия шаҳри, Актюбин вилоятидаги Кузнецова қишлоғида таваллуд топган. 1934 йилда Тошкент вилояти Майский қишлоғида истиқомат қилган.

Иван ГРИГОРОВ (1914–1982) – Воронеж вилояти, Тальск Чемлик қишлоғида таваллуд топган. 30-йилларнинг бошида Ўзбекистонга кўчиб келиб, урушгача шу ерда меҳнат қилган.

Дмитрий ГРЕЧУШКИН (1921–1943) – Оренбург вилояти Сорочин тумани Толкаев қишлоғида таваллуд топган. Урушгача Тошкент шаҳрида яшаб, таҳсил олган.

Игор ДОЛЖЕНКОВ (1914–1980) – Тошкентда туғилган.

Юрий ДОЛЖАНСКИЙ (1923–1943) – Украинанинг Кривой Рог шаҳрида туғилган. Урушдан олдин Наманган вилоятида яшаган ва таҳсил олган.

Алексей ГОЛУБЕНКО (1923–2001) – Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

№ 6-7 (320-321) 2020 йил 13 май Kitob dunyosi

Ташкенбай АБДУРАШИДОВ (1919) – 1942 йилда фронтда хизмат қилиш учун йўл олиб, Австрия-гача етиб борган ва ўша ерда Ғалабани қарши олган.

Камол АРИФХОНОВ (1924–1986) – пиёда сафида, сўнг Белорусда жанг қилган ва Берлингача етиб борган.

Иван БАНИФАТОВ (1919–1996) – Псков вилояти, Невельск тумани-да туғилган. Урушгача Нукус шаҳрида яшаган.

Афанасий БАРАБАШ (1908–1996) – Украинанинг Сумск вилоятида таваллуд топган. Урушгача Қўқон шаҳрида яшаган.

Василий БЕЛОВ (1920–1944) – Қўқон шаҳрида туғилган.

Евел БЕЛЯВИН (1920–1972) – Беларусиянинг Борисов шаҳри-да туғилган. Урушгача Тошкент шаҳрида яшаган ва ўқиган.

Дмитрий БЕРНАЦКИЙ (1912–1945) – Гомел вилояти Стрешин қишлоғида туғилган. Урушгача Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрида яшаган.

Майли эди
Отамдек яшаб,
То сўнгги дам
Унга ўхшасам.

Боболарнинг ҳикмати
Ҳаётга ёруғ йўлдир.

Отанг боласи бўлма,
Одам боласи бўл, дер.
Бу сўзни илк бор менга
Ўргатган отам эди.
Мен отам фарзандиман,
У эса одам эди.
Қирқ биринчи йилларнинг

Даҳшати кўз олдимда,
Гўдак эдим, отамни
Кузатганим ёдимда.
У кўплар бахти учун
Кирар экан зўр жангга,
Онам бошимни силаб,
Ўхша, деган отангга.

Менинг мардлик мактабим
Жонфидо отам эди.
Мен отам фарзандиман,
У эса одам эди.
Мен отам босиб ўтган
Қонли йўлни ўтмасман.

Аммо шонли ҳаётин
Бир умр унутмасман.
Она-Ватан кўксига
Қалқон бўлган отамнинг,
Кўплар бахти йўлида
Қурбон бўлган отамнинг –
Азиз номин қалбимда

Виждонимдек сақладим.

Унинг ўлмас руҳини
Шод этмокдир мақсадим.
Умримни фидо этай
У жон берган Ватанга.
Эл мендан рози бўлсин

Ўхшабсан, деб отангга.

* * *

Кузгуннинг қанотидай
Қаро эди ўша тун.
На милт этган юлдуз бор,
На йилт этган бир учқун.
Кеч куз эди,

Тунд кеча,
Ер-кўк мунгли, борлиқ ғаш,
Қор ззғилаб ёғарди
Ёмғир билан аралаш.
Сукунат.
Жанг тин олар,
Фақат гоҳи-гоҳида

Мушак учиб сўнади
Душман қароргоҳида.
Ярим тун зулматида
Тепаликни қоралаб
Тўрт соя эмакларди
Чакалакзор оралаб.
Ҳар замон тўхтаб-тўхтаб

Гекё МАРИНАЙ,
АҚШ шоири, фалсафа фанлари доктори

БАДИИЙ ТАРЖИМАДА НАЗАРИЯЧИЛИК: УЗЛУКСИЗ ТАҲСИЛ ЖАРАЁНИ

Эссе

Тарихдан сўзлаганда, кўпгина таржима назариялари муҳим адабий ишларнинг тугалланиши давомида ёхуд ундан кейин бошланган ва ривожланган. Ўзининг эҳтиромга лойиқ ишида таржимонларнинг қабул қилишга тўғри келган қарорлари уларни кириш сўзини ёзишга, кейинроқ ниҳоя ёхуд мавзуга мос янада каттароқ лойиҳалар орқали хулосалари ортидаги мулоҳазаларни тушунтиришга ундайди. Аҳён-аҳёнда соҳа вакилларининг фикрларида ноанъанавийлик акс этади ва улар кўпгина саволларни юзага келтиради. Таржима назарияси тарихи ҳолатига тегишли ана шундай асосий саволларнинг аксариятига Хьюго Фредрихнинг “Таржима санъатида” мақоласида жавоб топиш мумкин. Мазкур мақола Энний, Цицерон, Шлейемахер ва Гумбольдтдан бошлаб таржима назарияси тараққиётида ўз таъсирига эга бўлган энг муҳим ғояларнинг бир қанчасининг аҳамиятини белгилаб беради.

Шунга қарамай, Фредрих Эннийнинг грек тилидан лотин тилига ўгирган асарларини “таржималарга киришдаги ноқулай лексик грецизмларга олиб келган мажбурий ҳаракатлар” дея ҳисоблайди ва оқибатда юнон тилидан лотинчага ўгирилган асар “ҳақиқий нусханинг лингвистик ва стилистик ўзига хослигигига алоқадорлик хусусида ҳеч қайғурмай аслиятни ўзлаштириш”га айланиб қолганини изоҳлаб беради. У Цицерон ва Авлиё Иеронимнинг ишларини таржима назарияси ҳақидаги мунозарани бошлаш учун ғоят муҳим шарҳларнинг бир қанчаси сифатида таърифлайди. Зеро, кўпгина ранг-баранг таржималар Рим давридан кейин юз берган, уларнинг мақсади “ўз тили”даги ифодаларни такомиллаштириш ва бойитиш эди, муаллиф Квинтилиан ва Плинийни Уйғониш даври назарияларининг намояндалари сифатида акс эттиради, шунингдек, мақсад тилни “бойитиш”га уринишнинг ёрқин белгиси”, дея таъкидлайди. Фредрихнинг фикрига кўра, стилистик характеристикалар ифодаси француз ёзувчилари, шунингдек, Малерба, Пабле, Бонавентуре де Перьенинг ёзиш услубига мослашишдаги уринишларда то Сенека типининг анъанасидан воз кечилмагунга қадар содир бўлмади: “Ёзувнинг мазкур шакли таржима натижасида илдиз олди, бунда таржимон нафақат оригинал матннинг таркибини ўзлаштиришдан тортиниб ўтирмади, балки манба тилига зид услубни ҳам яратди”. Шунга қарамай, бу қисқа умр кўрган ёндашув эди. Ўн саккизинчи асрнинг ўрталарида лингвистик параллелизмга, айниқса, манба ва мақсад тилларининг иккиси борасидаги маданий нуқтаи назарлар атамаларига нисбатан таржимонларнинг эътибори ўзгарди ва у янги ҳамда соф эди. Фредрихнинг сўзларига қараганда, “таржима ва таржима назариясининг буткул янгича услуби пайдо бўлди ва иккиси ҳам параллел равишда маданий фарқларга нисбатан сабр-тоқатни оширди. Бу тиллар орасидаги бадиий, интеллектуал ёхуд ҳар қандай бошқа турдаги рақобатни пасайтириб, иккисига ҳам тенг мақом бериш учун керак эди”. Шунга қарамай, биз ўн саккизинчи асрда параллелизмнинг турфа хил кўринишларини кўрдик: бадиий таржимонларнинг сони секин-аста ўсгани каби, уларнинг ғояларини таржима сифатида чинакамига қабул қилиш кифоя экани борасидаги фикрлар ҳам бир хилда бўй чўзди. Хулоса, албатта, идеалликдан хийла йироқ ва анчайин пессимистик эди. Фредрих буни таърифлаганидай, у ерда “айнан таржима деган ҳеч қандай тушунча йўқ эди, энг яхши ҳолатда, аввалги бир қанча яқинлашувларга умид қилиш мумкин, холос”. Шуниси етарлича қизиққи, эссе сўнгига қадар биз мавзу бўйича Фредрихнинг шахсий қарашларини аниқ кўра оламиз. У таржимага янгича ёндашувларни ривожлантиришдаги Шлейемахер ва Гумбольдтнинг роли хорижий тилни ҳурмат қилишга олиб келганига ишонтирар экан, ўз эссесини қуйидаги фикрлар билан якунлайди:

“Таржима санъатига ҳар қандай навбатдаги назариялар кириб келишига қарамай, Шлеймахер ва Гумбольдтнинг талабларини ортиқ тушириб қолдирилиш мумкин эмас. Бироқ ҳозирги ҳаваскор таржимонлар камдан-кам ҳолатларда мазкур назарияларга амал қиладилар. Бу, айниқса, ўзини ёзувчилардан фарқлайдиган мутаржимлар учун хосдир. Таржимон-ёзувчилар аслият тилининг услубини қўллаб-қувватлаш ўрнига уни кучайтиради ва тез-тез назарияга зид келувчи хатоларга йўл қўяди”.

Агар бу тахминларга таянадиган бўлсак, ҳамма моҳият аслиятдан келиб чиқади, матн оддий ёки ўта бўш даражада ёзилганига қарамай, биз таржиманинг стилистик асослари аслиятнинг характеристикасига мутаносиб келиши кераклигини қабул қилишимиз керак.

Камина бунда Фредрихнинг қарашларидан бошлайди, чунки мантиқий тартибда таҳлил қилинган асосий таржима назариясининг мунозараси унинг хронологик хусусиятини кўрсатгандан кўра анча самаралироқдир. Бундан ташқари, таржима назарияси билан боғлиқ аксарият муаммоларнинг илдизи мазкур санъатнинг қадимий даврларидаги саволларининг илдизларига бориб тақалади, яхши мутаржим ўтмишдаги таржимонлар дуч келган асосий қийинчиликлар ва уларни бартараф этишдаги ечимлар билан ҳам яқиндан таниш бўлиши керак.

Шунингдек, таржиманинг тарихий жиҳатларига назар ташлаш бизни бадиий таржимон эга бўлиши керак бўлган айрим тахмин қилинган хусусиятлар билан таништиради. Бу тарихий аҳамиятга эга, чунки бадиий таржимон ким ва ким мутаржим бўлиши мумкин деган масала Жон Драйден даврида кўтарилган. Драйден учун таржима санъати – ҳар қандай одам юқтириши мумкин бўлган “касаллик” эди, аммо бу уринишни ўқишга арзирли таржимага айлантириш ниятидаги одам бирор-бир асарни хорижий тилга ўгиришдан бурун ўз тилида нафақат яхши танқидчи, балки тингловчиларининг эътиборига сазовор бўлиши учун баъзи зарур шартларга ҳам эга бўлиши керак. Унинг фикрига кўра, ўша пайтда таржимада “қониқарли” дея ҳисобланиши мумкин бўлган асарлар қўл билан саноқли ва бунга: “таржима учун сув ва ҳаводай зарур барча истеъдодларга эга мутаржимларни кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмасди, ўлганнинг устига тепгандай, таълимнинг шунчалар аҳамиятли қисми учун мақтовлару рағбат ҳам пичоққа илинадиган даражада эмасди...” дея сабаб қилиб кўрсатади. Драйден бу фикрини бадиий таржима қандай бўлиши кераклиги борасидаги юксак орзулари туфайли юзага келганини айтади, албатта. У назарий қарашларида “таржима – ҳамма тан олган яхшию ёмон ўхшашликлар мавжуд ҳаётдан кейинги ўзига хос сурат”, дея атайди. Драйден мутаржимларни ўқитишдаги узлуксизлик талаби борасида ёлғиз эмас. Карл Вильгельм Фридрих ҳам Драйденнинг ғояларини қабул қилади ва адабий стипендиялар бўйича тўгаракларни ташкил қилишдаги қизиқишини ифода этар экан, бу турфа хил рассомлар ва юксак билимга эга одамларни аъзоликка жалб қилиши мумкинлигини билдиради. Кейинчалик Мэтью Арнольд ҳам шу масалаларни муҳокама қилди. У стипендияни бадиий таржиманинг аҳволини яхшилайдиган ижобий қадам сифатида кўрди ва таржимонлар биринчи навбатда “олимларни қониқтиришга уриниши керак, чунки фақат улар таржимонни чинакамига баҳолаш имкониятига эга”. Бироқ Мэтью яна бир эҳтимолни ҳам тан олади: “Олим майдакаш бўлиши ва баҳоси бир тийинга арзимаслиги ҳам мумкин”, аммо у, шунингдек, “олимга шоирона туйғулар бегона эмас”, дея умид боғлайди, ўшанда у таржимонни чинакамига баҳолай олади, ҳолбуки дунёдаги барча шоирона туйғуларга эга одам ҳам олим бўлмаса мутаржимни ҳақиқатда баҳолашга қодирмас.

Ушбу стипендия сўровларига асосланиб, тахмин қилишимиз мумкинки, билимли мутаржим бўлиш одатда таржимага хос заковатли қарорларни қабул қилишни англатади. Асрлар мобайнида, юнонча матнларнинг таржималаридан бошлаб бугунги кунга қадар, таржима назариясининг икки муҳим тушунчаси ишлаб чиқилган. Биринчиси, бадиий таржимонлар бошқа хорижий тиллардан она тилида ифодалаши мумкин бўлган асосий муносабатларни ўз ичига олади. Иккинчисида эса таржимон ўзининг мутаносиб таржима танловларининг назорати оқибатларини муҳокама қилади.

Цицерон нуқтаи назарини қуйидаги сўзлар билан ифодалайди: “Мен фикрларни, шаклини ёхуд биров айтганидай, уларнинг шамойилини таржима қиламан; бироқ камтарин қулингиз ғояларни ўзимизга ва қўллаш одатларимизга хос услубда ўгираги” ва у шу тариқа сўзма-сўз эмас, балки умумий стилистика хусусиятларини акс эттирадиган ва сўзларнинг маъносини берадиган таржимани яратди.

Уильям Уивер ўзининг “Таржима жараёни” номли эссесида ҳануз Гумбольдтнинг учинчи эпохасини бажарилгандан кўра, айтишга осон бўлган таклиф сифатида кўришини айтган, бунга: “бизда таржиманинг мутлақ нотўғри жараёнидаги мутлақ ҳуқуқни белгилаб берувчи ёзилмаган қонунларга амал қилишликни бошқарадиган аниқ тизим йўқ”, дея санъат характерини сабаб қилиб кўрсатган. Уивер, ҳамкасби Гумбольдт сингари, ҳатто “хатолар бўлиши эҳтимолдан холи эмас (энг тажрибали мутаржимнинг фаолиятида ҳам бахтсиз ҳодисалар юз бериб туради); оҳангда қусурлар ҳам учраши мумкин...” Шу тахлит қарашлар орқали камчиликлар хусусида бизга тушунча беради. У шунчалар чуқур киришганидан “мутаржим энг ёмон хатога йўл қўйиб, ўзини тинчлантириш ва бутун кучини сарф қилиш курашидан воз кечиш учун ҳам: “Бу аслиятда шундай ёзилган эди”, дея ўзига-ўзи таскин беради”. Аслиятдаги сўз фақат узатиладиган нуқта; аммо мутаржим (яъни бадиий таржимон) ахборотни шунчаки етказишдан ортиқроғини бажариши керак”, – дейди. Юқорида эътироф қилинган фикрлар агарда таржима қилинган матннинг худди ўзидай, “шиша панели” сингари шаффоф ва мазмунли бўлиб турса, чинакамига Норман Шапиро учун ҳам ажойиб тарзда тўғри келади.

У ўзининг “нореал” умидларини таржима асар ўгирилган матнга ён бермаслиги ёки шундай кўринмаслиги керак, дея оқлайди, энг муҳими, у таржимани “шунчалар шаффоф матнда яратиш керакки, фақат таржима қилингандай кўринсин. Яхши матн шишага ўхшайди. Сиз уни қирилган жойлар ёки пуфакчалар бўлсагина сезишингиз мумкин. Идеалда бундай нарсалар бўлмаслиги керак. У ҳеч қачон ўзига эътибор жалб қилмаслиги лозим.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шундай мутаржимлар борки, шеърлар ва фалсафий ҳодисаларни тамоман ўқиб бўлмайди, деб ҳисоблашади. Артур Шопенгауэр, Хосе Ортега-и-Гассет, Жон Фостер ва Октавио Пас орасида боғлиқлик фақат ана шу имконсизлик ва таржима қилиб бўлмаслик борасида сезилиши мумкин. Шопенгауэр шеърларни таржима қилишнинг эҳтимоли бор, ҳар қандай тилда муқобилини топса бўлади, деган фикрга умуман ишонмайди. Унинг мутахассис сифатидаги хулосаларига кўра, ҳаммаси тамоман бунинг аксидир. “Ҳар бир сўз ҳам бошқа тилда аниқ муқобилига эга эмас. Шундай экан, бир тилнинг сўзлари билан ифодаланган тушунчаларнинг ҳаммасини ҳам бошқа тилдаги сўзлар ила аниқлик билан тасвирлаб бериш иложсиз, чунки мос келмайди”, деб ёзади Шопенгауэр. Бундан ташқари, у шеърларни таржима қилиш имконсиз бўлгани учун мутаржимга шоир хаёллари билан уларни қайта ёзишни таклиф қилади.

Ортега-и-Гассет ҳам қарашлари Шопенгауэр назариясига яқин эканини кўрсатди. У буни таржима актини утопик вазифа сифатида кўриб чиқаётганда намоён этди. “Таржиманинг изтироблари ва ажойиботлари”да Ортега-и-Гассет бу масалага батафсил тўхталади, де Франс коллежидаги бир қанча профессорлару талабалар билан суҳбатда ўз тажрибалари ила ўртоқлашади. Айрим немис файласуфларини умуман таржима қилишнинг иложи йўқлиги борасида савол пайдо бўлганда, у шундай деган эди: “Файласуфлар, улкан ишонч билан таъкидлаш жоизки, таржима қилиш мумкиндай туюладиган ёзувчилар сирасига киради. Наҳот бу иллюзия бўлмаса? Ахир, таржима ҳодисаси, шубҳасиз, утопик вазифа эмасми?”

Ўзимнинг шахсий даражамда мен Клиффорд Э. Ландерсга ўхшаш таржимонларнинг бир фикрига қўшиламан, унга кўра, бадиий таржимонлар сўзлар билан эмас, балки маданиятлар ила иш кўради. Уолтер Бенжамин мутаржимнинг вазифасини тўғридан-тўғри «тилнинг конспектуал жиҳатлари» билан боғлайди. Фредерик Тёрнернинг яқинда албан журналисти Шавкат Дибрани билан бир пайтнинг ўзида “Панорама”, “Национал”, “Эпокара” журналларида босилган суҳбатида мутаржим вазифасига қандай ёндашиш кераклиги борасида фикрларини баён қилган. У: “Таржима – инсон тажрибасининг ер ости дунёсига саёҳати”, деб атади.

Қийинчиликлар ва ажойиб ҳолатлари ҳақида сўзлаб туриб, ўтмишда ва келажакда кўплаб назариялари мавжудлигини (ва яна кўпгина ҳали эндигина куртак ёзаётган даврлар: рақамли товушдан тортиб, тана ва қиёфанинг новербал тилининг ривожланишини ўз ичига олган) тушунаман ва улар борасида мақолада тўхталиб ўтирмадим. Шунга қарамай, умид қиламанки, тақдим қилинган умумий нуқтаи назар, тилнинг реал кучи уч-тўрт минг йилликлар давомида таржимонларда чуқур ишончсизлик ҳиссини сингдирганини ва бу юқорида муҳокама қилинган кўпгина таржима назарияларида қандай шаклланганини изоҳлайди. Мавҳумлик таржима санъати ва ушбу ҳунарнинг ажралмас қисми, демак, токи маданиятлар орасидаги муносабат зарур экан, таржима муаммолари ва таржима назарияларининг муҳокамаси тугамайди, деган хулосага келишимиз мумкин.

Инглиз тилидан
Шаҳноза РАҲМОНОВА таржимаси

Иван БЕЛЯКОВ (1920–1943) – Оренбург вилоятида туғилган. Урушгача Қўқон шаҳрида яшаб, Катта Фарғона канали қурилишида қатнашган.

Кондратий БИЛЮТИН (1899–1975) – Тверь вилоятида таваллуд топган. Урушгача Андижон шаҳрида яшаган.

Анатолий БОГДАНОВ (1922–1954) – Қўқон шаҳрида туғилган.

Николай БОГДАНОВ (1920–1945) – Днепропетровск вилояти, Любимов қишлоғида туғилган. Урушдан олдин Тошкент шаҳрида яшаган.

Михаил БУЛАТОВ (1924–2020) – Челябинск вилояти, Пластовск туманида туғилган. Урушгача ва урушнинг илк йилларида Қорақалпоғистоннинг Чимбой шаҳрида яшаб, алоқа соҳасида ишлаган.

Виктор БИКОВСКИЙ (1919–1973) – Саратов вилояти, Тернов қишлоғида туғилган. 1941–43 йиллари Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри 213-ўқчи дивизиясида хизмат қилган.

Агзам ВАЛЕЕВ (1919–1986) – Татаристон Республикаси, Чистопольск туманида таваллуд топган. Урушгача Тошкентда ўқиган ва ишлаган.

Мусулмонқул ДАВЛАТОВ (1918–1943 йилда бедарак йўқолган) – Қашқадарё вилоятида таваллуд топган.



Абдусалим ДЕҲҚОНБОЕВ (1906–1943) – Фарғона вилояти, Аширкўзи қишлоғида туғилган.

Константин КАЗАКОВ (1906–1951) – Пенза вилояти, Пачелма шаҳрида туғилган. Урушгача Бухоро вилоятида яшаган ва фаолият кўрсатган.

Александр ЗЕЙБЕРЛИН (1916–1950) – Волгоград шаҳрида туғилган. Урушгача Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида истиқомат қилиб, меҳнат қилган.

Алексей КАТИШЕВ (1924–2001) – Урушдан сўнг Тошкентда истиқомат қилган.

Василий ЕФРЕМОВ (1914–2002) – Оренбург шаҳрида туғилган. Урушдан олдин Тошкент шаҳрида яшаган ва ишлаган.

Алексей ЕВДОКИМОВ (1913–1963) – Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

Ҳордиқ олишар эди,
Жим қолиб сукунатга
Қулоқ солишар эди.
Мана, улар ўрмоннинг
Чеккасидан ўтдилар
Ва ниҳоят дарёнинг
Соҳилига етдилар.

Тўхтадилар, бир нафас
Кўз тикдилар йироққа.
Атроф жим,
Фақат дарё
Уриларди қирғоққа.
Сирли тун, бутун борлиқ
Сеҳрланган сингари.

Шундай кеча тўртовлон
Йўл олмишлар қай сари?

Қай манзилга шошишар
Шу совуқда, шу намда?
Гўё қор бор,
Ёмғир бор,

Тун бор фақат оламда...
Автоматлар бош узра
Кўтарилди туғсимон.
Бирин-кетин дарёдан
Сузиб кетди тўртовлон.
Жим, шарпасиз сузишар,
Яқин қолди қирғоққа,

Ёт, нотаниш товушлар
Эшитилар қулоққа.
Мана, соҳил – тик қирғоқ,
Атроф яланг,
Нарида
Икки душман соқчиси
Кўринар тун бағрида.

Бир-бировга тикилди
Бир сўз демай тўрт жуфт кўз.
Шу қарашнинг ўзида
Айтилганди барча сўз.
Тек қотдилар.
Командир
Имо қилди, ниҳоят,

Тун бағрига эмаклаб
Кириб кетди тўрт соя.

Ногаҳон ўқ отилди,
Ўт чақнади кетма-кет.
Душман сезди,
Разведка

Жангга кирди бетма-бет.
Граната портлади,
Тилга кирди автомат.
Бир ёнда бутун бир полк,
Бир ёнда тўртта солдат.
Икки ёндан ўқ ёғар,
Олов ёғар бешафқат,



Агрон ШЕЛЕ (1972), албан шоири

«Кларанинг қадамлари», «Кулранг парда ортида», «Янглиш сурат» каби асарлари билан адабиётсеварлар меҳрини қозонган Агрон Шеле 1972 йил 7 октябрда Албанияда таваллуд топган. Шоир ва ёзувчи Шеле Албания ёзувчилар ассоциацияси, Жаҳон ёзувчилар ассиацияси аъзоси ва «Атунис» шеърият оламидир. Ижоди кўплаб миллий ва халқаро матбуот саҳифаларида, шунингдек, «Жаҳон поэзияси солномаси» (2009, 2013, 2015), «Иккинчи авлод» (2013), «Кибатек» (2015), «Альманах» (2008, 2017) каби тўпламларда босилган. Агрон Шеле айни дамда Бельгияда истиқомат қилади.

ШОИРДАН СЎРАМА

Шоирдан сўрама
кундуз нелигин,
сўрама саҳарнинг юксалишини,
бор майин нурларин оламга сочган
о, бу қаттол тонглар ўлдирар уни.

Шоирдан сўрама
олисда қолмиш
илк бор изин ўпган кемтик йўлакни,
ҳаёт акси шундоқ уфуриб турган
табиатга наҳот таъриф керакдир?!

Шоирдан сўрама
гумроҳ жувоннинг
оний шарпасидай учган юлдузни,
кўлда акси чўккан моҳтобни ҳамда
тунлар тинчитмаган теран афсусни.

Шоирдан сўрама
дунёнинг ғамин,
кузак десанг бўлди – қалби қақшайди.
Шоир бу дунёга янглишиб тушган
тозарух парига ўхшайди.

Шоирдан сўра, хўп, не истасанг-да,
муҳаббат не дея сўрама зинҳор,
нафосат ортида писиниб ётган,
азалий гуноҳлар бўлмасин ошкор.

МОНПАРНАСДА ЁМҒИР

Шарль Бодлерга

Бугун
қалбида дард гуллаётган
бир инсон
зулматда илдиз отган
қабоҳат гуллари узра эгилганида,
ёмғир ёғди ушбу шаҳарда
бирам майин симфониядек
худди кеча ёққани каби

Осмоннинг қонталаш четида
абрлар пардасин юлди уфқ
ҳамда титроқ қучган
юлдузларнинг ортидан
фаришта ғойиб бўлди
сеҳрли тарзда
сўзлар иликлиги,
бесарҳад ишонч,
ёвузлик уруғи,
тумтарақай иблислар
ва қақроқ бўсалар оралаб
теран асотирларга томон.

Тутди бутун кенгликни шамол
Монпарнасда
скрипкасиз ҳам ижро этилган
концерт сабабли
ҳавонинг
мужмал титрашидан ташқари
ёдгорлик устидаги
бир уяда жам
қаноти қайрилган қушлар хоридан
ерга қўнди нафис орхидеялар.

* * *

Тизлар ерни ўпган ғамангез кунлар,
Чалкашлик акс этган кулранг тўлқинлар,
Самимий қалбларда ғазаб ва афсус
Нақадар яқиндир,
нақадар олис?

Бори бисотимиз хавотир ва эрк,
Кирган кўчамизнинг қайтар йўли берк...
Қисматга битилган шарафли якун
Нақадар олисдир,
нақадар яқин!

Биз интилиб келган оппоқ орзулар,
Эртанги умидлар, оний қўрқувлар...
Мўъжизий тонг билан бошлангувчи кун
Нақадар олисдир,
нақадар яқин!

ИЛОҲИЙ САҲНА

Иблислар
тарк этди баногоҳ
қабиҳлик қоплаган саҳнани.

Ғойиб бўлди
ўзларининг олис ўзликларига.

Ҳануз мусаффо эди –
фаришталар покланган само,
зулмат бир бўшлиқда
пичирларди ўлик қалблар
унутилгандек гўё

Қайта тусланарди
самодаги шакллар бари

Иблислар тарк этган саҳнада...

ОЛИМП ТОҒИДА...

Каромат соҳиби – улуғ Зевс
Мангу адолатни қилганди ваъда,
Бироқ неча-неча асрки ҳануз
ёки тақиқланган ўша адолат
яширилган ёки пана-панага.

Гумроҳлар ўзлари топаверишар
ўзлари сингари ҳамтовоқларин.
Айбсизлик занжири ҳар жойни тутган,
Ҳар ерда жаранглар нотавонларнинг
бўғиқ чинқириқлари.

Энг қадрли туҳфа – биргина жумла:
«Буюк Зевс адолат қилганди ваъда..»

ИЛҲОМИМ

Илҳомим,
не чирой яширин шафақ бағрида?
қайси бир орзуни опичлайди эрк?
қай қўшиқ таралар аянч ерлардан?
қай қаро тунларда порлар учқунлар?

Илҳомим,
О, бу не? Нақадар сокин фожиа?
қувларман сукутни мангулик аро,
қай ерга боқмайин, кўрганим ғубор –
ғуборки,
қайта ботган қуёш сиртида зоҳир...

Илҳомим,
йиллар қиров сочлар чўққилар мисол
яширин абрлар ичра оқланур,
нимжон қаламимда ўйилган бу қалб
қалтирар ва синар, сўнгги қоронғу.

Илҳомим,
балки сен мастликда келган жазосан
ва ё бу қимордан совуқ сесканиш?
маъшуқам кўзларин сенда сезаман
ҳамда кўзёшларим билмайди тиниш.

Илҳомим,
о, бирам бетакрор бўзарар шафақ,
шошилиб оқади кунлар карвони,
нафасдек – маромда олинган мудом
Ҳар оқшом биз шеърга кетамиз чунки.

Инглиз тилидан Шоҳрух УСМОНОВ таржимаси

ОНАЖОН! СИЗГА АЙТАДИГАНЛАРИМ КЎП БУГУН

Бадиа

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Телефонимни титкилаб, янгиликларни ўқиб ўтирарканман, лип етиб "Messenger" хизматидан хат чиқиб қолди. Нима бўлаётганини бирпас тушунмай турдим-да, дарҳол мактубнинг юқорисига қарадим. У ерда университетда ўқиган пайтимдаги энг яқин дугоналаримдан

Муҳайё ҚУРБОНОВА

бирининг исми турарди. Юрагим бир қалқиб, тез-тез ура бошлади. У, ахир, менинг жонажон дугонам эди-ку! Чилқ... Яна бир мактуб – "Мен сени қидириб-қидириб топдим. Рақамингни ёзвор, эртага қўнғироқ қиламан. Ҳозир гаплашолмайман, йиғлаб юбораман, соғинганман..." Бу сатрларни ўқиб, кўнглим бўшаб кетди, кўзларимда ёш қалқди... Эрта тонгда "чилқ" этиб яна бир мактуб келди. "Кечқурун қўнғироқ қиламан..." Ва ниҳоят, мен кутган қўнғироқ янгради. Энтикканча гўшакни тутарканман, ҳеч нимани кутмасдан:

– Дугон, қалайсан? – дедим.

– Салом, дугонажон! Овозинг ҳалиям тетик, ўзгармабди... Онамни бериб қўйдик, дугон. Икки ой бўлди... Ўзимга келолмаяпман... Ҳаёт мазмунини йўқотгандек мен учун...

Юрагим увишиб кетди, дугонамнинг онасини яхши билардим. Ажойиб аёл эди. Тилимга фақат "Жойлари жаннатда бўлсин..." деган сўзлар келарди, холос. "Йиғлавораман", деганини энди тушуниб етгандим...

– Жуда оғир бўларкан-а, дугон? Ҳеч нарсанинг маъноси йўқдек. Кўзимга ҳеч нарса кўринмайди. Фақат кўз олдимда гавдаланаверадилар. Сендаям шундай бўлганми? Сенинг онангни ёшлари анча катта эди менинг онамдан...

Мен унга "Аллоҳга шукр, менинг онам тириклар ҳали..." деганимда унинг кўзлари порлаб кетганини юрак-юрагимдан ҳис қилдим!

– Вой, мунча яхши! Умрлари узоқ бўлсин! Неччига кирдилар?

– Саксон саккиз ёшдалар.

– Дугонажон, бунчаям бахтлисан?! Сенга ҳавасим келяпти! Бунча яхши! Кўп йиллар яшасинлар! Ҳалиям ўшандай чаққонмилар? Болаларингга қарардилар, сен ўқишингга боргин, деб, эсингдами?

Бир неча сониялар ичида ортда қолган умрим кўз ўнгимдан ўта бошлади. Ҳорижда юрган бир неча йилни ҳисобламаганда, ҳаётимнинг ҳар дақиқаси онам билан гавдаланди. Шу дамда қўнғироғини сабрсизлик билан кутган дугонамнинг суҳбатни тўхтатишини шунчалик истадимки, ҳаттоки у билан хайрлашишимга бир баҳя қолди.

– Дугон, онангни тез-тез йўқлаб тургин, кейин афсус қиларкансан. Иложи бўлса, уйингга олиб келиб ўтиргин, кўпроқ бирга вақт ўтказгин.

Яна юрагим сиқила бошлади, қачон тугаркин суҳбатимиз? Вақт кеч бўлиб қолмасидан, онам ухлаб қолмасидан қўнғироқ қилишим керак!

– Эсингдами, бизга айтардинг, қиш совуқ бўлишига қарамай, онам эрталаб соат саккизда шунча узоқдан етиб келадилар, биз ҳалиям ухлаб ётган бўламиз, "Ўқишингга кечикмагин-да", дейдилар деб бизларга кулиб-кулиб айтиб берардинг?

Ҳа, эсимда, ҳаммаси эсимда! Уйрўзғор юмушларини ташлаб, эрта тонгда етиб келишлари, кечалари болаларим йиғласа, "Сен ухла, чарчагансан. Мен ўзим қарайман", дейишлари, овқат маҳалида "Сен биринчи еб ол, мен болаларингни овқатлантириб тураман", деганлари-ю, учала фарзандимни вояга етказгунимча олдимда гирдикапалак бўлганлари, бошимга синовли кунлар тушганида ҳам мункиллаб қолганига қарамасдан тинмай ҳолимдан хабар олиб, менга суянчиқ бўлганлари... ҳамма-ҳаммаси ёдимда! Бўғзимга тиқилган нарса янада қаттиқлашиб, катталашиб бораётгандек назаримда... Томоғимга тиқилган бояги алам гапиришга имкон бермасди. "Жавоб қайтармайман, йўқ. Йиғлавораман акс ҳолда. Эртага қайтиб қўнғироқ қиламан унга ўзим". Бир неча сониялардан кейин яна телефоним жиринглади. Дугонам қайтиб қўнғироқ қилаётган эди. Жавоб беришга кучим етмади. Кўзимдан тирқираб ёш оққанича телефонимга тикилиб ўтиравердим. "Чилқ". Дугонамдан хат келди. "Дугон, негадир узилиб қолди суҳбатимиз. Қайтиб қўнғироқ қилиб тушолмаяпман сенга. Эрта-перта қиларман, хўп? Соғ бўл, онангга каттакон салом айтиб қўй!" Шу ерга келганда ўзимни тутиб туролмадим, пиқиллаб йиғлаб юбордим. Телефонимни ушлаганча хонанинг у бурчидан бу бурчига юриб, акамнинг рақамига қўнғироқ қиляпман. Қани энди олса! Соатга қарайман, анча кеч бўлиб қолибди. Ухлашга ётишган. Яна вақтли ётиб олишган, дея жаҳлим ҳам чиқади. Қўшни ҳовлида яшовчи бошқа акамга, кейин эса келинойимга тинмай қўнғироқ қила бошладим, ҳеч ким гўшакни кўтармайди. Шу зумда дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди! Қани энди кимдир гўшакни кўтарса-ю, онамга берса! Мен юрагимдаги ҳамма гапларимни, миннатдорликларимни онажонимга изҳор қилсам! Дунёда мен учун онамдек азиз ва меҳрибон инсон йўқ эканини, шу кунларга етиб келишимда онамнинг хизматлари беқиёс эканини, умримнинг охиригача ҳам ундан қарздор эканимни айтишни, нафақат айтишни, балки овозимнинг борича жар солишни истардим. Бироқ менинг истагим амалга ошмади, қўнғироқларим жавобсиз қолди.

Энди тунни қандай ўтказаман? Тонг отишини қандай кутаман? Саҳарлаб йўлга чиқай десам, ҳамма йўллар ёпиқ. Қаердан ҳам чиқди бу лаънати вирус! Энди онамни қачон кўраман? Қачон бағримга босаман? Қачон ёнида ўтириб, бирга таомланаман? Шу саволлар мени қийнагандан қийнаб борарди. Уйқудан ҳам дарак йўқ. Яна хаёллар чулғаб олади... Қизиқ, қачон онамни кўрсам, ўзим тушунмаган ҳолда феъл-атворимда ўзгариш рўй беради. Қандайдир ёш боладек инжиқ, таъсирчан бўлиб қоламан. Онам ҳам аксига олиб, "Буни ол, буни егин", деб дастурхондаги емакларни олдимга қалаштираверади. Гоҳида атрофдагилардан ҳижолат бўлганимдан, онамга танбеҳ ҳам бераман. Онажоним "Ўзингни асра, болам! Соғлигингга қарагин, ўзингни уринтираверма", деса, яна нималардир деб онамни койийман. "Ўзи ким қўйибди менга онамни койишни?! Ким бўлиб кетибманки, онамга танбеҳ бераман?! Онам ўтган ҳаётнинг, онам кўрган қийинчиликларни юздан бирини ҳам кўрмай туриб, ким қўйибди менга онамга ғашлик қилишни?! Урушга отасию уч нафар акасини кузатиб, улардан биттасини ҳам қайтиб тирик кўрмаган, очарчилик ва йўқчиликларга чидаган, онасию укаларини оғир йилларда суяган, умри фақат меҳнат қилиш ва етти нафар фарзанд тарбияси билан ўтган, камига этак-этак невараю эвараларни катта қилган, тўқсонга етиб қолганига қарамай, бировга оғирини солмайдиган, тиниб-тинчимайдиган бундай мўътабар аёлни нима деб чақириш мумкин?! ОНА! Уни фақат ОНА деб аташ мумкин! Унга бошқа ном ярашмайди. "ОНА" сўзи бу аёлга ярашадиган энг муносиб ном!" Хаёлларим таъсирида у ёнбошимдан бу ёнбошимга ағдарилиб, туйғуларнинг жўшишидан, ўйларимнинг кўплигидан фикримни бир жойга тўплаёлмай қолгандим.

"Эрталаб турганимданоқ онам билан гаплашаман. Онамга жуда қаттиқ яхши кўришимни айтаман." Шу хаёл, истак, мақсад билан кўзимни юмдим.

Тонгда телефоним товушидан сакраб уйғондим. Акамнинг рақами! Юрагим бир ўртаниб кетди. Нега бунча барвақт қўнғироқ қиляпти экан? Қалашиб келаётган хавотирли хаёллар билан гўшакни кўтардим. Қалтираган овозда "Алло", дедим.

– Болам! Аллоҳга шукр! Соғмисан? Тинчмисизлар? Кечаси билан тушимга кириб чиқдинг! Қани энди тонг ота қолса! Ярим кечадан бери Аллоҳдан соғ бўлсин, тинч бўлсин, ишқилиб, деб сўраб чиқдим. Нега тинимсиз тушимга кирдинг экан кечаси билан, деб хавотирландим, болам! Беадад шукр, овозингни эшитиб ўзимга келдим, болам...

– Онажон, сизни жуда яхши кўраман... Сизни жудаям соғиндим...

Бошқа ҳеч нарса деёлмадим, мадорим етмади. Онам жим бўлиб қолди. Табиатан қаттиққўлроқ ва ҳиссиётларимни билдиравермайдиган бўлганим туфайли мендан бунақа гапларни илгари эшитмаган онамнинг ҳайрон бўлаётганини юрагимдан сезиб турардим.

– Она, ҳалироқ ўзим қўнғироқ қиламан, хўп? Ювиниб бўлиб, майлими?

– Хўп, болам, тинч бўлсанг бас, овозингни эшитиб ўзимга келдим, болам...

Юзимни юварканман, кўзимдан оқаётган ёшларим кафтимдаги муздек сув билан омуҳта бўлиб, юзимга иликлик бағишларди. Миямда эса бир савол чарх уради: "Бу қандай туйғуки, мени бир туннинг ичида йиғлоқи, ҳиссиётини бошқаролмайдиган инсонга айлантириб қўйди?"

Бу туйғу – онага бўлган меҳр-муҳаббат, онага бўлган миннатдорлик, онани қадрлаш, уни тириклигида ардоқлаш туйғуси эканини шу ёшга кириб, фарзандларимни вояга етказиб, бир неча набиралик бўлганимда биринчи маротаба шунчалик қаттиқ тушундим. Нафақат тушундим, балки уни юрак-юракдан ҳис қилдим! Шунга ҳам шукр! Ёшим бир жойга бориб қолганида бўлса ҳам, лекин онам шу дунёда эканида бу туйғуни ҳис қилганимга беадад шукроналар бўлсин! Агар бу туйғу кечикканида, ўзимни асло кечиролмасдим!

Гўшакни олиб, акамнинг рақамига қўнғироқ қилдим.

– Онажон, саломатмисиз? Сизга айтадиган жудаям кўп гапларим бор бугун...

Борис ИВАНОВСКИЙ (1912–1943) – Тошкент шаҳрида тавллуд топган.

Ильин СТЕПАН (1915–1993) – Кокчетав вилоятидаги Володарск қишлоғида таваллуд топган. Урушдан сўнг Тошкентда истиқомат қилган.

Мансур АБДУЛЛИН (1919–1996) – Бошқирдистон Республикасининг Мияки туманида туғилган. 1937 йилдан Андижон вилоятида маориф соҳасида фаолият юритган.

Узеир АБДУРАМАНОВ (1916–1991) – Симферополь уездининг Қошиқ-Тегирмон қишлоғида туғилган. Урушдан сўнг Навоий шаҳрига кўчиб келиб, узоқ йиллар меҳнат қилган.

Равиль АБДРШИН (1925–1943) – Оренбург вилоятининг Новомусино қишлоғида туғилган. Урушгача Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги мактаблардан бирида ўқитувчи сифатида фаолият юритган.

Армен АЙРИЕВ (1910–1966) – Озарбойжоннинг Хўжаванд туманидан туғилган. 1924 йилдан Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

Абилай АЛИМБЕТОВ (1921–1973) – Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғида туғилган.

Максим ЕНИЛЕЕВ – 1917 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган.

Зият ЕСЕНБАЕВ (1921–1984 йилдан сўнг вафот этган) – Тошкент шаҳрида туғилган.

Абрам ЗИНДЕЛЬС (1915–1943) – Украинанинг Винницкий вилоятида таваллуд топган. Урушгача Фарғона шаҳрида яшаган ва фаолият юритган.

Иван ЗИНЕНКО (1921–1968) – Самара вилоятида таваллуд топган. Урушгача Самарқанд шаҳрида яшаб, таҳсил олган.

Иван ЖУДОВ (1921–1945) – Брян вилоятидаги Причиж қишлоғида туғилган. Урушгача Тошкент шаҳрида таҳсил олиб, банк соҳасида фаолият юритган.

Николай ЗАВРАЖНОВ (1923–1943) – Тошкент вилояти, Янгийўл туманида туғилган.

Алексей ЛЮБИМОВ (1902–1986) – Донда таваллуд топган. Урушга қадар Жиззахда яшаган.

Бир томонда таҳлика,
Бир томонда жасорат.
Ўртада текис кенглик,
Ўртада қуюқ зулмат.
Бир томонда ёвузлик,
Бир томонда адолат.
Қанча давом этди жанг
Билар фақат қаро тун,
Билар фақат тепалик,
Аммо булар лол ва гунг.

Тонгга яқин қор тинди,
Аста ёришди осмон.
Тепаликка илк нурин
Сочди хуршиди жаҳон.
Бунда ерни қучганча
Тошларга қўйиб бошин,
Тўрт ўғлон тинч ухларди
Кўкрагида қўрғошин.
Тунги оғир жангдан сўнг
Гўё тин олар бари.
Она бағрида ётган
Маъсум гўдак сингари.
Шу тонг сабо йиғлади
Чидолмай бу фироққа.
Шу тонг дарё йиғлади
Бошин уриб қирғоққа.
Оқ, момиқ булутларнинг
Бағри чок-чок сўкилди.
Шу тонг офтоб нурлари
Кўз ёш бўлиб тўкилди.
Ўрмонлар шовиллаган
Олис юртда ҳали ҳам
Номсиз тепалик узра
Ухлаб ётибди отам.

* * *

Тенгдошим,
Асрдош биродар!
Кел, бир он жим ўйга чўмайлик.
Бу ерда
ётибди
фидолар.
Кел, уни
гулларга
кўмайлик.
Бу ерда
бахт бўлсин,
нур бўлсин,
Бўлмасин,
қора тун
зулмати.
Бу ерда
юраклар
ҳур бўлсин.
Қайтмасин,
у кунлар
даҳшати.
Тенгдошим,
асрдош биродар!
Уйғоқ бўл,
ҳушёр боқ
оламга.
Бу ерни
кўчмасин
аланга,
Қабрида
тинч ётсин фидолар.
Эшит,
инграяпти
Она-Ер
Қўлтиқтаёқларнинг
заҳмидан,
Бу тупроқ
юраги
порадир
Атом зонтларининг
ваҳмидан.
Эшит,
чорлаяпти
Она-Ер,
Кўксида
оловли
оҳ-фарёд.
Асрдош биродар,
қўлни бер,
Кел, Ерга
қилайлик
қасамёд:
Бўлурмиз
гал келса
ҳар биримизга
Тинчлик жанггоҳининг
фидоси.
Бу сенга,
бу менга,
бу бизга
Йигирманчи аср нидоси.

Йироқларда қолди
Уқубатли йиллар,
Ер остида ётар топганлар завол.
Қолганлар умрнинг
Сарҳисобин қилар,
Соч оқига боқиб суралар хаёл.
Йиллар ўтди-кетди
Довулини қоқиб.
Тупроққа берилди не-не азиз жон.
Бизлар хаёлларнинг
Тўлқинида оқиб,
У кунлар ҳақида тўқиймиз достон.
Аммо ўлганларга
Шеър, достондан не наф,
Не фойда йиғлашдан
қалб дардин айтиб.
Минг йил шон ўқисак,
Минг йил айтсак шараф,
Кетганлар дунёга
келмайди қайтиб.

Нега эгилмасин
Одам кетса одам,
Устунга зўр келар қуласа устун.
Бу ташвишли дунё,
Сермашаққат олам
Бизнинг елкамизда
қолди-ку, дўстим!
Уни бўронлардан,
Қуёшли йўллардан
Нурли истиқболга олиб ўтамиз.
Биз уни олганмиз
Табаррук қўллардан,
Табаррук қўлларга
элтиб тутамиз.
Авлодлар учун ҳам
Кутлуғ бўлар албат
Ер узра тўкилган кўз ёш,
қон ва тер.
Бепоён кенгликда
Чарх уради абад
Улкан юрак шаклидаги Ер…

1964



Қўчқор НОРҚОБИЛ

КЎКСИМДАГИ КАВКАЗИМ

Ҳикоя



– Дедуля, откуда вы? Из Таджикистана? Пакистана?

– Нет, из Джаханистана!

Ойна ортидаги сулув қиз оппоқ чеҳрасига ним табассум ёйилиб, Кавказ гўзаллари учун илоҳий инъом катта-катта, ёниқ, юлдуздай порлоқ, тим қора кўзларини менга тикади:

– Джаханистан? Где это Джаханистан?.

– Джаханистан – это Узбекистан! – Унга шуни ҳам билмайсанми, дегандай иддаоли қарайман. – Чунки Ўзбекистонда жаҳоннинг барча мўъжизаси, гўзаллиги, саховати, жозибаси мужассам – дейман русчалаб. Қиз паспортимни очиб, термулиб туради. "Узбекистан... Узбекистан...", – дейди ва яна бир қараб қўяди.

Унинг бундай беписандлиги менга малол келди.

– Хўш, қаерда вақтинча рўйхатда турибсиз? – дейди у энди кибр билан.

– Санаторияда. "Ўзбекистон" санаториясида. Катта бобом қонуний хатлаб олган ўзимизнинг санаторияда.

У энди ажабсиниб қарайди. Кавказда-я? Катта бобоси қурган ва ўзининг номига расму русумини адо қилиб олган бундай жой қаерда экан, деб ҳайратга чўмяпти, деб ўйлайман. Йўқ, у биларкан. Бизнинг сиҳатгоҳимиз, ўзбекларнинг сиҳатгоҳи, Кавказнинг манаман деган энг баҳаво жойида қўр тўкиб турганидан хабардор экан.

– Тушунарли. Хўш, қани ўша қоғоз?

– Қанақа қоғоз?

– Рўйхатга олинганингиз ҳақидаги қоғоз.

Довдирайман. Шу пул шунчалик зарил бўлмаганда, мен бунинг олдида тоқу тоқат қилиб, шунча пайт навбат кутиб турмасдим. Ўғлим хориждан "Вестерн Юнион" орқали пул жўнатган эди. Шуни Кисловодскнинг ўзида ҳам олаверсам бўларди. Сиҳатгоҳнинг биқинида банк бор. Нима хаёл билан, Пятигорскни ҳам томоша қилай, банкка тушиб, сўнг дўстим Аҳмарнинг уйига совға-салом оламан, дебман. Мана, Пятигорскдаги аҳвол.

– Бусиз мумкинмас, беролмайман, – дейди банк маликаси.

– Нима қилай? Яна сиҳатгоҳга бориб ўша қоғозни ёздириб келайми? – дейман оғриниб.

Қиз яна паспортимни титкилайди, ўзича жилмайиб қўяди-да, компьютер тугмаларини боса бошлайди. "Ҳайрият, ёзяпти...". Мен қўлимда қамиштўрга солинган гурвак қовунни дарича ёнидаги катта столга қўяман. Кичкинагина бўлса ҳам зил-замбил. Қўлим толиб кетди. Мен буни не бир азобларда топмадим. Кавказга учаётиб, дўстим Нуриллага қўнғироқ қилдим. Бу анқосифат арзанда фақат Қорақалпоқнинг Беруний тумани томонларда, Хоразмда бўлади.

– Калланг борми? Шу маҳалда гурвакни қаердан топасан?

– Топилиб қолар, – дейман умид билан, – ахир, Кавказдаги ошнамниям кўриб келаман. Биласан-ку, Аҳмар Аҳадов билан афғонда бирга бўлганмиз. Ўттиз йилдан бери кўришмаганмиз. Шуникига олиб бормоқчи эдим.

– Ўзинг айтиб турибсан-ку, сен тош эмас, гурвак сўраяпсан. Эрта-индин қовун пишаман, деб турган пайтда, гурвак сўрайсан-а, гурвак қолармиди? Калланг борми?

Нурилла телефонини ўчириб қўйди.

Аҳмар билан бир взводда хизмат қилганмиз. Пешонага ёзилган экан. Ўзга юртда, мусибат ўпқони ичида кўргулигимиз кўп бўлган. Бир гал у мени ажалнинг оғзидан суғуриб олган. Яраланганимда ўқ ёмғири, қиёмат-қойим ичидан мени судраб чиққан. Тилининг жозибадорлигини айтмайсизми – Аҳмар ўзбекчага жуда яқин, татар ё қозоқча оралиғидаги ажойиб бир оҳангда гапирардики, болқор қондошимга қайси бир томирим қўшилиб, узилмас бўлиб боғланганини, иккимизнинг ҳам ирқимизда қадим турк отанинг қони кўпириб оқаётганини ҳис қилардим. Э-э-й, тақдир-а, бу жаҳаннам гирдоби – қиёмат қўпган уруш чоҳига икки қоракўзни ирғитиб юбориб, бизнинг иродамизни синаб, ор-номусимизни имтиҳон қилишдан бошқа ишинг йўқмиди? Икки дилбанда, бири олис Кавказнинг тоғли овули, бири эса жануб Сурхоннинг тубканинг тубидаги қишлоғи – Мўминқулда туғиб ўсган бўлса-да, сен бу бечораларни битта ипга боғлаб Афғон деган уруш ўчоғининг гуриллаб ёнаётган гулханига ташлаб, томоша қилишингдан нима наф эди? Тўғри, сен ёқдинг, сен бизни шу ўтда қовурдинг, лекин тантилик ҳам қилдинг – бизни омон қолдирдинг. Мана шу омонлик оғриғи бугун дийдор соғинчига айланиб, мен кавказлик ошнамни, Аҳмарни кўришга жазм этдим. Ойда-йилда бир бора келадиганим сиҳатгоҳ Қабардин-Болқор республикасига яқин эканини билганимдан сўнг тинчим бузилди, ҳаловатимга ўт кетди. Эллик чақирим наридаги қадрдоним учун эллик йил эмаклаб юрсам ҳам камлик қилади, деган фикр миямга ўқтомир бўлиб ўрнашиб қолган эди. Ахир, ўша куни жангда бадани илма-тешик бўлиб кетган мени, яъни, ўзбек оғайнисини даҳшатбўрон ичидан юрак ютиб олиб чиққан болқор қондошим учун эллик чақирим йўл азоби нима бўпти?

Хуллас, госпиталдан қисмга қайтаётганимда жангқисмат ўзбеклар қатори болқор қардошим Аҳмар ҳам роса қувонди. Худди ўз иниси келгандай ирғишлашини кўринг. Кейин аскарий таомилга кўра, казарманинг қоронғи бурчагида алламаҳалгача майхўрлик қилдик. Кимлардир попирисига аллаималарни қўшиб, ўраб чекди, қуюқ тутуннинг ўткир ҳиди ҳам бошни гириллатиб айлантирди.

– Аҳма-а-а-а-ар... Аҳ....Аҳ, мен сенга нима яхшилик қилай? Сен менинг дўстимсан? Агар ўлмай борсам, сенга нима юборай... айт, нима керак?

– Сизларда...қов-уун ширин бўларкан. Тошкентдан қовун жўнатаса-а-ан, – дейди Аҳмар ҳам чайқалиб, ғулдираб.

– Жўнатаман... Йўқ, ўзим олиб бораман. Чин қиёматли сўзим, ўзим олиб бораман, – дейман. "Тутун"нинг кучи сезилади, унинг кўксига бош қўйиб йиғлай бошлайман. Унинг ҳам елкалари силкинади.

Ана шундай гаплар. Чалғидим, бироз, узр. Энди яна ҳалиги суқсур қизнинг ҳузурига қайтсак; у компьютерда нималарнидир ёзяпти.

– Вақтинчалик рўйхатда туришингиз ҳақидаги маълумот паспортингиз ичида экан-ку, билмаганмидингиз? Уни йўқотсангиз, пул ололмайсиз, – дейди қиз муҳим бир нарсадан огоҳ этган каби.

Шу маҳал тиқмачоқдеккина, бўйчан, хушчирой жувон стол ёнига келиб гурвакка термулиб қолади. Қамиштўрва ичидаги қовунни узун-оппоқ бармоқлари билан силайди. Сўл қўли билан қорнини сийпалаб, ютиниб қўяди. Ғайриихтиёрий тарзда стол қошидан кетолмай серрайиб тураверади. Кўзларидан ёш ғилтиллайди, яна ютинади. Дўппайибгина қолган қорнини силади-да, мени ғалати аҳволга тушиб қараётганимни кўриб, лаблари пирпиради, ўриндиққа чўкди. Барибир нигоҳи қовунда. Ҳижолат тортаман, ўзимни ноқулай сезаман, худди айб иш қилиб қўйган каби безовталананаман. Ҳалиги жувонга қарамасликка уринаман, манови қизгина ҳам тезроқ ишимни биткиза қолса эди, қовунни олиб олди-ортимга қарамай чиқиб кетардим. Ё тавбангдан, аёл ўрнидан туриб яна гурвак савилнинг ёнига келди. Энди қамиштўрни кўтариб кўрди, илтижоли оҳангда мўлтирабгина деди:

– Шу қовунни менга сотинг, илтимос, қанча сўрасангиз ҳам бераман.

Жувон нигоҳи билан ер чизиб дув қизариб кетади. Ойна ортидаги Кавказ гўзали эса менга қизиқсиниб қарайди ва туйқус:

– Қовунни беринг! Сиз яхши одамсиз, тўғрими? Қаранг, ахир, у иккиқат-ку. Сизлардаям аёлларни улуғлашади-а, шундайми?.

– Ҳа-я... шундай. Шу-шу, – дейман соҳибжамолнинг қатъиятли иддаосидан бир қалқиб.

– Лекин бу гапингиз чин эркакча бўлди. Агар шу қовунни бирор қоғозга ўраб ё қутидами беркитиб қўйганингизда, бунақа савдо бўлмасди. – Қиз энди хушхандон кулади.

Мен турган жойимда анграяман. Нурилла буни не азоб билан Хоразмда уйма-уй юриб Бек оғанинг уйидан топиб келган эди-я. Бек оға ҳам шу маҳалгача элкўрсинга сақлаб келган қовунининг борадиган жойи, манзил ва муддаони билгач, Нуриллага рози бўлган: "Иложим йўқ, на деярдим. Дим қўймадинг. Ёшулли одам Кавказга оппораман деб дурғач нечита оламан, олавергин. Бироқ тағин бир ой сақламоқчийдим, дуврама йўқми, синаб гўрмакчийдим", – дегани ҳам рост.

– Берасизми, бу киши менинг келинойим бўлади, акамнинг хотини! – дейди қиз энди ялинқираб. Ўзига яраширқли ишкийими чўнтагидан пул олиб менга узатади.

– Мен буни... Бу қовунни... буни... – дейман тутилиб.

– Ахир, сиз эркак киши-ку, – қизнинг кўзларидан энди ўт ялтиллайди.

Мен бир сапчиб тушаман. Сўнг ўғлим хориждан жўнатган пулни олиб, бинодан шаҳд билан чиқиб кетаман. Бек оғанинг қовуни ичкарида қолади. Худди гуноҳли иш қилиб, изза бўлган одам ҳолатида гандираклаб юраман. Худо раҳмат қилгур катта энамнинг болалагимда кимгадир айтган бир гапи қулоқларим остида жаранглагандай бўлади: "Юкли хотин сўраса, тоғнинг тоши титрайди, юкли хотин истаганини емаса, куннинг юзига иссиқлик тошади". Қизиқ, аллақайси замонда айтилган шу сўзлар айнан ҳозир қулоғимда садо берганига ҳайрон қоламан ва ўзимни енгил ҳис қиламан.

Бозор-ўчар қилдим. Аҳмарнинг уйига пешинда етиб бордим. Ҳовлисида тўй бўлиб кетди. Тоғликлар бир зумда "қўноққўрди"га йиғилишди. Ўйин-кулги бошланди. Аҳмар ҳар бир овулдошига мақтанади денг: "Менинг дўстим, менинг ўзбегим. Воо, мана бундай инсон... Ўзбекистондан келди, мени йўқлаб келди". Кечгача ҳовлисидан одам оёғи узилмади. Шомга яқин Аҳмар иккимизга хотини Замарта боғ адоғидаги ёпиқ тапчанда алоҳида жой қилиб, яна дастурхон тузади. Биз ўтган-кетган воқеаларни эслашиб, гоҳ ҳазин, гоҳ ҳазил оҳангларда гурунглашиб ўтирдик. Ажабки, биз бор-йўғи икки йил урушда бирга бўлган эсак-да, икки юз йиллик тарихни кўтариб юрганга, жуда қадим-қадим замонлардан бери кўришиб, ҳол сўрашиб келаётганга ўхшардик. Замарта ҳар-ҳар замонда мен номини билмайдиган емакни келтирар, шундоғам ноз-неъмат тўлиб кетган дастурхондан олазарак бўлиб камчилик излар, хонадонига туғишган акаси меҳмонга келган каби ўзини қўярга жой тополмасдан шамолдай елиб-югурарди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Мен ҳам худди ўз жигарим, эгачимни кўрган каби шод эдим. Эҳ-ҳей, қадим томирларим туташган кунга етказганинг учун Яратганга беадад шукрона айтаман.

– Чарчадинг-а? Одамларнинг келди-кетдиси сени толиқтириб қўймадими? Овулдошлар меҳмонга айтишди. Бугун дам ол. Эртага ҳар бириникига бир-бир кириб чиқамиз, – дейди Аҳмар.

– Худо хоҳласа, ёзда Ўзбекистонга боргин. Бизнинг қишлоқ ҳам меҳмондўст. Умуман, бутун Ўзбекистон меҳмондўст.

– Албатта, бораман. Бормасам, уят бўлади.

– Аҳмар, эсингдами мен сенга ўшанда кўп бора ваъда берганман. Сенга юртимиздан асал қовунлар жўнатаман деб. Худо хоҳласа, ёзда борсанг, полизларимизга кириб ўзинг танлаб узиб олаверасан. Энди ҳозир иложи бўлмади, ҳақиқий қовун ёзда етилади, – дейман худди буни мендан сўраётгандай.

– Албатта, бораман, дедим-ку, – жилмаяди Аҳмар.

Ҳовлида нимадир тарақлайди. Катта дарвоза очилиб-ёпилади. Қулоғимга қўнғироқдай жарангли овоз ва кулги урилади.

– Болалар ҳам келиб қолишди. Бизни овулга ташлаб, булар шаҳарга қараб жўнаворишган, – ўзича изоҳ берди Аҳмар.

Менга ҳовли адоғига кўз ташлаш ноқулай туюлади. Буларда ҳам меҳмон киши хонадоннинг қиз жувонига кўз қадамайди, уят саналади. Тутум шунақа.

Замарта келин осетинча хамир овқат олиб келди-да, эрининг қулоғига нимадир деб шипшиди. Уй беги бош ирғади. Келин чиқиб кетди-ю, зум ўтмай кенг-мўл миллий либосга ўралган, Худойим қадду қоматдан қисмаган икки қиз супадан беш-ўн қадам нарида кўриниш берди.

– Булар менинг болаларим. Бири қизим Асмана, бири келиним Толиҳа! Ўғлим ишдан кеч қайтади. Танишиб оласан.

Қиз билан келин ичкари уйга кириб кетишади. Зум ўтмай ёпиқ супада яна Замарта пайдо бўлади. У патнисни дастурхонга қўяди. Мен... Мен... патнисга нигоҳ ташлайман, туйқус бир сапчиб тушаман. Ичимдан бир иҳроқ отилади, аъзойи-баданим жимирлаб, кўзларим хира тортади, киприкларим ораси жиққа ёш, лабларим пирпирайди, беҳосдан пичирлайман:

– Ё, Оллоҳ қудратингдан айланай. Э-ҳ-ҳ, Худойим-а...

– Ҳа, Ўзбекистоннинг қовуни. Бизнинг бозорда сотишяптийкан. Келиним билан қизим олиб келишди, – дейди Замарта менинг ҳаяжонланганимни ўзича англаган бўлиб.

Мен ўрнимдан туриб кетаман. Аҳмар ҳам ўрнидан қалқади. Худди олис жангдан омон чиқиш пайтимиздаги каби мен уни бағримга босаман-да, кўз ёшларимни тиёлмайман...

– Сенга нима бўлди, қўй ўзингни бос, у кунларни эслама, – дейди Аҳмар.

Мен пичирлайман:

– Оллоҳим, Ўзингга шукр! Оллоҳ Ўзингга шукр!

Ҳовлида эса Замарта қизи ва келини билан бизга меҳр билан қараб туришарди.

Михаил АХМЕДОВ (1925–1989) – Омск вилояти, Татар қишлоғида туғилган. Урушгача Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида яшаган, урушдан сўнг эса Наманганга қайтиб, меҳнат фаолиятини давом эттирган.

Қосим АХМИРОВ (1923–1951) – Саратов вилояти, Дергачи туманида туғилган. Урушдан сўнг Қашқадарё вилояти, Китоб туманида яшаб, халққа хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилган.

Ботир БОБОЕВ (1914–1984) – Тошкент вилояти, Қўйлиқ қишлоғида таваллуд топган.

Леонид БАБУШКИН (1925–1993) – Перм вилояти, Фомино қишлоғида таваллуд топган. Урушдан сўнг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳрига кўчиб келиб, металлургия соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган.

Алексей БАКСОВ (1907–1986) – Саратов вилоятида таваллуд топган. Урушгача Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб борган.

Пётр АРЕФЬЕВ (1913–1950) – Новгород вилояти, Эски Рус шаҳрида туғилган. Урушгача Тошкент шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

Михаил-Мугеш АРТЮНОВ (1907–1944) – Арманистондаги Гегенуш қишлоғида туғилган. Урушгача Самарқанд шаҳрида туман молия бўлимида инспектор бўлиб ишлаган.

Сокинлик истайди ҳар қандай юрак

Ашок Чакраварти ДОЛАНА

Шоир, ёзувчи ҳамда тақризчи Доктор Ашок Чакраварти Долана Ҳиндистон республикаси Телангана штати Ҳайдаробод шаҳрида туғилган. Ижодий фаолияти давомида Ашокнинг шеърлари 90 дан зиёд мамлакатларнинг етакчи нашрларинида эълон қилинган. У бир қанча нуфузли миллий ва халқаро мукофотлар совриндори бўлиб, улар орасида, айниқса, "NAJI NAAMAN – 2019", Россияда Умумбашарий Тотувлик Уюшмаси томонидан "Жаҳон шеърият юлдузи – 2019" мукофотлари ҳамда Маҳатма Ганди таваллудининг 150 йиллигини хотирлаш маросимида (2019) шоирга "Гандичи шоир" мақомига лойиқ топилганини эътироф этиш лозим.

Ҳозиргача унинг еттита – "Дилбар шеърият", "Тасаввур ғилдираклари", "Сокин ўйлар", "Милтироқлар", "Мулоҳазалар", "Муносабатлар", "Чиқиш туйнуклари" номли шеърий тўпламлари, шунингдек, инглиз тилида битган шеърлари 18 жилдда нашр этилган.

Сокин кенглик

Ёлғоннинг арзимас безаги дунё,
Келажак ҳақида баҳс борар қизғин.
Ҳижроннинг лаҳзалик роҳати гўё
Изидан чиқазар ҳаётимизни.

Ғолиблик томонда бу худбин очун,
Низолар сиёсий оламда тизгин.
Вайрона қитъалар йиғлайди бу кун,
Тунда ҳам одамлар ололмайди тин.

Сокинлик истайди ҳар қандай юрак,
Қалблар талпингани – осуда макон.
Мақсадсиз сарфланган ҳаётга келсак,
Шахсий оғриқлардан безовта бу жон.

Ноилож ўйладик ўтган дам ҳақда,
Болалик китобин тўздирдик чунон.
Ярим ой, юлдузлар порлаган вақтда
Сокин кенглик узра йўллар чароғон.

Ақлдан озганча қатъий туриб жим,
Осойишта тонгни мунаввар қутлаб;
У шундай тонг эрур – тун узра ҳоким,
Тинчликдан абадий лаззат туяр қалб.

Янги тонгни кузатиш

Дарҳақиқат, жонажон тинчлик
Кўнгилларга ҳузурбахш малҳам,
Келинг, дўстлар, дуо қилайлик,
Келинг, уни куйлайлик бир дам.
Гар халойиқ яшаса омон,
Дунё чунон гуллар бегумон.

Ҳар юракда бир макон сокин,
Бугун ҳам сўнг яшар хаёлда,
Худбин боқиб булутлар ҳар кун,
Чанг солади унга ҳар ёндан.
Жамиятни ўйлаб, ўртаниб,
Кўнгил чўкар, туйғулар ғариб.

Ҳукм сурсин муроса абад,
Ғолибликни ҳис этсин бутун,
Борлиқ сокинликдан туйса бахт,
Туйса ҳар уй, ҳар қарич очун.
Ишқ, муроса, тотувлик билан
Янги тонгни кузатсин олам.

Борлиқ сахий қучоққа тўлсин,
Сулҳ ва дўстлик ҳамиша ҳамдам,
Бениҳоя илиқлик бўлсин,
Тинчлик узра сирлар жамулжам.
Ҳукмронлик дунёси учун
Давом этсин тотувлик уйғун.

Хотира аро...

Муссон ёмғирининг келмоғи тайин,
Яқин муҳаббатнинг бахтсиз лаҳзаси.
Шодлик чечаклари гуллар кун сайин,
Чошгоҳ булут олар қуёшни асир.

Маст этгувчи сабо таратиб ифор
Тебратар чечакнинг маъсум исини.
Гўё асалари боғ аро бедор –
Шодланган туйғулар билмайди тиним.

Учириб кетмоқда ҳайрат тўлқини,
Силлиқ қоғоз узра чопмоқда қалам.
Сўзлар навбат ила мавжланар қониб
Токи шеър ёзилсин ўткир завқ ила!

Сўлган ширин севги хотира аро,
Ишқий шеърлар билан ойдинлашар дил.
Икрорман, ул малак ёдимда ҳамон,
Ишқ қаламим тутган шоирлик – тақдир.

Инглиз тилидан
Гўзал ШАРИПОВА таржимаси

Павол ЖАНИК:

«АДАБИЁТ – ҚАЛБГА ГЎЗАЛЛИК СИНГДИРГУВЧИ КУЧ»

Павол Жаник 1956 йили Словакия Республикаси пойтахти Братиславада дунёга келган. Словак адабиётининг маҳоратли намояндаси, шоир, драматург, ёзувчи, таржимон ва мухбирдир. Унинг адабий фаолияти асосан шеъриятдан иборат.

– Она шаҳрингиз ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...

– Братислава шаҳри Словакиянинг пойтахти. Австрия ва Венгрия билан чегарадош, бу икки суверен давлат билан чегарадош ягона миллий пойтахтдир. Шаҳар Братислава номини 1919 йилда олган. Ўша пайтга қадар у асосан инглиз тилида немис номи билан аталган "Прессбург" эди, чунки у ерда узоқ вақт немисзабонлар ҳукмронлик қилган. Словакия ҳаёт даражаси, фуқаролик эркинликлари, матбуот эркинлиги, Интернет эркинлиги, демократик бошқаруви ва тинчлик даражаси юқори давлатдир.

– Биринчи китобингиз қачон нашр этилган? Муваффақиятга қандай эришдим, деб ўйлайсиз?

– Биринчи шеърий китобим "Тасдиқланмаган ҳисоботлар" 1981 йилда нашр қилинганда, Словакиянинг етакчи адабий доиралари эътиборини тортди. Мен ўзимни оддийгина шеъриятда ифода этадиган ва нафақат бошқаларга, балки ўзимга ҳам қаратилган истеҳзо мойиллигига эга оддий шоир сифатида таништирдим. Бу услуб менинг барча асарларим учун одатий ҳолга айланди. Эндиликда менинг ифода этиш услубим афоризм нуқтаи назаридан ўзгариб бормоқда. Мен ўз ишимда баъзида жуда безовта қилувчи масалаларни кўтараман ва инсониятни янада ривожлантириш билан боғлиқ жиддий муаммоларга ишора қиламан, шу билан бирга, мавзуларим ва услубларим тобора кенгайиб бораверади.

Менинг шеърий тўпламларим "Тасдиқланмаган ҳисоботлар", "Ҳаёт театри", "Титаникни қайта қуриш", "Гўзалликнинг шахсий омади", "Чет эл орзулари луғати" китобларидир. Бадиий асарларим ўттиздан ортиқ мамлакатларда, турли хил тўпламларда, адабий портал ва журналларда нашр этилганидан, албатта, хурсандман.

– Сизнингча, адабиёт ва санъатнинг асл мақсади нималардан иборат?

– Адабиёт ва санъатнинг асл мақсади инсониятни юксалтириш, ҳурмат ва ахлоқни руҳлантириш ва одамлар қалбига ҳақиқий гўзаллик туйғусини сингдириш, деб биламан. Бу бежиз эмас, зотан, мен кино ва телевидение драматургияси ва сценарий ёзиш сирларини Братиславадаги Бадиий Академиянинг Драма факультетида таҳсил олганимда чуқур ўзлаштиришга интилганман. Мазкур ўқув даргоҳи жамоат университетлари турига киради ва Словакияда театр, кино, мусиқа ва рақс санъати соҳасидаги энг юқори даражада аккредитациялан-ган ўқув, бадиий ва илмий-тадқиқот муассасасидир. Табиийки, санъат тушунчасининг моҳиятини ҳам таҳсил олиш жараёнида чуқурроқ англаган бўлсам керак.

– Словакия Ёзувчилар жамияти ҳақида нима дея оласиз?

– Словакия Ёзувчилар жамияти – умуммиллий бирлашма бўлиб, унинг тарихи 1923 йилдан бошланади. 1949–1989 йилларда у Словакия Ёзувчилар иттифоқи деб номланганди. Словакия Ёзувчилар Жамиятининг президентлари, масалан, Иван Краско, Янко Йесенский, Мирослав Валек, Антон Хикисч, Питер Жарос ва Дусан Слободник каби намояндалар орасида исмим тилга олиниши мен учун жуда катта шараф.

– Сиз турли халқаро ёзувчилар ташкилотларининг аъзосисиз. Бу сиз учун нимани англатади?

– Турли хорижий ёзувчилар билан бирга 2004 йили Халқаро Ёзувчилар клубига аъзо бўлдим, 2016 йилдан Жаҳон Шоирлар жамиятининг аъзосиман, худди шу йилдан Жаҳон Ёзувчилар Уюшмасининг Словакиядаги бош вакили ҳам саналаман. Халқаро ёзувчилар уюшмаларининг раҳбарлари менга ушбу шарафли лавозимларни таклиф қилишди. Мен буни инсонпарварлик ва демократиянинг умумбашарий қадриятларига асосланган глобал адабий алоқаларни ўрнатишнинг рамзий воситаси сифатида қабул қилдим.

– Шеър ва тасвирий санъатни боғлайдиган жиҳат борми? Улардаги муштаракликни нимада кўрасиз?

– Адабиёт менинг касбим, сурат чизиш эса фақат менинг севимли машғулотим. Бу икки санъат турининг муштараклиги фикрнинг ифода қилинишида бадиийликдан фойдаланишда, деб ўйлайман.

– Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Инглиз тилидан
Жонибек ОБИДОВ таржимаси

Анна ФЕРИЕРО,
Италия

ЭРТАГА ЯНА УЙҒОНАМИЗ!

У жуда самимий, ҳамиша жим юрадиган соддадил одам, у иш биланми ёки умуман бошқа ҳолатда ҳам фотосуратларда, ижтимоий медиада кўриниш беришни ёқтирмайди.

Мен унга доим тақлид қилганман, унга ўхшашга ҳаракат қилганман, оддийлигидан ҳайратланганман, чин юракдан севганман, бутун вужудим билан орзу қилганман унга ўхшашни... Кўпчилик уни танимайди. Чунки ҳар биримиз: «Буни ҳеч қаерда эълон қилманг, илтимос», деб такрорлашга одатланганмиз.

Мен буни бутун дунё ўз таҳликали ҳаётини бошдан кечираётган ушбу муҳим пайтда амалга оширмаслигим керак, лекин бу бутун кучини, меҳнатини, меҳрини инсониятнинг соғлиги йўлида аямаётган инсон ҳақида. Янги «ҳайвон» бутун халқларни йўқ қилиши мумкин. "Юзим шишиб кетган, бурним синган, оёқларим шу даражада чарчаганки, улар мени аранг кўтариб турибди...". Бу уч ҳафтадан буён тинимсиз меҳнат қилган фидойиларнинг сўзлари, бу башариятни қутқараётган фаришталарнинг сўзлари...

Бу менинг онам, менинг фаришам, йўлбошчим, маслаҳатчим, менинг кучим, менинг бойлигим, менинг борлиғим...

У касалхонадаги барча беморларнинг, умр сониялари тугаши олдидан унинг азобини, илтижосини ҳис этиб кўз юмганларнинг онаси. Ҳа, у барча ҳасталарнинг меҳрибони.

У – менинг онам. Менинг онам ер юзидаги кўплаб фаришталар сингари иймони билан бутун севгисини, юрагини, қувватини, ўзидаги барча нарсасини эҳсон қилишга, беморларга ёрдам беришга сарфламоқда...

Демиургеон – бу энергия оқимлари бўлган дунёларни яратадиган киши, таналарни қутқариш орқали ҳаётнинг яратувчиси!

Биз барчамиз бир неча ой олдин аён бўлган ҳақиқатни тан олиб, барча муҳаббатимизни қайтадан кашф қилдик ва оломондан яккаланиб, уйда қолиб бу тартибсиз равишда кўпаяётган «Covid-19»ни енгишга, ярамас вируснинг бошини эгишга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

Келинг, барчамиз бир-биримизга ёрдам берайлик, келинг, уларга ёрдам берайлик!..

Улар дунёнинг кислородларидир, биз уларнинг охиригача курашишларига ёрдам беришимиз керак, ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак..

Биз эртага яна уйғонамиз, ҳаётга яна қайтамиз!

Жўшқин ҚОРАБУЛУТ,
турк шоири

Инсон ва коинот ишқ билан тирик!

Инсонлар, жонзотлар, дарахтлар, гуллар, ҳар япроғу ҳар майса ишққа ташна, меҳрга зордир. Ҳар нарса ишқ билан туғилади, ишқ ила воя-га етади. Оламимизни тутиб турган нарса ҳам – муҳаббат.

Инсонлигимизни унутмайлик. Қалбимиздаги осмон қадар улкан муҳаббатимиздан ҳар қандай вирус ҳайиқсин.

Қўлларимиз билан бир-биримизни қўллаёлмасак, қалб билан бажарайлик бу ишни. Агар юрак билан бу ишни уддалаёлсак, қалбан елкадош бўла олсак, нафақат ўзимиз, балки ёнимиздагилар, балки бутун дунё бу балодан қутулажак.

Уйлардан чиқмасликка мажбур бўлсак-да, орамизда қанча масофа бўлмасин, яқинларимиз дийдори биздан узоқ бўлганида ҳам, юрагимиздан юракларга муҳташам кўприк барпо қилайлик, дўстлар, бир кўприкки, ҳеч қачон бузилмайдиган, бир кўприкки, умри абадий!

Дунёни меҳр ва муҳаббат сақлаб қолади, азизларим!

ХОРИЖДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЮЗАСИДАН СИЗНИ ҚИЗИҚТИРУВЧИ БАРЧА САВОЛЛАРГА УЛАРНИНГ ЎЗЛАРИДАН ЖАВОБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

Роберт АДАМСОН, Австралия, Сидней Адабиёт ҳамжамияти мутахассиси.

Беттина БАЛЕКА, Австрия, шоира, "Австрия адабиёти учун" давлат мукофоти маслаҳат кенгаши аъзоси

Кристофер ФОРД, АҚШ, Мичиган университети илмий ходими.

Рикардо ДОМИНИК, Бразилия, Жанубий Америка инглиззабон шоирлар ассоциацияси маслаҳатчиси.

Ҳусайн ибн ҲАМЗА, Германия, Германиядаги шарқлик шоирлар уюшмаси раҳбари.

Акиф ХОНСУЛТОН, Грузия, "Қорапапақлар" илмий журнали Бош муҳаррири.

Мзвакхе ИБУЛИ, Жанубий Африка Республикаси, Африка Миллий шеърият академияси саркотиби.

Нилл АЙТКЕН, Канада, Торонто адабий таржима бирлашмасининг Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.

Ким Бит НА, Корея-Ирландия, Ирландия Миллий университети шарқшунослик факультети илмий ходими.

Ҳангюк АГИАТ, Непал шоири, "Ражан Мукарунг" ёзувчилар кенгаши етакчи мутахассиси

Ҳонг ИН, Хитой адибаси, Пекин таржима маркази ходими

Зарина КАНУКОВА, Қабардин-Болқор, "Горянка" газетаси Бош муҳаррири.

Олтинбек ИСМОИЛОВ, Қирғизистон, Манас университети ўқитувчиси, шоир.

Эркин СЕРИКБАЕВ, Қозоғистон, "Жалин" журнали масъул котиби.

Зера БЕКИРОВА, Қирим, "Янги дунё" газетаси Бош муҳаррири.

Ҳадда СЕНГОР, Мўғулистон, Мўғулистон Ёзувчилар Иттифоқининг "Халқаро алоқалар" бўлими бошлиғи.

Ханне ЭРСТАВИК, Норвегия жамияти етакчи мутахассиси.

Акбар ҚЎШАЛИ, Озарбойжон, Дунё ёш туркий ёзарлар бирлиги раиси.

Алмаз УЛВИ, Озарбойжон, навоийшунос олима, профессор.

Рафиқ САЙДУЛЛО, Россия (Архангельск), Шимолий (Арктика) федерал университети талабаси.

Нилуфар ШИХЛИ, Россия (Москва), журналист.

Изабелла ТАН, Филиппин, Филиппин Шеърият академияси котиби.

Эллимаия СЕО, Финляндия, Финляндия Таълим маркази етакчи мутахассиси.

Денис ЭМОРИН, Франция, "Париж йилномаси" нашри мутахассиси.

Антонис ФОСТИЕРИС, Юнон шоири, ҳуқуқ фанлари доктори, Афина миллий университети профессори

Кимиё ТАНАКА, Япония, "Шики Хайкусфер" лойиҳаси раҳбари.

Муассис:

"TAFAKKUR BULOG'I" масъулияти чекланган жамияти

Таҳрир ҳайъати:

Акмал САИДОВ
Дилшод САИДЖАНОВ
Сирожиддин САЙИИД
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Шароф УСНАТДИНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
Муртазо СУЛТОНОВ
Аҳрор АҲМЕДОВ
Бахтиёр ИСҲОҚОВ
Тоштемир ТУРДИЕВ
Шуҳрат НОСИРОВ
Қўчқор НОРҚОБИЛ

Ҳамкорларимиз:

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи

Бош муҳаррир
Хосият РУСТАМОВА

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил 8 декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0258 рақам билан 2012 йил 26 январда қайта рўйхатдан ўтган.

Саҳифаловчи:
Шахобиддин МАХМАДИЕВ

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-99
244-36-90

e-mail:
kitobdunyosi@mail.ru

Материаллар газетадан кўчириб босилганда "Китоб дунёси"дан олингани кўрсатилиши шарт.

Баҳоси келишилган нархда

Адади: 5948

Босишга топшириш вақти – 19.00
Топширилди – 19.00
№ V – 4146

Газета "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ҳажми А-2 бичимда, 6 босма табоқ, офсет усулида